

**ЗАМОНАВИЙ
АРАБ АДАБИЁТИ ЎЗБЕК
АДАБИЁТШУНОСЛАРИ
ТАЛҚИНИДА**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ
УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАМОНАВИЙ АРАБ АДАБИЁТИ ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛАРИ ТАЛҚИНИДА

Адабий мақолалар тўплами

YOSHLAR NASHRIYOT UYI
TOSHKENT - 2021

36582

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

ToshDO'TAU

AXBOROT-RESURS MARKAZI

УЎК 821.411.21

КБК 83.3(506Э)

А 74

Замонавий араб адабиёти ўзбек адабиётшунослари талқинида / Саудия адабиётидан ўзбек тилига таржима қилинган бадиий асарлар бўйича тадқиқотлар. / Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети. – Тошкент. “Ёшлар” нашриёт уйи. 2021. – 128 бет.

УЎК 000.000.00-0

КБК 00.0.(АаЎ)

Ғоя муаллифи ва тузувчи:

Муртазо Сайдумаров

Тақризчилар:

Шорустам Шомусаров, филология фанлари доктори,
профессор

Рашид Зоҳидов, филология фанлари доктори

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий Кенгашининг 2021 йил 20 апрелдаги № 6-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6681-2-6

© YOSHLAR NASHRIYOT UYI,
2020

Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 30 йиллиги ва
Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти
университетининг 5 йиллигига
бағишланади.

СЎЗБОШИ

Ватанимиз мустақилликка эришгандан буён дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини мустақамлаб, жамоннинг турли мамлакатлари ва халқлари билан илмий ва адабий алоқаларни ривожлантириб бормоқда. Ҳозирги кунда миллий адабиётимиз намуналари чет тилларига таржима қилиниб, хорижда нашр этилмоқда. Шунингдек, чет эл адабиёти, жумладан, араб адабиётининг етук намуналари ўзбек тилига аслиятдан тўғридан-тўғри таржима қилиниб, китобхоналаримиз ундан бахраманд бўлмоқдалар, шарқшунослар билан бир қаторда барча адабиёт мухлислари ўзлари учун янги бўлган адабиёт билан танишмоқдалар. Адибларимиз ва адабиётшунос мутахассисларимиз бу асарлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқдалар.

Қўлингиздаги тўплам саудия адабиётидан ўзбек тилига қилинган таржималар асосида ёзилган илмий тадқиқотлардан иборат. Саудия романистлари Ҳамза Буқарийнинг "Сафо айвони", Иброҳим Ҳумайдоннинг "Тун зулматидаги нур", Маха ал-Файсалнинг "Тавба ва Сулайё", Ҳомид Даманхурийнинг "Қурбонлик қиймати" романи ҳамда Арабистон ярим оролининг таниқли адибаси Хайрия ас-Саққофнинг "Денгизлар оша олинлар сари" ҳикоялар тўплами дастлаб "Жаҳон адабиёти" журналида, сўнгра "Ўқитувчи", "Ёшлар" ва "Ғафур Ғулом" нашриётларида ки-

тоб ҳолида нашр этилиб, ўқувчилар қўлига етиб борди. Шу билан бир қаторда, “Жаҳон адабиёти” журнали саҳифаларида бир қатор араб адибларининг ҳикоялари ва автобиографик асарлари, “Шарқ юлдузи” журналида араб модернизм шеърляти намуналари чоп этилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги ва Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 5 йиллигига бағишлаб нашр этилаётган ушбу тўплам орқали ўзбек китобхонлари учун янги бўлган саудия адабиёти намуналари ҳақида адабиётшуносларимиз фикрлари билан танишасиз.

Тузувчидан

Хушид Дўстмуҳаммад,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети профессори,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, адиб.

ЖИМЖИТЛИККА ЮЗ ТУТГАН МУҲАЙСИН

“Сафо айвони” романи¹ мутолаасига киришган китобхоннинг, авваламбор, асарнинг ниҳоятда содда, халқона эртаклар тилида ёзилгани эътиборини тортади. Асар ёш ўқувчилар оммасига башиланган бўлса керак, деган хаёлга ҳам боради. Мутолаа қилинган саҳифалар ортда қола боргани сайин эса ҳаммага ёд бўлиб кетган машҳур, “Чинакам буюклик оддийликдан, соддаликдан бошланади!” деган ҳикматомуз гап ёдга тушади.

Муаллиф бундай услубни танлагани бежиз эмас, назаримда. Зеро, “Сафо айвони” замонавий Сауд Арабистони насрининг қалдирғоч намуналаридан, шундай экан, у кенг китобхонлар оммасининг эътиборини жалб этиш, яъни ўқишга ундаш ва идрок этишини осонлаштиришни кўзлаган. Қолаверса, асар қаҳрамони гўдак бола, аниқроғи, гўдакликдан ўсмирлик, йигитлик чоғига қадар шаклланиш босқичларини бошдан кечирган инсон. Бир сўз билан айтганда, Ҳамза Муҳаммад Буқарий асар учун танлаган биргина хат услуби орқали бир неча мақсадни назарда тутган ва у ўз мақсади-ниятига эришган.

¹ Ҳамза Муҳаммад Буқарий. «Сафо айвони». Роман. Араб тилидан Муртазо Сайдумаров таржимаси. «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. 2019 й. 168 б.

Муҳайсин ал-Биллий ҳали хонадонида бўлаётган тадбирнинг тўй ёки мотам маросими эканлигини фарқламайдиган ёшда. У фақат одамларнинг кўпайгани, хилма-хил таомлар пиширилаётганини пайқайди, холос. Лекин асар мотам маросими тасвири билан бошланяпти. Гўдак Муҳайсин ўлим ҳодисасига, майитнинг ғассол томонидан покланиш манзарасига, дафн маросимига рўпара келмоқда. Ёш боланинг мурғак табиати мусибатга муносабат орқали кўрсатилмоқда. Шу кунларда Муҳайсинни ҳатто мактабда муаллимлар қойимай қўядилар, уришқоқ дўстлари ҳам уни ранжитишмайди, балки қизиқиш билан дафн маросими таассуротларини сўраб-суриштиришади. Худди шу ўринда асарнинг тағзаминига муаллиф томонидан ғоятда устакорлик билан “яширилган” мураккабликнинг бир учи кўзга ташланади. Бу – Муҳайсиннинг вафот этган ўғай отага муносабатида кўринади. У ҳам, онаси ҳам юз берган айрилиққа унчалик куюнмаганлигини тан олиб айтади. Аслида бу – қахрамоннинг ички-ботиний сири эди. Муаллиф марҳумга бўлган чин муносабатни ошкор этиш йўли билан ўқувчини Муҳайсиннинг руҳий дунёсига олиб кирмоқда. Демак, Муҳайсин ҳамма қатори оддий ва жўнгина бола эмас, унинг ички олами – дунёси бор! Бундай болаларда билишга, дунёнинг паст-баландини англаб етишга мойиллик кучли бўлади. Муҳайсин образида китобхон ушбу ҳақиқатни бор мураккаблиги билан кўради, кузатади.

Муҳайсиннинг бошқа болалардан фарқли жиҳати унинг синфдоши Суфёнга муносабатида

кўрина бошлайди. Суфён образи орқали адиб Саудиядек хос давлатда ҳам бола бола эканлигини, кези келганда, айримлари қулоқсизлик, шўхлик, ҳатто хушига келган безориликдан қайтмаслигини кўрсатади.

Вақтида берилган танбеҳлар кор қилмагач, Суфён мактабдан ҳайдалади. Мактабдан ҳайдалган ўқувчига эса бошқаларнинг муносабати аён. Бироқ, Муҳайсин ҳамма қатори Суфённи қораламайди, бошқаларга қўшилишиб уни ҳақоратламайди, балки, уни тушунишга ҳаракат қилади. **“Мен уни ёқтирардим, лекин ичимда”** деган сўзлари ҳам Муҳайсиннинг ички дунёси бор, у ўша ички дунёси садосига қулоқ соладиган одам эканлигидан далолат беради. Китобхондан адиб услубидаги ана шундай нозик чизгиларга алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади, зеро, шундагина асар ва унинг бош қаҳрамонидан кўзда тутилган бадий-фалсафий дунёқарашни англаб етишга бўлган иштиёқ орта боради.

Роман бош қаҳрамонининг мутлақо ўзига хослиги унинг феълдаги мазкур жиҳат – инсонни ТУШУНИШга бўлган истагида мужассам топади. Бундай истакли қаҳрамон образини яратишга бўлган интилиш айни чоқда муаллиф истеъдодининг кенглиги ва чуқурлигидан, қолаверса, адибнинг замонавий жаҳон адабиётидан, унда қўлланиётган турфа мураккаб услубий изланишларга руҳан бегона эмаслигидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, Суфён шунчаки эпизодик образ эмас, у Муҳайсин характерининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. У Муҳайсинни аллақандай маҳаллаларга, айниқса XIV асрга таал-

луқли исёнчилар сурати қўйилган жойга, кейинроқ эса қатлгоҳга олиб бориши... булар жиддий детал!

Гап исён ҳақида бормоқда. Суфён қай хаёлларда олиб борди ўртоғини у томонларга, лекин арзимасдек кўринган бу кичкина икки “саргузашт” Муҳайсинни чуқур руҳий исёнга бошлади десак хато бўлмас. Зеро, Муҳайсин вояга етгунга қадар (асарнинг ниҳоясига қадар) теварак-атрофидаги ҳаётга, оддий одамларга, қадимдан колган анъаналарга нисбатан ботиний исён руҳида яшади, ўсди, улғайди.

Бош қаҳрамон Муҳайсин ҳаётда рўпара келган иккинчи инсон – Асмо хола. Эътибор берайлик, Муҳайсин ўзига, кўнглига яқин олган кишилар оддий одамлар эмас. Ҳатто Асмо холадек саводсиз, халқона табибчилик, фолбинлик билан шуғулланадиган кампир ҳам унинг алоҳида эътиборига тушади. Чунки, Асмо холадек мактаб кўрмаган аёл ҳам ҳаётни, одамларни кўра билади. Ақли зукко, зийрак. Моҳир эртакнавис. Муҳайсиннинг онаси қарийб ҳар ҳафта унинг ҳузурига маслаҳат, йўл-йўриқ сўраб келади, хола эса маслаҳатини аямайди.

Она-бола Мадина сафарига отланган жойда уларга Асмо хола ҳамроҳликни ихтиёр этади. Шунда ғалати воқеа юз беради. Биринчидан, қачон йўлга тушишга ҳозирлик кўрган қарвонга қўшилиш масаласини Асмо хола ҳал қилади. Нима фарқи бор, деган савол туғилади. Бу саволга ўша қарвон йўлга тушгандагина жавоб топилади.

Гап шундаки, қарвон Мадина сари йўлга тушгач, саккизинчи кун хуфтон намозидан сўнг Асмо

хола махсус ҳозирлик кўради ва Муҳайсинни етаклаб сахро томон йўлга тушади. Кимсасиз, қоп-қоронғилиқда хола ғалати рақсга туша бошлайди. Рақс шу қадар жазавага айланадики, бола ҳайрон, туншунмайди. Boisини эса кейин, онасининг ёнига қайтгач, сўраб билади. Асмо хола Бадр жанги шаҳидларининг дўмбира садолари келишига ишонади. У гойибдан таралаётган ўша дўмбира садоларига рақсга тушаётганди. Дўмбира садолари қулоққа чалинадиган тунда айни шу манзилга етиб келишни олдиндан мўлжалга олганди Асмо хола.

Камина бир қаламкаш сифатида Асмо хола-нинг айни тундаги хатги-ҳаракатини алоҳида ҳикоя – роман ичидаги мустақил ҳикоя даражасига кўтарилган эпизод деб атагим келди.

Муҳайсиннинг дунёқараши, билими, диди шаклланишида шубҳасиз Умар амаки образи алоҳида аҳамиятга эга. Муаллиф бу образни алоҳида меҳр-муҳаббат билан тасвирлайди. Сўзларни танлаб-танлаб, чертиб-чертиб ишлатади. Ўзининг дунё кўрганлиги, илми, билимга иштиёқи зўрлиги, айниқса босиқ-вазминлиги, мулоҳазакорлиги ва кенг феъли билан ўзбек адабиётининг гултожи бўлмиш Абдулла Қодирийнинг қаламига мансуб “Ўткан кунлар” романидаги Юсуфбек ҳожини эслатади.

Муҳайсин Маккадаги “Фаҳрия” мактабида ўқишни давом эттирар экан, мактаб ўқувчилари ўртасидаги ўзаро чигал муносабатлар ҳақида сўз боради. Чунончи, ўқишдан қайтишда болаларнинг Абу Риғол торкўчасида уруш-жанжал чиқаришларини ёзади. Шу ўринда роман таржимони сўз бошида асосли таъкидлаганидек, Маккаи му-

каррама шаҳрини мусулмон аҳли асосан Масжидул Ҳарам, Каъбатиллоҳ тимсолида тасаввур қилади. Шаҳар маҳаллалари, мавзелари, хонадонлар, мактаблар, аҳолининг яшаш тарзи эса мавҳумлигича қолади. Шу нуқтаи назардан ҳам “Сафо айвони” китобхонни худди ўша номаълумлик ичра олиб киради.

Мактабдаги ўқувчилик йиллари аксарият ўқувчилар орасидаги келишмовчиликларга тўлиб-тошади. Низолар келиб чиқади, муштлашув, жанжал-тўполон дегандек! Ёш ўғил болалар психологиясига маҳкам ўрнашган бу каби қусурлар маккалик болаларга ҳам ёт эмас экан. Маккада ҳам бола бола экан.

Устоз шайх Умар Муҳайсин тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аввалига онаси бунга қаршилик билдиради. Унинг айтишича, “шайх Умар “масончи”, насронийлар юртига боради, мусулмонларнинг тилидан бошқа тилда гаплаша олади ва ҳеч ким билмайдиган катта китобларни ўқийди!” Бундай гаплар Муҳайсин онасининг эмас, умуман маҳаллий аҳоли, омма тафаккуридаги даққи тушунчалар тимсоли эканлигини пайқаб олиш қийин эмас. Муҳайсин ана шу даққиликка қарши инсон сифатида улғаймоқда ахир. Шу сабабдан ҳам онасининг тилидан хавотир ила айтилган бу сўзлар, яъни таърифлар Муҳайсинда мутлақо аксинча туйғу – чинакам иштиёқ уйғотади. Пировардида қўярда-қўймай онаси билан Асмо холадан Умар амаки билан яқинлашишга рухсат олади.

У Умар амакининг хонадонига боради. Шайх Умарнинг у билан қўл олишиб кўришгани Муҳай-

сини ҳайратта солган биринчи ҳодиса бўлса, кейинги кўрганлари унинг мутлақо ақл-хушини уғирлайди. Умар амаки кираверишда мархум отасининг улкан сурат-портретини илиб қўйган, ваҳоланки, сурат илишга шариат изн бермайди, ичкари хоналар бошдан охиригача китоб, китоб яна китоб!

Хуллас, қисқа муддат ичида Умар амаки билан Муҳайсин ўртасида устоз – шогирдлик муносабатлари йўлга қўйилади. Муҳайсин “бир неча йиллар давомида мен устоз деб чақирадиган ягона инсон ўша киши эди” дея эътироф этади. Устоздаги янгиликка, билишга бўлган ўчлик-иштиёқ шогирдга кўчади. Умар амаки “мактаб китобларидан бошқа китобларни мутолаа қилган ягона шахс бўлса”, Муҳайсин унинг давомчисига айланади.

Ниҳоятда нозик бир масала, эркаклар ва аёл-қизлар ўртасидаги муносабат. Устознинг таклифига кўра, Муҳайсин унинг ўғли Жамилни махсус ўқитади, бироқ унинг иқтидори ҳаминқадар эди, Муҳайсиннинг кўп уринишлари, аввалига, зое кетади. Кунларнинг бирида, устоз Муҳайсиндан қизини ўқитишни сўрайди. Бу – фавқулодда воқеа эди! Саудияда, Макка шароитида мисли кўрилмаган шаккоклик эди! Лекин замон ўзгармоқда, дунё буткул ўзга йўлдан бормоқда, бу аҳволда исломий эътиқодлар, тушунчалар тақдири қандай кечади? Адиб ҳеч бир жойда масалани чуқурлаштирмайди, очик баҳс кўзгамайди, балки ишоралар қилади, холос. Бу вазифани Умар амаки образи орқали ниҳоятда усталик билан амалга оширади: у ёш шогирдига насиҳат

қилмайди, унга тушунтиришга ҳам киришмайди, ҳатто истаган китобини ўқиши, истамаганини эса ўқимай қўя қолишига ҳам муносабат билдирмайди. “Эркакдир-аёлдир, бешикдан қабрга довур илм изла” деган машҳур ҳадиси шарифни эсла-тади, холос.

Устознинг қизи Жамила жўбага ўранган ҳолида сабоқ олишга киради. Унинг зеҳни баланд, ҳар қан-дай мураккаб мавзунини дарҳол ўзлаштириб олар, ёддан айтиб берар, бунга борган сайин устоз, унинг аёли ҳам ҳайратга тушишарди. Қиз жуда оҳиста гапирарди. Муҳайсин унинг чехрасини кўрмаган, фақат товушини эшитади, холос. Икки ўзгариш кузатилади: бири қизнинг ўзлаштиришдаги му-ваффақияти бўлса, “Иккинчи ўзгариш – менинг ўзимда, ичимда кечди” дейди Муҳайсин. У қиз-нинг овозига махлиё бўлиб қолади. “Шу даража-да кўникдимки, – дейди у, – тонг чоғлари унинг овозини кўмсаб, эслашга ҳаракат қилардим. Овоз-га кўниккач, у томон интила бошладим. Овоз соҳи-басини билмаган ҳолда унга боғланиб қолдим”.

Шундай сатрларни ўқиган китобхон Муҳай-син қизга ошиқи-беқарор бўлиб қолди, ҳадемай унга оғиз солади ва ўртада никоҳ масалалари кўзгайди деб тахмин қилади. Агар воқеалар шун-дай кечганида жуда кўплаб асарларга хос бўлган анъанавий сюжет чизиғи пайдо бўларди. Ҳамза Муҳаммад Буқарий эса бошқа йўлдан борди – у Муҳайсиннинг Жамилага бўлган интим хислари-ни чуқурлаштирмайди. Ва тўғри қилади, зеро, “Сафо айвони”дек асар учун у сингари туйғулар-ни очиқлаш мантиқан мос тушмаслиги муқаррар эди.

Муҳайсин ал-Биллий образи қанчалар мураккаб образ эканлиги хусусида алоҳида сўз юритишга тўғри келади.

Ҳар қандай КАТТА романда бир неча йўналиш, оқим, қарашлар қатлами бўлади. Улар турфа кўринишларда, тўқималарда китобхон эътиборини қозонади. Бунда китобхоннинг ҳаёт, инсон, бадий ижод, жумладан адабиёт ҳақидаги билими, тушунчаси жиддий аҳамият касб этади. Муҳайсин образи китобхондан мана шундай чуқур зехни талаб этадиган роман қаҳрамонидир. Такрорлайман, у жўн ва оддий инсон образи эмас, у – Саудиянинг, эҳтимол, бутун араб дунёсининг ўзгараётган, янгиланаётган одамлари тимсоли даражасидаги қаҳрамон.

Ҳамза Муҳаммад Буқарий жаноблари ўз вақтида Чехов, Толстой, Мопассан, Моэм сингари жаҳон адабиёти мунавварларининг ҳикояларини араб тилига таржима қилгани, унинг ижодий услубида Чарльз Диккенс ва Марк Твен каби сўз сеҳргарларининг таъсири сезилиши салмокли ҳулосалар чиқаришга асос беради. Ҳеч иккиланмасдан, Муҳайсин ал-Биллий образида адибнинг болалиги мужассам, десак ҳам хато бўлмас.

Муҳайсин ўзининг ботинида юз бераётган ҳар бир ўзгаришни аниқ-тиниқ кўриб-кузатиб боради. На ташқи дунёда, на атрофидаги яқин-йироқ одамларда, на ички оламида юз бераётган ҳеч бир ўзгариш унинг эътиборидан, таҳлилидан четда қолмайди. Шунинг ўзи унинг фикрловчи одам эканлигидан далолат беради. У руҳиятида юз бераётган ҳолатларга бамисоли руҳшунос ёки шикофор сингари аниқ ташхислар

қўяди. "...ўшанда нима бўлганини билмайман. Лекин шуни аниқки, ўшанда мен "шол" дардига мубтало бўлган эдим. Бу касаллик оёқ ёки қўлнинг шоллиги эмас, мия шоллиги эди. Ҳаётда бир вақтнинг ўзида ҳам бор, ҳам йўқдек юрадиган бўлиб қолдим" дея таърифлайди қаҳрамон ўз руҳий дунёсидаги кўзга кўринмас эврилишларни. Замонавий жаҳон адабиётининг манаман деган асарларида айни шу каби руҳий ҳолатдаги қаҳрамонлар бадиий таҳлил объектига айланган.

Муҳайсин нима қилади? Яна ва яна мутолаага берилади! Унинг қувваи ҳофизаси кенгая боргани сайин, дунё миқёсидаги нуфузли ташкилотлар томонидан тарқатилган маълумотларни махсус ўқийди, ўрганади, улар устидан шахсий хулосаларини батафсил баён этади.

Ислом одобида одатда туш масаласига алоҳида қарашлар мавжуд. Кўрган тушингни айтаверма, қабилдаги ҳукмлар бор. Муҳайсин эса туш ва у билан боғлиқ руҳий жараёнларни жуда чуқур ўрганади. "Менга айтишларича, – деб ёзади у, – кўрган-кечирганларинг, эшитганларинг, сенинг фойдангга бўладими ёки зиёнингтами, ихтиёрий ёки ғайриихтиёрий равишда онгингга сақланиб қолади, сўнг ўзингга ёки кейинги авлодга туш шаклида ёки мия катакчаларида ва ирсиятда таъсири кучли бўлган бўлса, уйғоқлик ҳолатида зохир бўлади".


Муҳайсинни китобга, билишга бўлган интилиши, чанқоқлиги уни Мисфала маҳалласидаги тунги "тўтарак"ка бошлаб боради. Онаси билан Асмо хола бунга ижозат беришмайди. Муҳайсин эса

энди ёш, гўдак эмас. Онаси билан холага нисбатан исён эълон қилади. Буни Буқарий ўзига хос енгил юмор билан “гражданлик исёни” деб номлайди. “Исён” шарофати туфайли унга рухсат тегади.

Тунги ўқув машғулотида унга “Миллатлар ва мазҳаблар” номли китобни ўқиш учун беришади. Муҳайсин, айниқса, мазҳаблар масаласининг ниҳоятда оғирлигидан, бу масалада бирор қатъий тўхтамга келиш мушкуллигидан келиб чиқади. “...бу чигалликларни ечадиган бирор нима топилб қолса” деб умид қилади, бироқ ўй-мулоҳазалари адоғига етмайди ҳамда “...ҳамма одамларга узоқ вақт ёрдамга келган энг катта фазилат бўлмиш жимжитликка юз тутдим” дейди.

Жимжитликка юз тутиш, унинг ҳикмати ва ҳа-ловатини дилдан ҳис этиш ҳам маърифатли, маъ-навияти чуқур зоҳид инсонларгагина хос фазилат. Муҳайсин ал-Биллий айни шундай инсон образи бўлиб замонавий сауд адабиёти тарихида қола-ди. Афсуски, мен Ҳамза Муҳаммад Буқарийнинг бошқа асарлари, чунончи, унинг ҳикоя ҳақидаги қарашлари билан яқиндан таниш эмасман, шун-га қарамай ишонч билан айта оламанки, Муҳай-син образининг ўзи адиб бадиий тафаккурининг нақадар кенг ва замонавий эканлигидан шоҳид-лик бериб турибди.

“Сафо айвони” ҳақидаги мулоҳазалар бу би-лан тутамайди албатта. Сўзимни мухтасар қилар эканман, роман араб дунёси, маиший ҳаёти би-лан боғлиқ кўплаб маълумотларга бойлиги билан ҳам аҳамиятли эканлигини таъкидлагим келди. Хусусан, миллий таомлар,



либослари, пул бирликларига доир маълумотлар кизиқиш билан ўқилади. Мен бир ўзбек қаламкаши сифатида мазкур асарни ниҳоятда мос ва муносиб тилда ўзбекчалаштирган мутаржим биродаримиз Муртазо домла Сайдумаровга шахсан миннатдорлик изҳор этаман. Халқимизни араб адабиётидаги шу хил асарлар билан таништириш борасидаги келгуси фаолиятларида катта зафарлар ёр бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламан.

25.08.2020 йил

Адҳамбек Алимбеков,
Тошкент давлат шарқшунослик
университетининг Шарқ мамлакат-
лари адабиёти ва қиёсий адабиёт-
шунослик кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди

ЎҚИШЛИ РОМАН

Араб мамлакатлари адабиёти ўзига хос тадрижий йўлни босиб ўтган адабиётдир. Мумтоз араб адабиётида шеърят етакчилик қилса-да, арабларда турли шаклда насрий асарларнинг яратилганини ҳам кўрамиз. Дунёга машхур “Минг бир кеча”дек ажойиб наср намунаси бекорга пайдо бўлмаган. Умуман мумтоз араб шоирлари XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги маърифатпарварлик адабиётига замин ҳозирлади. Маърифатпарварлик адабиёти – Шарқ ва Ғарб адабиётидан озиқланган замонавий адабиёт ривожига асос бўлди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Миср, Ливан, Сурия каби араб мамлакатлари маърифатпарварлик маркази бўлган бўлса, кейинчалик бу ҳудуд янада кенгайди. XIX аср араб адабиётида икки оқим пайдо бўлди. Биринчиси мумтоз адабиёт анъаналарини тиклаб адабиётни ривожлантириш йўлини танласа, иккинчиси замонавий жаҳон адабиётининг ютуқларидан фойдаланиб, янги адабиёт яратиш тарафдорлари эди. Иккинчи йўналиш тарафдорларининг ишлари тезда кўзга кўрина бошлади. Жаҳон адабиётидан қилинган таржималар, публицистиканинг ривожланиши, эмиграцияда бўлган европалик

ижодкорларнинг араб давлатларига келиши бу жараённи янади тезлатди. Шунинг натижасида бошқа араб мамлакатларида бўлгани каби Саудия адабиётида ҳам янги жанрлар - хусусан ҳикоя, роман жанрларида асарлар яратилиб ривожлана борди.

Саудия романчилигининг ривожига катта ҳисса қўшган ёзувчилардан бири Ҳомид Даманхурийдир. 1922-1965 йилларда яшаб ижод этган Ҳ.Даманхурий шоир, ҳикоянавис, романчи, публицист сифатда танилди. 1946 йили Мисрда олий маълумотли филолог бўлиб, она шаҳри Маккаи Мукаррамага қайтган Ҳомид иш фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлайди. Ёшларда адабиётга меҳр уйғотди. Ҳомид кейинчалик ҳам қаерда ишламасин, ички ишлар идораларида ё маориф вазирлигидами ҳамisha ижод билан шуғулланди. Адабий асарларининг матбуотда тез-тез чоп қилиниши уни халққа танитди. “Қурбонлик қиймати ёхуд муҳаббат ва бурч” (1957), “Ва кунлар ўтди” (1963) романлари билан Саудия романчилигининг асосчиларидан бири бўлди. Ёзувчига халқи орасида шуҳрат келтирган биринчи романи – “Қурбонлик қиймати” жаҳон тилларига (масалан рус, инглиз ва бошқа) таржима бўлган. Бу роман таниқли арабшунос ва таржимон Муртазо Сайдумаров томонидан аслиятдан ўзбек тилига ўтирилиб, 2019 йили “Ўқитувчи” НМИУ томонидан “Қурбонлик қиймати ёхуд муҳаббат ва бурч”¹ номида ўзбек тилида нашр этилди.

¹ Ҳомид Даманхурий. “Қурбонлик қиймати ёхуд муҳаббат ва бурч”. Роман. Араб тилидан Муртазо Сайдумаров таржимаси. “Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент. 2019 й. 200 б.

Романда дўкондор Абдурахмоннинг оиласи ва унинг ўғли Аҳмад мисолида XX асрнинг биринчи ярмида Маккаи Мукаррамадаги ижтимоий шароит, арабларнинг ўзига хос урф-одатлари акс эттирилган. Абдурахмоннинг оиласи яшайдиган муқаддас масжидга яқин маҳалла, катта шаҳарнинг бир парчаси бўлган Сувейқа кўчасидаги ҳаёт орқали ёзувчи Макка муҳитини кўрсатади. Мана оқшомги Сувейқа кўчаси: “Кўчага сукунат чўккан бўлиб, аксарият қисми қоронғи, торкўчага икки чеккада жойлашган уйларнинг деразаларидан нурсиз ёруғликлар тушиб турарди. Торкўча бошидаги симёғочга илинган фонуснинг гира-шира ёруғи эса ўтаётган йўловчилар учун торкўчанинг бошланишини белгиловчи вазифани ўтарди, холос” (15-бет). Энди тонг отиб Сувейқа одатий кўринишига кирган, дўконлар очилиб, расталарга матолар қўйилган пайт: “Бундай вақтларда қуёш уфқда кўтарилганига, барча бозорларни ўз ҳарорати билан қиздирганига қарамай, бу кўчанинг ёруғликдан насибаси чекланган бўлиб, эски чодирнинг тешикларидан кумуш тангалар кўчанинг турли ерларига сочилиб тургандай кўринар эди” (36-бет). Ёзувчининг маҳорати кўча ҳолатининг сўзлар билан чизилган ажойиб манзарасини китобхон кўз ўнгида гавдалантира олганидadir. Мана шундай тасвирларда ёзувчи у ерда яшовчиларнинг яшаш тарзини кўрсатади.

Ёзувчи қаҳрамонлари тақдири орқали Саудия Арабистонидаги таълим тизими, аёлларга бўлган муносабат, ота ва болалар ўртасидаги ва ёшлар орасидаги турлича қарашлар ҳақида фикр юри-

тишга ундайдиган бадиий лавҳаларни берадики, бу романнинг ғоявий мазмунини кучайтирган. Масалан, романда қизларнинг ўқишига икки хил муносабатни кўриш мумкин. Бир тараф аёлнинг иши уйда ўтириш деса, иккинчилари уларнинг илм олиши тарафдори.

Романни ўқиган киши ёзувчининг адабий портрет устаси эканлигини ҳам сезади. Дўконга кетаётган икки кўшни – Аҳмаднинг отаси Абдурахмон ва дўсти тасвири: “Шайх Абдурахмон ўрта бўйли, ориқ, юзи чўзиқроқ, биров қорачадан келган, шайх Солим эса паст бўйли, тўлача, юрганида ўнгдан чапга лапанглар, елкасида жойнамос ва қўлида узун тасбеҳи бор эди” (27-бет). Фотима тавсифи бундан-да гўзал: “Фотиманинг қомати келишган, у гўёки исталган гўзал ҳаётнинг тимсоли, бўйи баландга яқинроқ, бели ингичка, буғдойрангдан кўра оқишроқ, юз чизиқлари аниқ, тим қора сочли. Эътиборни тортадигани унинг маъноли қора кўзлари эди” (43-бет). Бу тасвирлар қаҳрамонлар характери билан ҳам боғлиқ. Ҳомид Даманхурий персонажлар сажиясига мос адабий портретни бера олган. Романдаги ёзувчи маҳоратини кўрсатувчи матнларни мисол тариқасида келтиришимиздан мақсад, ёзувчи маҳоратини айтиш билан таржимоннинг муваффақиятини-да таъкидлашдир.

Ҳомид Даманхурийнинг шароитни қаҳрамоннинг рухий ҳолатидан келиб чиқиб тасвирлаши асарни янада ўқишли қилган. Романда инсоннинг атроф-муҳитга бўлган муносабати унинг ички дунёси билан, ўша вақтдаги ҳолати билан узвий боғлиқликда кўрсатилади. “Аҳмаднинг

юзида тўсатдан келган хурсандчиликни ифодаловчи табассум пайдо бўлди. У Фоизанинг сўзсиз сўзлаётган оловли кўзларига боққанида ич-ичларини ларзага келтирувчи кучли исёнини ҳис қилди. Шунингдек, мана шундай турган ҳолатида худди уни биринчи кунни уйлариининг эшиги олдида кўрганида, “Сизга ким керак?” деб мулойим овоз билан савол берганида бўлгани каби юраги тинимсиз тез-тез ура бошлади” (133-бет). Яна бир ҳолат: “Сирингнинг ошкор этилишидан, ҳар қандай сирнинг, айниқса, юрак сирларининг ошкор этилишидан азоблироғи борми? Бу гўёки юрагингнинг бир парчасини ўткир пичоқ билан кесаётганинда ундан қон томчилаётганини, ундан ҳаёт суғуриб олинаётганини биров томоша қилиб тургандек” (141-бет). Юқоридаги икки ҳолатда бир одамнинг ички кечинмалари тасвирланган бўлса, персонажларнинг барчасига тааллуқли бўлган ҳолатни ифодалашда ҳам муаллифнинг қалами ўткирлигига гувоҳ бўламиз. Абдураҳим амакининг вафотидан сўнг, ҳамманинг қайғуга ботиб, оила учун ҳаёт бир кичик доира ичида айланаётгандек бўлиб қолганини ёзувчи шундай тасвирлайди: “Бу ерда ҳеч қандай енгил-елпи шовқин ёки балаңд овоз йўқ эди. Бу баҳайбат уй қайғу-аламнинг оғир юки остидаги бир зах каби эди. Чироқлар уни қанчалик ёритмасин, бу ердаги сукунат қайғудан далолат берарди, у гўёки ойли тундаги қабрларга ўхшарди. Ҳаёт тегирмони айланар, оила барча аъзолари билан тегирмон тошини тўхтамай айлантираётган, кўзлари тўсилган хўкиз каби эди” (118-бет).

Ёзувчи қаҳрамонларининг руҳий тушкунлигини муҳит орқали китобхонга сингдираётир. Инсоннинг дили қоронғу бўлса, уни ҳеч қандай чироқ ёритолмаслигини баён қилиб эмас, тасвир орқали бераётир. Бундай тасвирлар ўқувчи кўз ўнгида бадий образни тирик инсонни кўриб тургандай ҳис қилиши ва дардини туймоқ имконини яратади.

Романдаги барча образлар марказида Аҳмаддир. Персонажлар Аҳмадга ёки Аҳмаднинг уларга бўлган муносабатига қараб романдан жой олган. Бу сюжет ва композициядаги изчилликда ҳам кўринади. Аҳмад Фоишани учратгандан сўнг унда кечган ички ғалаёнлар, узоқ вақт севгилиси Фотимани кўрмаган Аҳмад Фоишадаги унга ўхшаш жиҳатлари учун ёктириб қолгани самимий тасвирланган. Орада ҳеч қандай муносабат бўлмаса-да, Аҳмад Фотимага хаёлида ҳам хиёнат қилмагани ҳолда унинг руҳий ҳолати, кечинмалари рўйи-рост берилади. Чунки инсонда ўткинчи ҳаваснинг бўлиши табиий. Муҳими бунга берилмаслик. Муҳаббат ва бурчга садоқатли қолишдир. Романнинг туб моҳияти ҳам шу ғояда мужассам.

Муаллиф воқеалар ривожланиши ёки қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, ўринли тарзда ҳаётий фикрларни роман матнига сингдириб юборадики, бу асарнинг маъно жиҳатдан серқатламлигини таъминлаган. **“Яралар биз ўйлагандек тез битмайди. Уларнинг асорати қолади, ҳар замоннинг ўз ҳодисалари бор, биз ана шу ҳодисалар ҳақида қайғураемиз, улар яраларимиз устига юпқа қатлам қолдирадими, уни одамлар кўзи олдида яширади, лекин жабр тортувчигина унинг аламли оғриқла-**

рини ҳис қилади, ёлғиз қолган вақтларида сукут сақлаб, ана шу оғриқлар билан яшайди” (50-бет). Ёки табиат ҳодисалари билан қиёслаб айтилган қуйидаги тасвирга эътибор берайлик: “Ҳаётимизнинг бахтли лаҳзалари ёмғирли тундаги чақмоқ нури кабидир. Тўсатдан ярақлайди-ю, тўсатдан ўчади. Шу лаҳзаларда зулматнинг қоронғуликдан кўрқинч ҳисларимиз ортади, хавф-хатарнинг юз беришини ҳис қилишимиз кучаяди. Чақмоқ булутлар тўқнашувининг эълон қилиниши бўлиб, унинг куч билан ўкирган товуши борлиқни ларзага солади (168-бет). Ёзувчи инсон ҳаётидаги лаҳзаларни табиат ҳодисалари билан муқоясада тасвирлаши ўқувчи хотирасида муҳрланиб қолади. Кўрган нарсасини ҳис қилгани билан қиёслаш имкони туғилади.

Асарда қаҳрамонлар сўзидан ёзувчининг айтмоқчи бўлган ғояларининг берилишининг энг яхши намунаси Иброҳим ва Ҳусайн суҳбатида ўз аксини топган:

“Ҳусайн унга жавоб берди:

– Ҳамма нарсани чет элдан келтириш етар. Ҳатто кўшиқларда ҳам бошқаларга қараб қоляимиз.

– Дўстим, бу ривожланиш. Мен йигирманчи асрда яшаяпман. Бутун олам ягона бир инсоний умматта айланади. Инсоний ҳиссиётлар бирлашган тўқимадир. Мусиқа ва кўшиқ халқаро тил, уни ҳар бир идрок этувчи инсон тушунади.

Ҳусайн ўзини зўрға тийиб турди-да, деди:

– Сен бу гапларингни Ғарбий Саҳрода ва Россия ҳудудларида қон тўкаётган ва инсонийликни

даъват этаётганларга айт! Сен уларга “бутун дунё турли тилларда сўзлашувчи ва инсонийликка бирлашувчи бир халқдан иборат” деб айт (72-бет).

Бу асли икки студент дўстнинг эмас, Ғарб ва Шарқнинг ўртасидаги тортишувдир. Ёзувчи ўз сиёсий, фалсафий қарашларини қахрамонлари нутқи орқали бериши бадиий адабиётнинг асосий хусусиятларидан. Муаллифнинг ютуғи бу ерда умуминсоний муаммоларни кўтараётгани ва унга муносабат билдираётганидир. Тўполонли дунёда ҳар бир миллат ўзлигини сақлаб қолиши осон кечмаслигини кўрсатиш ва умуминсоний ғояларни ёшларга сингдиришдир.

Асарда урушни қоралаш ғоялари, саудия таълим тизимидаги муаммоларга диққат қаратилиб, Ғарб маданияти кириб келишининг салбий оқибатлари, авлодлар ўртасидаги муносабат, бир бурда нон топиш учун қийналаётган одамлар тақдири, замонавий саудия адабиёти, оила қуриш ҳақидаги фикрлар романнинг ижтимоий вазифасини янада оширган.

Ўқувчи романда ёзувчининг бадиий тасвир устаси эканлигини саҳифадан саҳифага ҳис қила боради. Шунингдек: “Бола узгунидан бўшаган тойчоқ каби чопиб кетди”, “Суякларимда совуқни худди қувурларда оқаётган сув каби ҳис қиляпман”, “Ойна синиқлари худди сергак кўзлардек йўловчиларга қарар”, “Йўл узун, жазирама иссиқдан чарчаб, қумлик узра чўзилиб ётган баҳайбат қора илон каби кўринди” сингари асарни безаган жумлалардан завқланади.

Бахтсизликни кўрмасдан бахтнинг қадрига етиш, зулмни билмасдан адолат қадрига етиш,

йўқчиликни кўрмасдан, фаровонликнинг мазмунига тушуниш қийинлигини, ҳар бир нарсанинг ўз қиймати борлиги, бахтнинг келиши ҳеч қачон кеч бўлмаслиги, китобдаги қаҳрамонлар тақдири мисолида яхши кўрсатилган.

Асар енгил ўқилади. Бу – таржимон Муртазо Сайдумаровнинг меҳнатининг натижаси. Таржимон нинақадоқ каби янги сўзларни қўллашдан чўчимаydi. Бу сўз ўзбек тилида янги сўз бўлиб қолиши мумкин. Аммо таржима матнидаги консерватив, нивелир, термометр, дефицит, оптимистик, тактика, зал, коллекция, каби сўзларнинг ўрнига имкони қадар ўзбекча муқобили қўлланганда романининг шарқона оҳанги янада тўлиқроқ сақланган бўларди.

Умуман муваффақиятли ўтирилган ушбу роман Саудия Арабистони ҳаёти билан таништириш баробарида, урф одатлари заминини ҳам ифодалайди. Роман қаҳрамонлари Фотимадаги шарқона ҳаё, Аҳмаддаги ота-онага, қариндошларга бўлган муносабат ўзбек ёшлари учун ҳам ўрнақдир. Таржимадан мақсад ҳам бир халқни бошқа бир халқ ҳаёти билан таништириш, дунёқарашини кенгайтириш экан, Ҳомид Даманхурийнинг ўзбек тилида чоп этилган бу романи ўз вазифасини ўтаяпти, дейишимиз мумкин.

Муртазо Сайдумаров,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети доценти,
филология фанлари номзоди

АРАБ ЎСМИРЛАР АДАБИЁТИ (“Тун зулматидаги нур” романи мисолида)

Йирик адабиётшунос олим Наим Каримов ўзининг “Олтин кўприклар жозибаси” номли мақоласида “Инсоният цивилизациясининг ҳозирги босқичида ҳар бир миллий адабиётнинг бошқа халқлар адабиёти ютуқларидан бебахра яшаши амри маҳол. Ҳатто айтиш мумкинки, ҳар бир миллий адабиётнинг тараққиёти жаҳон адабиётида пайдо бўлаётган янги бадиий ғоялар ва янги бадиий-услубий изланишларни кузатиб бориши, ўрганиши ва улардан баҳраманд бўлишига боғлиқ”¹ деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, XX асрнинг деярли саксон йили ўзбек ўқувчиси қардош ва хориж халқларининг адабиёти билан аксарият рус тилидан таржима намуналари орқали танишиш имконига эга бўлган бўлса, мустақиллик туфайли бу манзара ўзгарди. Энди ўзбек шарқшунослари, филолог олимлари томонидан жаҳон халқлари адабиётининг аслиятдан, миллий тилдан қилинган таржималари орқали ўқиш бахтига мушарраф бўлди. Ўзбек китобхонлари эътиборига машҳур араб ёзувчиси Иброҳим ан-Носир

¹ Каримов Н. Олтин кўприклар жозибаси. /“Озод Ватан саодати” китобида. - Тошкент, 2013. – Б. 72.

қаламига мансуб бўлган “Тун зулматидаги нур” (1961) романининг таржимасини¹ тақдим этар эканмиз, биз бунга қадар саудия адабиётидан ўзбек тилида Ҳомид Даманхурийнинг “Қурбонлик киймати ёхуд муҳаббат ва бурч”, Ҳамза Муҳаммад Буқарийнинг “Сафо айвони” ва Маҳа Муҳаммад ал-Файсалнинг “Тавба ва Сулайё” романларини ҳамда Ҳадижа ал-Ҳарбий, Вафо ал-Умайр, Ҳақи-ма ал-Ҳарбий каби адибаларнинг ҳикояларини ҳам ўқувчиларимиз ҳукмига ҳавола этганимизни эслаб ўтмоқчимиз.

Иброҳим ан-Носир ал-Ҳумайдон (1933-2013) саудия адабиётининг йирик намояндаларидан бири ҳисобланиб, адабиёт оламида ўзининг “Ўликлар кemasи”, “Ҳижратдаги бокира”, “Куз булути”, “Соя титроғи”, “Айбсизлик қони”, “Лўли қиз ва нлон”, “Шамол девори” каби романлари ва “Оналаримиз ва кураш”, “Ёмғир ёғмаган ер”, “Қизлар қули”, “Йўлдаги акс этувчи чироқлар”, “Оқшом учун икки юлдуз”, “Ошиқ бокира” номли ҳикоялар тўпламлари ҳамда “Хотира қолдиқлари” номли автобиографик асарлари билан машҳур.

Иброҳим ан-Носир ижоди шакланган Саудия Арабистони ярим ороли мамлакатлари адабий муҳити бошқа араб мамлакатлари адабиётидан фарқ қилувчи жиҳатларга эга. Шарқшунос олимларнинг тадқиқотлари² шундан далолат беради-

¹ Иброҳим Носир Ҳумайдон .“Тун зулматидаги нур”. Роман. Араб тилидан Муртазо Сайдумаров таржимаси. “Ёшлар” нашриёти. Тошкент. 2020 й. 276 б.

² Мухаммед А. А. Новеллистика арабских стран Персидского залива в XX веке. – Москва, 1999; Ходжаева Р.У. Янги давр араб адабиёти тарихи (1- қисм). - Т.:ТошДШИ, 2004.-178 б.; Акбарова М.Х. Лига сирийских писателей и ее место в развитии современной

ки, Сурия, Миср, Ливан каби араб давлатларида янги давр адабиётининг, хусусан, новелла ва роман каби жанрларнинг шаклланиши ва тараққиёти анъанавий Ўрта аср араб адабий жанрларининг трансформацияси Ғарб адабиёти, маърифатчилик руҳидаги адабиёт, таржима асарларнинг таъсири билан узвий боғлиқ тарзда кечган. Давр жиҳатдан Саудия Арабистонида насрнинг шаклланиши XX асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Айнан шу даврга келиб подшо Абдулазиз ибн Абдурахмон Ол Сауд¹нинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатда даврий матбуот ривож топди, бадиий ижод эркинлиги берилди, олий таълим муассасаларига асос солинди, кўплаб ёшлар хорижий давлатларга таҳсил учун юборилди. Айнан шу даврда адабиётшунослар томонидан адабиётнинг вазифаси, роли ҳақидаги масалалар кун тартибига олиб чиқила бошланди. Саудия адабиёти даставвал Сурия-

сирийской новеллистики. Дисс...кан. филол. наук.- М.:1965. -460с.; Сирийский рассказ (Становление в пути развития). - Т.: Фан, 1975.-70с.; Очерки истории арабской литературы нового времени. Т.:ТашГИВ, 2001.-405с.; Янги давр араб адабиёти (XIX- XX асрлар). Дарслик. Т.:2009.; Абдуллаев А. Основные тенденции и особенности развития современной сирийской романистики на примере творчестве Ханны Мина. Дис...канд. филол. наук. - Т.:ТашГИВ, 2002.-136 с.; Бултаков И. Ю. Миср адабиётида «янги шеърият» харакати ва Амал Дункул ижоди. Филол.ф. номз... дисс...автореф.- Т.:ТошДШИ, 2005; Жўрж Салим асарларида бадиий тафаккур эволюцияси. Филол.ф. номз... дисс. автореф.-Т., 2008; Аҳмедова Ш. Замонавий Кувайт ҳикоянавислиги тараққиётида адибалар Лайло ал-Усмон ва Сурайё ал-Бақсамий ижодининг ўрни. Тошкент, 2010;

¹ Абдулазиз ибн Абдурахмон Ол Сауд (1875-1953)– Саудия Арабистони Подшоҳлигининг асосчиси (1932-1953 йиллари -Саудия Арабистони подшоси; 1926-1932 йиллари - Нажд ва Хижоз подшоси; 1902-1927 йиллари - Нажд амири.).

Америка мактаби¹, кейинчалик Миср адабиётининг кучли таъсири остида ривожланди. Ўтган асрнинг 50-йилларига келиб насрий адабиёт тўлақонли ривож топди. Бу давр насрида: романтизм, реализм ва экзистенциализм адабий йўналишларининг ривожланиши кузатилади. Иброҳим ан-Носир саудия араб адабиётида роман талабларига жавоб берувчи бадиий асар яратган дастлабки адиблардан ҳисобланади.

“Тун зулматидаги нур” романи сюжети асосида оддий ўсмир йигит (Исо)нинг ҳаёти туради. Оталар ва болалар муносабати, фарзандлик бурчи, онанинг оиладаги ўрни, илк севги, ватанпарварлик, дўстлик, таълим олиш каби тушунчалар ва уларнинг моҳияти юзага чиқадиган ҳаётий вазиятлар асосий сюжет чизигига ёндош сюжет чизиқларида ўз аксини топади. Роман кўпшанли сюжет, ёрқин персонажларга эгаллиги, фактларни аниқ ва деталаригача баён қилиниши, баёнда тушунарли услубнинг қўлланилиши, юмор ҳисси, асар дебочасиданок қизиқтириб кўйиш хусусияти, эса қоларли якунга эга бўлиш каби хусусиятларга кўра “ўсмирлар адабиёти”га хос хусусиятларни намоён этади. Албатта, ҳар бир миллат адабиётида ўсмирлар мавзуси ўзига хос талқинга эга. Бу ўша миллат, халқнинг турмуш тарзи, иқтимоий-сиёсий ҳолати, маънавий қадриятлари ва бошқа кўпгина омиллар билан боғлиқ. Романнинг бош қаҳрамони Исо исломий тарбия

¹ Изоҳ: Сурия-Америка адабий мактаби - Араб адабиётининг Илк реализм даври (1910-1935) босқичида юзага келган мактаб. (Батафсил маълумот учун қаранг: Акбарова М.Х. Янги давр араб адабиёти. Тошкент, 2009. – Б.38-39)

руҳи кучли бўлган оиланинг бош фарзанди. У ҳам бошқа ўсмирлар каби қалби юксак орзулар, ширин туйғулар ва идеаллар билан лиммо-лим тўлайигит. Исо ва отаси ўртасидаги муносабатлар орқали ўша давр араб жамиятида мавжуд савдогарчилик орқали кун кечирадиган аксарият оилаларига хос бўлган асосий хусусиятлар: оталарга сўзсиз бўйсунуш, иқтисодий манфаатни устун қўйиш, қалтис вазиятлардан ҳам шахсий манфаат учун фойдаланиш, болалар ва оналар фикри билан ҳисоблашмаслик, фарзандларнинг таълим олишига уларнинг камолоти учун эмас, оталарнинг қудратини намоён этиш воситаси сифатида қараш ва бошқалар ўз ифодасини топади.

Романдаги барча тасвирлар ўсмир бола руҳиятининг турли қирраларини кўрсатишга хизмат қилади. Шундай тасвирлардан энг асосийси бу шаҳарнинг рамзий тасвиридир. Албатта, шаҳар образининг рамзий маънодаги талқини жаҳон адабиётида кенг тарқалган ходисалардан бири. У нафақат инсонлар яшайдиган макон, балки улар яшайдиган жамият, уларнинг руҳиятини шакллантирувчи муҳит ва бошқа функцияларни ўзида ифодалайдиган тасвир воситаларидан ҳам бири. Шаҳар ҳамма вақт мутафаккирлар, шоир ва ёзувчиларнинг эътиборини тортиб келган. Аристотель, Платон, Фаробий, Т.Мор, Кампанелла сингари мутафаккирларнинг ишларида ва деярли барча йирик ёзувчи ва шоирлар (А.С.Пушкин, Ф.С.Фитжеральд, Г.Миллер, Жон Дос Пассос ва б.) ижодида шаҳар феноменига жиддий ёндашилган. Агар дастлаб шаҳар идеал инсонлар жамоаси шаклланадиган макон

сифатида талқин қилинган бўлса, кейинчалик шаҳарлар инсоннинг жамиятдан бегоналашуви, меҳр-оқибат ва инсонийликдан йироқлашиш каби муҳит ифодаси сифатида намоён бўла бошлади. Фақат айрим ижодкорларда аниқ бирор шаҳар (масалан, Санкт-Петербург) билан берилса, баъзиларда шаҳар номсиз тасвирланади. Иброҳим ан-Носир ижодида ҳам шаҳар феноменига жиддий эътибор қаратиш хусусияти кузатилади. Романда “З...” шаҳарчаси билан боғлиқ ва бошқа табиат ҳодисалари (чанг-тўзон, дарёлар, осмон, саҳро, тонг отиши, ёмғир ва ҳ.к.) худди тирик организмга хос бўлган хислатлар билан тасвирланади: “Шаҳарча эрталабдан эснар, тонг шаҳарча юзини ярақлатиб очар...”, “...уятсиз бузук шаҳар...”, “Тонгнинг яшил булутли нам нафаслари майда ёмғир сепар ва шаҳарчани худди бут каби тушаётган шаффоф ёпинғич билан ўраб олганди. Деворлар бу намликни симиришга мажбур...”, “Қуёш ботиши. Бу қандай ажойиб манзара! Шафақ ўзининг қонли толаларини кўрқув ва буюкликдан соя солиш учун итоаткор тепаликлар устига тўқади, бу соялар бокира ер узра тарқалиб, борлиқ раббисига бўйсуниб, барча инсонларга Яратувчининг буюклиги ва қудратини эслатиб туради”. Шаҳарчининг номсиз тарзда берилиши, назаримизда, адибнинг бу шаҳар орқали умуман ўша давр араб жамиятига хос ҳолатни типиклаштириш мақсадида қилинган бўлиши ҳам мумкин. Адиб романида ҳар бир макон тасвири маълум бир функцияни бажарган. Ҳеч бир тасвир шунчаки бадий безак учун киритилмаган. Бадийлик ва ёзувчи ифодаламақчи

бўлган фикр уйғунлиги асар таъсирчанлигини оширган.

Ёзувчи ўсмир ҳаётида мактаб, кўча, бозор каби маконлар катта жамият, уй эса кичик жамият родини ўйнашини Исо характерининг тадрижи мисолида кўрсатади. Романда асосий сюжет чизиғини Исо ва унинг оиласи билан боғлиқ воқеалар ташкил этса, унга ёндош сюжет чизиқларни: Исо ва унинг масжид ҳамда мактабдаги ҳаёти; Исо ва кўшни қиз Муфида ўртасидаги самимий севги; Исо ва унинг дўстлари билан боғлиқ воқеалар ташкил этади. Ҳар бир сюжет чизиғида ҳаракатланувчи қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари тасвири асосий образ бўлган Исо характерининг турли қирраларини очишга хизмат қилади. Шаҳарчадаги ҳаёт Исонинг ҳаёлотига ҳаёт сингари зиддиятли, исёнкор. Унинг оила, дўст, севги, ватан ҳақидаги ўй-хаёллари ташқарида содир бўлаётган реал воқеликка ҳар доим ҳам мувофиқ келавермайди. У отасининг иродасига қарши ўлароқ савдо соҳасини эмас, кўпроқ санъат, ижод соҳасига мойил; араб ва хориж ёзувчиларининг китобларини мутолаа қилишни севади; у дўстининг ва бошқа инсонларнинг ҳаётига бефарқ эмас; ҳаётда унинг ўз идеаллари, ғоялари ва интилишлари бор; мустамлакачиларга қарши кураш учун кўнгилли бўлиб ҳарбий хизматга кетишга ҳам тайёр; Исо чин севишга қодир. Романда Исодан ташқари Абдулло, Фуад, Исмоил, Муфида, Юсуф, Аднон сингари ўсмирлар образи ҳам бўлиб, улар орқали ёзувчи ўша давр ёшларининг турмуш тарзи, фикрларидаги ранг-баранглик, катта авлод (Аммор Ҳожи, Шайх Иброҳим, Шайх Усмон

Абул Лайл, полиция ходимлари, болаларнинг оналари) ва ёш авлод ўртасидаги дунёқарашдаги фарқларни кўрсатиб беради. Мактабдаги ўсмирларнинг суҳбати орқали ҳар бир ўсмирнинг содир бўлаётган воқеаларга муносабати, ўзининг мустақил фикри, ўз орзу ва армонлари борлиги англашилади. Катта авлод вакилларидан фарқли ўлароқ улар воқеаларнинг шунчаки кузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчиси сифатида ҳаракат қиладилар.

Романдаги асосий образлардан яна бири Аммор Ҳожи (Исонинг отаси) образи бўлиб, унинг кифасида бир томондан савдо ишига муккасидан кетган, ўта тежамкор, ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, барча нарса унинг иродаси билан бажарилишини талаб қиладиган, ҳатто бировнинг бахтсизлиги, бировнинг бошига тушган кулфат эвазига келадиган фойдадан ҳам воз кечмайдиган, аҳли аёлига қўпол муомалада бўлган худбин шахс гавдаланса, иккинчи томондан, қалбида оз бўлса-да фарзандига ачиниш ҳисси қолган ота образи намоён бўлади. Ёзувчи томонидан Аммор Ҳожининг бу тахлит талқин этилиши асар воқеаларига янада реаллик бағишлайди. Фикримизнинг далили сифатида унинг характерини кўрсатувчи лавҳадан мисол келтирамиз: Аммор Ҳожи ўзи урушнинг (Иккинчи Жаҳон уруши назарда тутилган – М.С.) келиб чиқиш сабаблари ва унинг инсониятга таъсири ҳақида умуман ўйламаганлигини ич-ичида инкор этмайди. Унинг ҳаётни қабул қилиши ва бир кун келиб бой бўлиб кетиши ҳақида қўйинини тўлдирган орзулари унга алоқаси бўлмаган ишлар ҳақида умуман ўйлаш-

га қўймас эди. Агар шу мавзуда суҳбатлашишга тўғри келиб қолса ҳам, у фақат ўз манфаатлари доирасидан ташқарига чиқмас эди.”

Бир қарашда асар воқеалари маиший ҳаёт икир-чикирлари тасвиридан иборатдек таассурот уйғотса-да, асосий воқеалар ортидаги узуқ-юлуқ тарзда, баъзан “йўл-йўлакай” бериб ўтилган манзараларда, Исонинг хаёлида кечаётган “воқеалар оқими” да ўша давр, яъни Иккинчи Жаҳон урушининг мамлакат ҳаётига таъсири, мамлакатда ва хориждаги таҳликали вазият, сиёсий аҳвол, авж олган сиёсий ҳаракатлар, очарчилик, одамларнинг дунёқараши, бир сўз билан айтганда, тарихий вазиятга ишора англашилади. Масалан, Аммор Ҳожи ва Шайх Усмоннинг дўқондаги суҳбатини олсак: “Гитлернинг кучли зарбалари остида Магино чизиғи барбод бўлди. Руммель ҳозир Францияга муҳтож...” ёки “Руслар барча қувватларини Ленинград жангига тўплаётганларини эшитдим... Менинг ўйлашимча, немислар Россияга қарши уруш фронтини очиб, хато қилганлар. Бу мамлакат жуда кенг ва бепоён... Сибир сувлари йилнинг кўп фасларида музлайди... Гитлер бошқа фаслни танлаганда... мохир сиёсатчи эканлигини исботлаган бўларди...” Бу суҳбатлар орқали одамларнинг Урушга муносабати, сиёсий қарашлари ўз ифодасини топади.

Ёзувчи ҳар бир образни гавдалантиришда кийим-кечаги, лексикаси, имо-ишораларига ҳам жиддий эътибор беради. Бу тасвирларнинг барчаси ўша образ орқали назарда тутилган характерларни яратишда катта бадиий функцияни бажаради. Масалан, Аммор Ҳожининг кўмирлари

сотилиши илинжида қилган дуосини олсак: “Эй Аллоҳ, қишнинг аёзини шундай совуқ қилгинки, қўл-оёқлар музлайдиган бўлсин...” – бу жумла орқали унинг манфаатпарастлик хусусияти яна бир бор исботини топади.

Романда ўша пайтда мамлакатдаги таълим тизимининг аҳволи, суд тизими, полиция миршаблари орасида учрайдиган порахўрлик, таниш-билишчилик каби иллатлар очиқдан очиқ қораланади. Бу иллатлар асосан катта авлод вакиллари томонидан содир этилаётгани англашилади. Ёшлар эса юксак идеаллар, мамлакат равнақи учун курашга тайёр, илмга чанқоқ, замонавий тамаддун учун меҳнатини ва кучини аямайдиган инсонлар сифатида тавдалантирилади. Қуйидаги лавҳада бу хусусият, айниқса, яққол ифодасини топади: “Нефтни қазиб чиқариш – саноат... Ватаннинг халқи текинхўр ёки дангаса эмас... Саноат учун юқори малакали мутахассислар ва пул маблағлари керак... Уларни эса ғамхўрлик ва рағбатлантириш билан тайёрланилади... мен нефть минтақаларининг ва нефтни қайта ишлаш корхоналарининг улкан ва баланд бўлишини кўришни жуда хоҳлардим, чунки улар келажагимизнинг биринчи ҳарфларидир...” Романда Исо тилидан айтилган бу нутқ орқали барча ўсмирларни бирлаштириб турувчи ягона истак – мамлакатнинг асосий бойлиги бўлган нефть саноати ва унинг келажагига бефарқ бўлмаган ватанпарвар ёшларнинг муносабати ўз аксини топади.

Роман бадииятига келсак, алоҳида эътироф этиш жоизки, Иброҳим ан-Носир томонидан оригинал ўхшатишлар кўплаб қўлланилган. Масалан: “Юраги жинойт устида қўлга тушган

Ўғриники каби дукиллаб тез ура бошлади”, “Қиз лабларида табассум билан унга секин қараганида йигитнинг ранги бироз оқарган, у гўёки суд хайъатига қарорни кутиб қараётган айбланувчидек эди”, “Юрагининг уруши кучая борди. Худди олдида намоёиш этилаётган фильмнинг бир эпизодидаги қизил ҳиндулар бир оқ танлини ушлаб олганларини байрам қилишаётганидаги дўмбира чалишлари каби дукулларди”. Бундай оригинал ташбеҳлар ва муболағалар асар қаҳрамонлари руҳий ҳолати ва ички кечинмаларининг даражасини кўрсатишда, эмоционалликни оширишда муҳим аҳамият касб этган.

Исо ва Муфида муносабатлари тасвири чуқур лиризм билан йўғрилган. Исонинг Муфида билан боғлиқ хаёллари, унга ёзган мактуби ва у билан суҳбатларида ўсмир йигит ва қиз психологиясига хос бўлган софлик, самимийлик хислатлари намоён бўлади.

Албатта, таржима жараёнида бадиий асар нафосатини таъминлаш ва миллий колоритни сақлаб қолиш учун имкон қадар ҳаракат қилинди.

Таъкидлаш жоизки, болалар ва ўсмирлар адабиёти ҳар бир миллатнинг бадиий тафаккурида ўзига хос ўрин эгаллайди. Айнан шу ўзанда адабиётнинг функциялари (тарбиявийлик, билиш, эстетик) ўзининг энг ёрқин ифодасини топади. Ўйлаймизки, Иброҳим ан-Носирнинг “Тун зулматидаги нур” романи ўзбек ўқувчиларига манзур бўлади.

Баҳодир Карим,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети, Адабиёт
назарияси ва замонавий адабий
жараён кафедраси мудири,
филология фанлари доктори,
профессор

ҲАЁТ ВА ҲАЁЛ УЙҒУНЛИГИ

(Араб адибаси Маҳа Муҳаммад ал-Файсалнинг
“Тавба ва Сулайё” романи ҳақида)

Дунё халқлари ўз адабиёти тарихидаги мухташам бадиий асарлар билан ғурурланишади. Дунёга машҳур араб романларининг довуғи ҳам Ўзбекистон адабий муҳитига кириб келганига бир аср бўлди. Бу йиллар давомида ўзбек китобхонлари жаҳон адабиётидан таржима қилинган кўплаб романлар, қисса ва ҳикоялар, шеърӣй ва драматик асарларни ўқиди, завқланди; бошқа халқлар маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, одамлари ва хис-туйғулари билан танишди.

Роман жанри фақатгина бошқа бир миллатнинг маърифий-маданий ҳаёти билан таништириш миссиясини бажармайди, балки романнависнинг дунёқарашини, поэтик тафаккур тарзини, тасаввури кўлами ва қувватини ҳам ўзида намоён этади. Шу эътибордан араб адибаси Маҳа Муҳаммад ал-Файсалнинг “Тавба ва Сулайё” романи¹даги

¹ Маҳа Муҳаммад ал-Файсал. «Тавба ва Сулайё». Роман. Араб тилидан Муртазо Сайдумаров таржимаси. «Ғафур Ғулом» нашриёти. Тошкент. 2011 й. 116 б.

воқелик муаллифнинг борлиғидан, адабий қисматидан дарак беради. Бевосита асарнинг ўзига келаман. Нисбатан мураккаб услубда ёзилган бу романда бир қанча адабий-ижодий методлар, романтик, реалистик ва модернистик оқимга хос хусусиятлар уйғунлашади. Умуман, асар ҳаёт ва ҳаёлнинг ўзаро кесилган нуқтасида пайдо бўлгандек таассурот қолдиради. Хўш, ким ҳам тушига ишониб, ўз турмуш тарзига таҳрирлар киритади? Ким ҳам ўғирланган битта кўйлак ва унинг чўнтагидаги китобча учун мусофирчиликда сарсон-саргардон кезади? Романни бошдан-охир ўқиган ўқувчи бу саволлар романнинг бош қаҳрамони Форисга тегишли эканини англайди. Дарҳақиқат, роман воқелиги Форис теграсида содир бўлади. Аниқроғи, адиба ўз поэтик концепцияси - инсонга, борлиққа, табиатта муносабатини Фориснинг сафарлари, саргузаштлари, инсонлараро мулоқотлари, бир-бири билан қолиплаган ва асосий сюжет ичига киритилган ҳикоят ва “қисса” лар воситасида баён қилади.

Роман туш ҳодисаси билан бошланади. Ранг ва туси, мантиқ ва мантиқсизлиги, рост ёки ёлғонлиги қандай бўлишидан қатъи назар ҳар қандай инсон ҳар уйқусида кўрадиган сирли бир реалликдир. Туш ҳодисаси бадиий ижодда жуда муҳим поэтик функцияни бажаради. Тушида кўрилган қандайдир унсур бутун асар сюжетига сочилади. Шунга кўра роман ухлаётган қаҳрамонига тушида ҳамсухбат бўлган кимсанинг “Сен ўзинг қилган гуноҳларингдан қўрқсанг, яхши бўларди”, деган гапидан уйғониб кетади. Айнан гуноҳ ва савоб, яхшилик ва ёмонлик каби ўзаро зиддиятли тушунчалар романдаги жуда муҳим атрибутлар сирасига киради.

Муаллиф аёл ёзувчи, аммо баён этувчи ровий эркак киши – Форис. Бундай вазиятлар аёл ёзувчининг эркак тилидан ёки баён усулида эркак ёзувчининг аёл тилидан фойдаланиши усули дунё адабиётида мавжуд адабий ҳодиса, албатта.

Романнинг ровийси ёш йигит. У уйланмоқчи. Никоҳи ўқилган, келин билан суҳбатлашади ва ўз жуфти ҳалоли тўғрисида “Хотинимнинг гаплари-та қулоқ солар эканман, дунёдаги энг аҳмоқ аёл билан турмуш қурганимни англадим”, деган гапни айтади. Сабр қилишга чоғланади. Бунда Форис ўзини, ўзлигини англаган инсон образи сифатида кўринади. Чунки сабри қилган гуноҳлари учун каффорат бўлишини ўйлайди. Орадан йиллар ўтади, олти йилда аёли тўртта фарзанд туғади. Воқеликни баён қилаётган қаҳрамон ўз болаларида ҳам аҳмоқлик аломатларини кўради, сезади. Унинг хаёлида қилинган гуноҳлар, уларни ювиш ва савобга етишиш орзуси бор: “Мен буларнинг барчасини Оллоҳ ҳузурида гуноҳларимни ювадиган савоб ўрнига ўтади, деб ҳисоблардим”.

Роман қаҳрамони Форис уйланганига ўн етти йил тўлганидан эски тушини қайта кўради ва у қайтмайдиган бўлиб уйдан чиқиб кетади. Кўнглига яқин инсонни излаб йўлга чиқади. Мурод исмли бир кишининг “ал-Ато” кemasига тушиб, ўзи хоҳлаган жойига бориши мумкинлигидан маслаҳат беради. Муродни топиб, унга ўзини таништиради. Бир қанча саҳифалардан кейин, шу эпизодда ўқувчи ушбу романда бошидан кечирганларини баён қилаётган образнинг исм-шарифлари “Форис Ол Раҳвон” эканини билиб олади. “Форис” исми “отлик”, “чавандоз” маъносини

англатади. Кема дарғаси Мурод “Тулпоринг қани, эй чавандоз” дея унинг исми маъносидан кулади, калака қилади. Фориснинг жаҳди чиқади. Орада кўнгилсиз тортишувлар бўлади. Форис Муродга жароҳат етказади. Бир қиз Муроднинг ёнини олади. Кема ва ундагиларни ташлаб кетмоқчи бўлганида орада ҳеч гап бўлмагандек Мурод уни ўзи билан олиб кетмоқчи эканини айтади. Кема денгизга чиқишида Қуръони каримдан бир оят келтирилади: “Уларнинг юриши ҳам, туриши ҳам Оллоҳнинг номи билан бўлур” (Худ сураси, 41-оят). Роман тўқимасининг бир қанча ўринларида оятлар келтирилади.

Асар кема воситасида яна бир муҳим образга кўпаяди. У Муроднинг жорияси - Сулайё. Кема ташқи кўринишидан содда, нисбатан кичик, аммо унда Сулайё учун махсус хона бор. Форис ўша хонани кўриб, унинг безатилиши, кўркамлигига қараб ҳайратдан донг қотади. У жойга осилган нақшинкор гиламларни Сулайё тўқиган. Манзарада ғамгинлик кайфияти акс этади.

Кеманинг айни хонасидаги сирлар, қушлар, гиламлар – умуман кўзга ташланган ҳар қандай жиҳоз ўзига хос жозибага эга. Форис бу жозиба сирини билишга қизиқади. У жойда бешта китобчани кўради. Улардан энг чиройлисини, қизил ранг билан безатилган китобни қўлига олади. Ундан муаттар ҳид таралади ва китобни ўқий бошлайди.

Романда қўлланган китоб детали Форис саргузашт ва сафарлари учун асос вазифасини ўтайди. Романнинг сюжети ва композицион қурилишида Форис чизиғи асосий, албатта. Аммо жуда кўп ға-

лати ва ғаройиб ҳодисалар шу асосий сюжет чизигига келиб уланади. Уларнинг кўпчилиги қайта баён услубидаги махсус ҳикоят ёки “қисса” лардан иборат.

Баъзида бу ёнлама сюжет ҳодисалари ечимига етмай ҳам қолади. Атай етказилмайди. Бундай жумбоқли эпизодлар ўқувчини фикр одамига айлантиради. Аслида бу роман секин, шошилмай, ўйлаб, мулоҳаза қилиб, сюжет чизиқларини бир-бирига боғлаб, сочилиб ётган атиргулларни гулчамбар ҳолатига келтириб, ора-орада атиргуллар ҳикояларини мароқ билан тинглаб, хотиржам ўқиладиган романлар сирасига киради. Китобда бир хонадон ва у хонадонда туғилган Сора исмли қизнинг диди, фаҳми, гиламларга, гулларга муфтунлиги баёни бор. Романдаги асосий воқеликнинг ички доирасига Форис кўлига олган қизил китобчадаги Соранинг кайфияти, сўнгра Сора яхши кўрган гулнинг ҳикояси яна бир қатлам-доира ўлароқ киритилади. Роман структурасидаги бу қатламлар асрори ва жозибасини англаш учун ўқувчи диққатини жамлаши, хушёр бўлиши лозим. Такрор айтаманки, роман шунчаки ўқилмайди, уни эътибор бериб, айрим саҳифаларини такрор ўқимоқ керак.

Тасвирдаги, ҳикоя баёнидаги нуқтаи назар инсонда нарсага, аниқроғи, гулга кўчади. Гул тилга кириб, сўзлай бошлайди. Гул ҳид билиш ҳиссини йўқотган киши қиссасини гапириб беришдан олдин “фақат ўзини севган шоҳ” тўғрисидаги ҳикоятни сўзлайди. Форис, қизил китобча, Гул ёки Шоҳ ҳикояти – ичма-ич ва ўзаро ғалати жойланиб боғланган ҳодисаларни ўқиб олишда чалғи-

маслик лозим. Бу романда ҳамма нарса худди одамдек сўзлаши ва воқеалари барча замонда содир бўлиши мумкин. Шу эътибордан чексизлик хусусиятига эга бу романнинг матний тўқимаси ҳамма нарсани – борлиқ ва йўқликни, замон ва ўтмишни, ҳақиқат ва ривоятни ўз ичига сиғдира олади.

Шоҳ ҳикоятида у гулларни узиб, сочиб, ўз кўнги-лхушлиги учун пайҳон қилганидан сўз очилади. Охири Райҳона бир йўлини топиб, подшоҳнинг муҳаббатга дуч келиши ва ўз маъшуқасига бир дона атиргул совға қилиши масаласини ўртага қўяди. Ноинсофга инсоф, жоҳилга билим, золимга адолат муҳим. Пайҳонкор подшоҳ инсофга келиши учун муҳаббат дардига мубтало қилинади ва атиргулга зарурат туғилади. Гул излашга тушади. Хорлик абадий эмас. Мансаблар ўткинчи. Таъмасиз одам азиз бўлади. Хор бўлган одам ёки нарса вақти келиб азиз бўлиши мумкин. Дунё шундай чархпалак; дунё шундай чикка ва пикка, пикка ва чикка. Айланади, дўнади, ўзгаради. Дунё шундай - йўқотиш, излаш ва топишлардан, пайдо ва ғойиблардан иборат. “Ҳикоя шу ерга етганда уни кейинроқ давом эттириш учун Сорадан изн сўрадим. Менга жавоб бериб улгурмасдан гиламнинг тўқималари ичига чиройли суратда сукунат-ла жойлашдим”. Ҳикоя сўзлагувчи гул шу зайлда ўз ҳикоясини охирига етказмасдан гиламдаги гуллар ичига кириб ғойиб бўлади. Бундай ҳолатларини ҳам хаёлот уммонига шўнғиган ўқувчи табиий қабул қилиши лозим.

“Тавба ва Сулайё” - бу идрок романи, ўқувчи фаҳм-фаросатини, эслаб қолиш қобилияти-

ни, тафаккур кўламини, нуқтаи назари ва ҳатто китоб ўқиш маданиятини имтиҳондан ўтказадиган асарга ўхшаб кўринади. Бу романни ўқиган одам беихтиёр тушлар йўриғи, инсон сабри, ваъдаси, гуноҳ ва савоби, табиатга муносабат - гуллар эъзози тўғрисида ўйлай бошлайди. Хўш, ҳаётда тикандан кийим кийиб олган қиз бўладими? Ўз севгилиси Райҳона ва унга гул излаётган подшо олдидан тикандан кийим кийган қиз пайдо бўлади. Тикандан кийим кийган қиз ҳикоятда унинг тақдири баён этилади. Бу каби ёндош воқеликлар адиба илгари сураётган асосий бадий ғояни юзага чиқариш учун зарур, албатта. Аслида, романнинг бош ғоясини, тўғриси, фикр юритиб излаш лозим. Эзгулик, гуноҳдан фориғ бўлиш, тавба қилиш – адиба шундай умуминсоний қадриятларга урғу бермоқчи бўлади. Бошқа бир ўқувчи чиқарадиган хулоса, албатта, бошқача бўлиши ҳам мумкин. Кўп талқинларга асос бўладиган асарлар – булар яхши асар саналади. Романда ҳалиги ғалати тикандан кийим кийиб олган қиз қудуқдан тортиб олган дурларни манглайига жойлаштиради. Дурлар қуёш нурлари билан бирлашади. Тиканлар тўкилади, ўрнида атиргулдан кийим пайдо бўлади. Кўзлари кўрмай қолган қиз энди най овози келган томонга боради. Романда най чалаётган чўпон йигит билан басир қиз ёнма-ён тавсифланади. Энг муҳими, ғаройиб кийимдаги қиз ўз қилган айрим ишларидан пушаймон бўлиб, тавба қилади. Ўз дутонаси Нуронга ҳасад туфайли ёмонлик қилганини эслайди, тан олади. Аввал тиканларга, сўнгра атиргулларга бурканган қиз ўз ҳикоясини

бошлайди. Яъни у ўз дугонаси Нурон билан муносабатлари баёнига ўтади.

Романда шарқ эртақларига хос ғаройиб, кутилмаган кечинмалар бор. Баёни ҳам баъзан шунга мос: “Улар узоқ юрдилар. Соялар бекасини излаб, улкан тоғлардан, чуқур водийлардан, дашту биёбонлардан ўтдилар. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юрдилар”. Қиз чўпон билан бирга охири Соялар бекаси ҳузурига боради. Соялар бекаси қилаётган иш ҳам ғалати ва тасвири ўта нафис: “Соялар бекаси дастгоҳда бир нур ипи билан бир соя ипини қўшиб тўқир, бармоқлари жуда енгил ва маҳорат билан ҳаракат қилар эди. Тўқиган нарсаи яхлит мужассамликни ташкил этарди-да, сўнг ҳавода туман каби тарқалиб кетар эди” (32-бет). Романнинг ана шундай тасвирларида адиба нигоҳининг жуда нафислиги сезилади ва бу каби манзаралар асарга лирик пафос бағишлайди. Бундай ўринларда таржимон ўша нафосатни ҳис этиб, ўзбек тилига маҳорат билан ўтирганига ҳам таҳсин айтиш лозим бўлади.

Гул Сорага ҳикоя айтишда давом этади. Энди қиз билан чўпон Овозлар бекаси ҳузурига йўл олишади. Овозлар бекаси уларни қудуққа олиб тушади. Худди эртақлардагидек қудуқдан табиатдаги ҳамма нарсанинг овози эшитилади. Бошқа бир чуқурроқ қудуқда “инсоният яратилганидан буён мавжуд бўлган одамларнинг овози бор”. Инсониятнинг сўзлари, саслари, овозлари - улар чексиз, бепоён; улар кўламини тасаввур қилиш осон эмас. Аммо ёзувчи ўз фантазияси билан шундай ғалати овозлар йиғиндисига ўқувчини ишонтиради.

Овозлар бекаси қиз билан чўпонга сукут сақлайдиган чол қиссасини сўзлайди. Энг қизиғи, Овозлар бекаси бу “қисса”ни айтиб беришдан мақсад нима эканини қиз ҳам, чўпон ҳам тушунмайди. Атиргулдан воқеани тинглаётган Сора ҳам тушунмайди.

Шундан кейин чўпон билан қиз қалин дарахтзорга боради, у ердан кета олмай қолишади. Осмондан момоқалди роққа ўхшаган овоз келиб дарахт санашлари кераклигини айтади. Санашади, адогига етиб бўлмайди. Қиз бунда ўзини айбдор санайди. Айб, тақдир, гуноҳ, савоб, покланиш каби тушунчаларнинг бадиий муҳокамаси давом этади. Қизик, бу муҳокамалар негизида ўз қилмишидан пушаймонлик - тавба тушунчаси ҳам бор. Ўқиш жараёнида роман сарлавҳасидаги Сулайё исми ойдинлашади, аммо Тавба ҳам махсус образ экани кейинроқ маълум бўлади.

Қиз ва чўпон ғаройиб ҳодисаларга учрайди. Аслида турли услубий-ижодий усуллар уйғунлашган бу фусункор романда, унинг қаҳрамонлари ҳаётида ҳар қандай ҳодиса бўлиши табиийдек туюлади. Муҳими истеъдоднинг кучи, қаламнинг иншонтириш қуввати ва табиий баён усули, албатта. Романнинг бир саҳифасида икки қаҳрамон бамисоли кароматли одамдек сув устидан юриб кетишади бемалол. “Дарёдан ўтиш учун Оллоҳдан мадад сўраб, сув устидан юриб кетишди” (37-бет). Улар дарёдан ўтиб бир водийга боради. У ерда маймун тегирмон тортиб ўтирган бўлади. Маймун - Тегирмон соҳиби. Улар орасида суҳбат бўлади. Сўнгра чўпон билан қиз Тарозилар соҳибини излаши керак бўлади. Маймундан ёр-

дам сўрашганида, “Маймун кафтини очиб, бир пуфлади. Ундан кичкина бир қушча учиб чикди” (39-бет). Эртақлар сюжетига хос бундай ҳоллар изидан ўқувчи қаҳрамонларга эргашиб, биргалиқда Тарозилар соҳибини топишади. “Саботул ожизин” асари муаллифи Сўфи Оллоёр ҳазратлари: “Тарози борлиғига иқроримиз бор, Нечук эрканила не коримиз бор”, дейди. Тарозининг вазифаси тортиш; мезон - жуда муҳим тушунча. Инсонларнинг бор амаллари иймон тарозисида тортилади. Инсон зоти бу оламдан истиқомат қилинар экан, ҳар бир амали тарозида тортилишига бутун вужуди билан иймон келтирмоғи лозим. Мезонни асло унутиш мумкин эмас. Тарози соҳиби айтади: “Мен замон ва вақт ўлчовини топдим, узунлик ўлчовини топдим. Ҳиссиётлар ва ёқтиришлар, лаззатлар ва қайғу-аламлар ўлчовини топдим. Шунингдек, чуқурлик, узоқлик ва яқинлик, балаңдик ва оғирлик, ўйлар ва орзулар, хоҳишлар ва қўрқинчлар ўлчовини топдим”. Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги ҳамма нарсанинг ўлчови бор, уларни “тарози”га солиш мумкиндир. Аммо Тарозилар соҳиби иккита нарсани ўлчашда ожиз. “Бироқ, афсуски, икки нарсанинг – иймон ва муҳаббатнинг ўлчовини топа олмадим”, дейди Тарозилар соҳиби надомат билан. “Имон ва муҳаббат билинади, лекин ўлчанмайди” – инсон фитрати маънавий таянчи бўлган бундай бебаҳо жавҳар хусусида фикр юритиш ҳам одамга мароқ бағишлайди.

Тарозилар соҳибига Тегирмон соҳиби бериб юборган жавоҳир солинган халтача берилади. Тарозилар соҳиби уларни сўз бўстонига бошлайди.

Қиз сўз бўстонида гўзалликка дуч келади, кўзи очилади, сўнгра жон беради. Тарозилар соҳиби чўпон билан бирга жавҳарларни экишади. Ундан дуо, яхши сўз униб чиқиши керак. Тарозилар соҳиби: “Бу яхши сўз, бу хайрли дуо, бу эшитилган ҳикмат, муштоқнинг оҳи, бу тавба қилувчининг поласи...” (42-бет). Дарҳақиқат, сўзнинг сифатлари, таъсир қуввати шундай. Сўзнинг таржимаи ҳоли ва ҳаёт йўли бор. Сўзнинг сафарлари, сафарларда хатарлари ва қувончлари бор. Шу эътибордан араб адибасининг сўзи муҳтарам таржимонимиз Муртазо Сайдумаров қалами воситасида бизнинг мамлакатга сафар қилди...

Дарҳақиқат, Форис Сулайёнинг қизил китобидан жуда кўп нарсани ўқиб, билиб олади. Форис нигоҳи билан ўша китобдаги воқелиқдан ўқувчи ҳам воқиф бўлади. Китоб ичида китоб, воқеа ичида воқеа – бундай баён усул адабиётшунослик илмида қолиплаш санъати дейилади. Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони, арабларнинг машҳур “Минг бир кеча” асари сюжет ва композицияси шу санъати асосига қурилгани барчага маълум...

Қароқчиларга таланган Форис кўйлагидан, унинг чўнтагидаги Сулайё хонасидан олган китобидан ажралади. Энди Фориснинг изланишлари, изтироблари, саргузаштлари бошланади.

Кичкина бир шаҳарчада Форис ўз кўйлаги ва Сулайёнинг китобини излаши керак. Заргар билан суҳбатлашди; кийим ва китоб бозорини суриштиради. Романда Саад ал-Модий исмли денгизга қараб, сукут сақлаб ўтирадиган бир қария образи ҳам бор. У шаҳар чеккасидаги қасрда

яшайди. Форис унинг зиёратига боради. Тўғриси, романдаги кўп нарсалар сирли, қутилмаган бўлиб, баъзан ҳаётий мантиққа бўйсунмайди. Аммо бадий мантиқ ҳамisha ҳар жойда ҳар қандай шароитда поэтик сўзни қўллаб-қувватлайди. Бадий адабиётнинг шундай чексиз чегаралари ҳам бор.

Роман тез ўқилмайди. Ундаги рамзларни тушуниш учун секин, тафаккур ва тадаббур билан, ички ва ташқи ишларини топиб, уларни асосий ҳодисага, қолипловчи сюжетга боғлаш лозим. Адибанинг бадий ғоясини тушуниш ва уни тушунтириш учун ҳам аста-секин мулоҳаза юритиш зарур.

Саад ал-Модий қасри. Бағоят гўзал қаср. Унда тўқсон ёшли бир аёл яшайди. Қаср эгаси бўлган бу образнинг ҳам бошидан кечирган “қисса” бор. Хур бўлган, қароқчилар сотиб юборган. Энг қизиги, Форис бошидан ўтганларни унга сўзлайди, атиргул қиссасининг бир жойини эсидан чиқаради, Хоним давом эттиради. Сааднинг ҳам ўз қиссаси бор. Роман инсонлар тақдири ва тарихидан бунёд бўлади. Унда ишқий саргузаштлар, висол ва айрилиқ, орзу ва армон ёнма-ён келади.

Форис мажнун бўлган Сааднинг, Хонимнинг, қароқчи бўлган Суффоннинг бошидан кечирганларини эшитади. Романдаги ҳар бир образ тарихида ана шундай “қисса”лар келади. Дейлик, Суффондан Форис александриялик қиссасини – туши, қаср, қизни кўриши, қиз кафтидаги ёзув, унинг ғойиб бўлиши ва уни излаши каби воқеаларни эшитади.

Асосий образ - Форис. Фориснинг йўлга чиқиши, саргузаштлари, турли ҳодиса ва одамларга

дуч келишлари, ёзувчининг шу жараёнларни тасвирлашлари, гилам ва ундаги гулларнинг тирилиши, атиргулнинг ҳикоялар сўзлаши - булар қизиқарли, мароқли. Булар шарқона поэтик мотивларнинг замонавий талқини саналади. Бири иккинчисининг, иккинчиси учинчисининг ичкарисига жойланган ҳодисавий қурилиш романининг индивидуал табиатини таъминлайди.

Форис излаётган китобини қароқчи Суффон билан сафарда топади. Улардан ажралиб, Форис туя сотиб олиб ўз йўлига кетади. Дуо қилиб, ўликлар орасида ўтирган йигитга дуч келади. Унинг қиличида “Ушбу қилични кўтариб юрувчи Тавба ибн Али ас-Солимийга доим иззат бўлсин” деган ёзув бўлади. Қилич ана шу Тавба исмли йигитга тегишли бўлади. Романда жуда кам иштирок этган, аммо тақводор Тавбанинг исми сарлавҳага чиқарилади. Унинг ҳам ўз сири бор. Асар номидаги Тавба воқелиқда Сулайё билан учрашмади. Улар Форис орқали боғланишади. Ҳар бирининг алоҳида тарихи, тақдири бор.

Форис ҳаёт йўлида кўп нарсалар дуч келади. Қароқчилар кўлида у қулга айланади, қочади. “Салвон” деган масжидга боради. Масжид уни қурдирган одам - Салвон номи билан юритилади. Салвоннинг ҳам “қисса”си бор.

Охирида улкан савдогарга айланган Форис яна ал-Ато кемаси ва унинг эгаси Мурод билан учрашади. Сулайё ёнига олиб киради. Китобни ўша жойдан топади. Гилам тўқишда давом этади. Фориснинг сафарларини, китоб излашларини ўзликни излаш сифатида баҳолайди. Ҳар бир нарса, ҳар бир тирик жон ўз аслига қайтади. Фо-

рис излаётган китобни “ўғирлаб” олган жойидан топади. Воқелик баёни шундай доира шаклини олади. Аммо роман бу билан тугамайди. Бу доирадан чиқадиган эшик – яна бир “қисса” эпизод бор. Яъни Форис Тавбанинг ёнига кетади. Унинг “қисса” сини эшитади. Аслида бош қахрамон сифатида талқин қилинаётган Фориснинг Тавба хузурига кетишида ҳам рамзий маъно бор. Ибодат этиб, ўнгу сўлига салом берган Тавба жон таслим қилади. Хоразмлик ўзбек шоири Фозил Зоҳид:

“Ёмон кундир намоз қазо бўлган кун,
Ундан яхши намоз ўқиб ўлган кун”,

деб ибодат қадрини баён қилади.

Бу оламга келган заҳоти қулоғига азон айтилган, ўлганида жаноза намозидан умидвор одам ибодатда қойим бўлмоғи лозим. Гуноҳи бўлса, тавба қилиши керак.

Роман ҳодисаларининг барчаси ранг-баранг вазиятлар, турлича макон ва замондаги кайфиятлар негизда Форис образи туради. Форис ўз қилмишидан афсус тартади. Сўрамасдан олган китоб учун изтироб чекади. Охири кемага қайтади, аммо адиба фантазиясини ишга солиб, ўқувчи кутмаган ечимларни тақдим этади. Шартлилик бадийий адабиётнинг доимий йўлдоши. Романда кутилмаган шартлар бор. Оддий бир шартни эслаймиз. Форис Тавбадан бир қисса эшитмоқчи, Тавба сўзлаб бериши мумкин, аммо шартли бор – унинг ёнида бир умрга қолиши керак.

Маҳа Муҳаммад ал-Файсалнинг ушбу “Тавба ва Сулайё” романида ўқувчи диққат-эътиборини

тортадиган ва эсида сақланиб қоладиган “Гавҳар ҳатто лойга қорилган бўлса ҳам, гавҳарлигича қолади. Чанг баланд осмонда учса ҳам, чанглигича қолади”, “Қуръон нақадар гўзалдир ва нақадар мукамалдир!”, “Одамларни ўлдирадилару, лекин унинг хотирасини ўлдиролмайдилар”, “Мен бу қора тунларни ёритиб турувчи номи билан қасам ичиб айтаманки, мени замонларнинг ўтиши ташвишга солмайди, чунки у ўткинчи кунлар, ушалмас орзулар ва қарийдиган таналардан бошқа нарса эмас” каби ҳикматлар учрайди. Булар ора-орада ровий ёки унинг қаҳрамонлари тилидан берилади.

Роман мураккаб сюжетли, мураккаб композицион қурилишга эга. Романни шунчаки кўз югуртириб ўқиб бўлмайди. Турли инсонларнинг тақдири битта Фориснинг ровийлиги воситасида берилади. Форис туш кўриб, ўз уйдан чиқиб кетиши, кемадан китобни сўроқсиз олиши, қароқчиларга йўлиқиши, излаши ва изланиши - ҳаммаси Форис ва китоб билан боғланади.

Романда лирик пафосли тасвирлар, ҳаяжонли саҳифалари бор.

Сюжет занжири бири иккинчисини тақозо қилади, бири иккинчисининг ичкарасига сингдирилади. Салвон ва Роҳ, Абдулла ва Рубоба алоҳида ҳодиса. Фориснинг маҳкумлиги, қароқчилар билан сафарга чиқишлари булар алоҳида ҳодиса. Аммо хаёл ва ҳаёт уйғунлигида майдонга келган тушунчалар, туйғулар, тасаввурлар, воқеа-ҳодисалар баёни роман яхлитлигини таъминлайди. Китоб излаётган Форис аслида ўзини, ўзлигини, “мен” ини излаётган инсон образидир.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, бу асар замонавий араб романи табиатини тасаввур қилишга ёрдам беради. Иккинчидан, Қуръони каримдан оятлар келтирилиши мусулмон бир халқ адабиёти табиатидан дарак беради. Тавба каби образларнинг дуоғўлиги, сабр-бардоши, кўнгил назокати, зоҳидлиги, мардлиги - булар барчаси романни ўқиш жараёнида тасаввур қилинади. Учинчидан, романда инсон ҳаётидаги жуда мураккаб ва чигал ҳодисаларнинг маҳорат билан берилиши, изланаётган асосий образ ўқувчи тафаккурини, ўзлигини излаш томон йўналтиради.

Замонавий араб адабиёти намояндаси Маҳаммад ал-Файсалнинг “Тавба ва Сулайё” романини аслиятдан ўзбек тилига таржима қилган заҳматқаш таржимонимиз Муртазо Сайдумаровга ташаккур айтамыз.

2021 йил 9 январь

Зайнабидин Абдирашидов

Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети доценти,
филология фанлари доктори

АРАБ АДАБИЁТИ ЎЗБЕКИСТОНДА: АЗИЗ ЗИЁНИНГ “ҒУРБАТДАГИ ҲАЁТИ”

Саудия Арабистони Жидда Маданият ва адабиёт клубининг “Навафиз” журнали таъсис этилиши билан бир пайтда, яъни 1997 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Жаҳон адабиёти” журнали таъсис этилди. Ўтган давр мобайнида бу нашр жаҳон халқлари адабиёти, жумладан араб адабиётидан қатор танлаб олинган адабий асарлар, илмий, фалсафий ва адабий танқидий мақолаларни таржима қилиб, ўзбек ўқувчиларга тақдим этди.

Деярли чорак аср давомида ўзбек ўқувчилари араб оламининг таниқли адиблари бўлмиш Нагиб Маҳфуз, Юсуф ас-Сибайй, Тавфиқ ал-Ҳаким, Вазир Жаъфар, Мустафо ал-Манфалутий, Жуброн Халил Жуброн ва бошқа дунёга машҳур адибларнинг асарлари билан танишдилар. Арабистон ярим ороли, аниқроғи Араб Кўрфази мамлакатлари адабиётининг намуналари сифатида Ҳодия Султон Солим (Кувайт), Шайх Муҳаммад Ол Мактум (БАА) ҳамда бир қатор саудиялик адиблар – Ҳамза Буқарий, Иброҳим ал-Ҳумайдон, Маҳа ал-Файсал ва Азиз Зиёнинг романлари ҳамда Ҳакима ал-Ҳарбий, Вафо Умайр, Ҳиям ал-Муфлиҳларнинг ҳикоя-

лари ўзбек тилига таржима қилинди ва журнал саҳифаларида эълон қилинди.

Саудия адабиётидан ўзбек тилига ўтирилган асарлар ҳақида сўз юритишдан олдин, бу таржималарни амалга оширган таржимон Муртазо Сайдумаров ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Узоқ йиллар давомида Подшо Сауд Университетининг тиллар ва таржима факультетида рус тили ва таржимадан дарс берган Муртазо Сайдумаров рус адабиёти намояндлари Иван Бунин, Константин Паустовский, Фозил Искандар, Михаил Зощенко ҳикоялари ва пьесаларини араб тилига таржима қилиб, “Навафиз”, “ал-Файсал ас-сақафия” ва “ал-Файсал ал-адабия” журналларида нашр эттирди. Айни пайтда у саудия адабиётидан рус тилига Ҳамза Буқарийнинг “Сафо айвони” ва Маҳа ал-Файсалнинг “Тавба ва Сулайё” романларини таржима қилиб, нашр эттирди. Муртазо Сайдумаров ва Александра Симонова томонидан Саудия ҳикояларининг рус тилига қилинган таржималари “Рассказы саудовских писателей” (Москва, 2016) ва “Особенности современной саудовской литературы” (Эр-Рияд, 2018) китоблари қирқдан ортиқ саудиялик ҳикоянависнинг ҳикояларини ўз ичига қамраб олганди ва бу китоблар рус ўқувчилари томонидан илиқ қарши олинди.

Муртазо Сайдумаров араб ўқувчиларини ўзбек адабиёти намуналари билан таништириш мақсадида ўзбек ҳикоянависи Абдулла Қаҳҳорнинг “Бешик” ҳикоясини таржима қилди ва уни 2003 йили “Навафиз” журналарида эълон қилди. “Навафиз” журналарининг 2004 йил июнь ойи сони тўлалигича ўзбек адабиётига бағишлангани ва унда

ўзбек адабиётидан мақолалар, шеърлар ва ҳикоялар Муртазо Сайдумаров таржимасида нашр қилинганлигини ўзбек-саудия адабий алоқаларининги босқичга олиб чиққан ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Таржимоннинг ўзбек адабиётидан араб тилига ўгирган ҳикоялар тўплами Кувайтнинг Маданият, адабиёт ва санъат Миллий Кенгаши (2009) ва Саудия Арабистонидаги Ахборот ва араб-рус тадқиқотлари маркази (2016) томонидан алоҳида нашр сифатида чоп этилди.

Саудия Арабистонида узоқ муддат яшаб, саудия адабий муҳити билан яқиндан таниш бўлган таржимон ана шу юрт адабиётидан бир қатор асарларни ўзбек тилига таржима қилиб, ўзбек ўқувчиларига “Жаҳон адабиёти” журнали орқали тақдим этди. “Сафо айвони” романи журналнинг 2004 йил август-сентябрь оyi сонларида, “Тавба ва Сулайё” 2011 йил апрель-май оyi сонларида, “Тун зулматидаги нур” 2020 йил июнь-июль-август оyi сонларида нашр этилди. 2011 йил Маҳал-Файсалнинг “Тавба ва Сулайё” романи, 2019 йили эса Ҳамза Буқарийнинг “Сафо айвони” ва Ҳомид Даманхурийнинг “Қурбонлик қиймати ёхуд муҳаббат ва бурч” романлари, 2020 йили Иброҳим ан-Носир ал-Ҳумайдоннинг “Тун зулматидаги нур” романи алоҳида китоблар сифатида ўзбек ўқувчилари қўлига етиб борди.

“Жаҳон адабиёти” журналининг 2019 йили июнь оyi сониде саудиялик адиб Азиз Зиёнинг “Турбатдаги ҳаётим” романи¹дан парча Муртазо

¹ Азиз Зиё. “Турбатдаги ҳаётим”. Романдан парча. Араб тилидан Муртазо Сайдумаров таржимаси. “Жаҳон адабиёти” журнали. Тошкент. № 6. Июнь 2019 йил. 138-150-бетлар.

Сайдумаров таржимасида нашр қилинди. Журнал саҳифаларида ўқиганим ана шу таржима орқали билганларимни ва ўз мулоҳазаларимни тақдим этмоқчиман.

Хотира адабиёти, мемуарлар замондошларнинг ўзлари бевосита иштирокчиси бўлган, бошдан кечирган воқеалари ёки ўша воқеаларда қатнашган муаллифга таниш бўлган бошқа шахсларнинг айтганларини ўзида акс эттирган асар. Хотираларнинг энг асосий хусусияти уларнинг, аксар ҳолатларда, ўтмишнинг жонли тасвирлаши ва унинг ҳужжатларга асосланганидир.

Хотира автобиография ва воқеалар хроникасидан бироз фарқ қилади. Шундай бўлса-да, бу асарлар синоним сифатида тилга олинади. Хотира ёзаётган шахс ўз ҳаётидаги тарихни қайта тушунишга ҳаракат қилади, ўзининг қилган ишларини умумий тарихий жараённинг бир қисми сифатида ёритади. Автобиографик асарда эса, муаллифнинг ички дунёсига ва унинг шахс сифатидаги ривожига, шаклланишига кўпроқ урғу берилади. Замонавий ҳодисаларнинг хроникасидан хотиралар ўзининг субъективлиги билан ажралади. Хотира ёзаётган шахс томонидан ёритилаётган воқеалар муаллифнинг бутун кечинмалари ва ўзига хос фазилатлари билан унинг тафаккур призмаси орқали турли йўналишларда намоён бўлади.

Кўп хотиралар тарихда ёркин из қолдирган шахслар томонидан ёзилган. Бу асарлар муаллиф ҳаётини бутунлигича ёки унинг каттагина бир қисмини қамраб олади. Бундай асарларда муаллиф

қундалик ҳаётида кечган кичик воқеаларни муҳим ҳодисаларга боғлиқликда ёритишга ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан олиб қаралса, хотиралар бирламчи аҳамиятга эга тарихий манба сифатида ҳам хизмат қилади. Бироқ хотиранавислар, атайин бўлмаса-да, келажак авлод олдида ўзининг қилган ишларини оқлашга, камчиликларини беркитишга, муваффақиятсизликларининг иллизини яширишга ҳаракат қиладилар. Бу эса тарихчи олимнинг олдида бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаққоний ёки сохта эканлиги борасида қатор саволларни кўяди.

Айрим хотиралар бадиий жиҳатдан жуда юксак ҳам бўлади. Айниқса, машҳур ёзувчилар томонидан ёзилган хотиралар тарихийликдан кўра кўпроқ юксак бадиияти билан ўқувчини ўзига тортади.

Шарқда ёзилган хотираларнинг энг машҳури бу шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан ёзиб қолдирилган “Бобурнома” асаридир. “Бобурнома” дунё олимлари томонидан энг кўп тадқиқ этилган ва ўрганилган асар сифатида машҳурликка эришди. Ушбу асар хотира жанрига берилган барча таърифларни ўзида мужассам қилганлиги билан ҳам адабиётчи, тарихчи, этнограф, географ, антрополог ва қатор бошқа илмий соҳа вакилларининг диққатини ўзига жалб қилади. Асарнинг қиммати ҳам шунда кўринади.

Албатта, Бобурнинг асаридан ташқари Шарқда яна кўплаб хотиралар ёзилган ва улар ҳам маълум маънода ўз ўқувчиси, ўз тадқиқотчисини топган. Шундай асарлардан бири туркистонлик муҳожир оиласида туғилиб вояга етган саудиялик Азиз Зие (1914-1997) томонидан ёзилган.

Усмонли империяси қўл остида бўлган Мадина... Бу шаҳарга Россиянинг Оренбург шаҳридан кўчиб келган муҳожир Зоҳид исмли қозоқ зиёлиси оиласида дунёга келган Азиз Зиёнинг ҳаётини акс эттирган “Очарчилик, уруш ва муҳаббатдаги менинг ҳаётим” асари ҳам хотира, ҳам автобиографик жанр хусусиятларини ўзида акс эттирган камсонли асарлар қаторидан ўрин олишга ҳақли.

Биринчи жаҳон уруши даҳшати Азиз оиласини Мадинадан Сурияга кўчиб ўтишга мажбур қилади. Аммо бу хижрат оиланинг парокандалигига, катта йўқотишларга сабаб бўлганини муаллиф жуда ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қилади. Кўчиш асносида қорни очган ёш боланинг бурнига янги ёпилган иссиқ ноннинг ҳиди ёки уйда тайёрланиб, йўлда ейишга олинган қозондаги овқатнинг иси Азизнинг ғурбатдаги, очарчиликдаги ҳаётининг дебочаси. Азиз Зиё ушбу воқеани шундай тасвирлайдики, ўқувчи ихтиёрсиз ўша ёқимли ҳидларни ҳис қила бошлайди. Бу эса муаллифнинг автобиографик йўналишдаги публицистик асарга бадиий адабиёт унсурларини, ифорли ибораларни моҳирона сингдириш орқали уни бадиий жиҳатдан юксак савиядаги асарга айлантиришдаги муваффақиятини кўрсатади.

Дастлаб Маккадаги тиббиёт мактабига ўқишга кирган, аммо устози билан унинг ўртасида юзага келган келишмовчилик ортидан ўқишдан кетган Азиз Зиё бир муддат Қоҳирада кейин эса Байрутдаги Америка университетида таҳсил олди. Сўнгра ўқишини яна Қоҳирага кўчирди. У адолат посбони, йўқсилларнинг ҳаққини ҳимоя қилиш мақсадида

ҳуқуқшуносликни танлади. Вақт ўтар экан моддий қийинчилик Азизни жуда қийин аҳволга солди. У ўқишни яқунлай олмади. Орада Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Яна очарчилик ... яна ғурбат ...

Ҳаёт сўқмоқлари Азизни яшаб қолиш учун турли юмушларни бажаришга мажбур қилди. Ҳар ҳолда турли университетларда ўқиш жараёнида ўз устида қаттиқ ишлаган Азиз араб тилидан ташқари инглиз, француз ва турк тилларини ҳам мукаммал эгаллаган эди. Унинг ана шу шахсий ютуғи Азизга ҳукумат муассасаларига жойлашишига катта имконият берди.

Асар давомида Азиз Зиё ҳаётининг ҳар янги босқичини янги рукн остида ёртишга, ўзи билан содир бўлган турли воқеаларни мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараён контекстида кўрсатишга ҳаракат қилади. Юқорида таъкидланганидек, Азиз Зиёнинг муаллиф сифатидаги бу ютуғи асарнинг нафақат омма, балки тарихчи ва бир қатор бошқа илм соҳалари учун ҳам бирламчи манба вазифасини ўтай олишига замин яратган. Бу эса Азиз Зиёнинг ёзувчи сифатида анча маҳоратли эканлигини кўрсатади.

Азиз Зиё 1940 йилларнинг сўнгигига қадар бир қатор ҳукумат ва ҳарбий муассасаларда турли лавозимларда ишлаган. Меҳнат фаолиятини Маккадаги Соғлиқни сақлаш мудирлигида ҳужжатларни қайд этувчи лавозимида бошлаган Азиз Зиё кейинроқ умумий хавфсизлик мудирлиги девонида, Макка шаҳар полициясида ишлаган. У ҳарбий курсларни тутатгандан кейин Макка шаҳрининг 3-район полиция бошлиғи вазифасига тайинланган. Азиз Зиё ҳаётида бошдан кечирганларини,

бир тарафдан сўз устаси сифатида юксак бадиият билан йўғрилган бўлса, иккинчи жиҳатдан унинг тили шу қадар соддаки, ўқувчига ҳеч қандай босим ўтказмайди ва жуда енгил ўқилади.

Юқорида ёзилганидек, Азиз Зиё университетда ўқишини давом эттириш илинжида 1930 йилларнинг иккинчи ярмида Миср ва Ливанда бўлди. Лекин университетни тамомлаш унга насиб қилмади. Иккинчи жаҳон уруши бошлангани сабаб у ўқишни ташлашга ва Маккага қайтишга мажбур қолади.

Маккага қайтган Азиз яна полицияга ишга қайтади. Дастлаб полицияда ижро бўлимининг бошлиғи, кейин Мудофаа вазирлигида бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимига тайинланади. Кейин Саудия ҳаво йўллари авиакомпаниясининг мудури лавозимида ишлайди. Албатта, Азиз Зиё тасвирлаган ўша давр, инсонларнинг бир-бирига муносабати, урушга кирган дунёда араб ўлкаларнинг аҳволи, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар ва бошқа барча ҳодисаларнинг тафсилоти ўқувчига шундай бир руҳ берадики, унда ўқувчи ўзини Азиз деб тасаввур қила бошлайди. Бу ҳам муаллифнинг ёзувчи сифатидаги энг катта ютуғи деб баҳолашга имкон беради.

Азиз Зиёнинг бундай маҳорат билан ёзишига, етук ёзувчи бўлиб шаклланишида унинг журналистик фаолияти катта роль ўйнаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Зиё ўтган асрнинг 40-йиллари охирида Саудия мамлакатини тарк этди. Айнан шу даврдан бошлаб саҳнага полиция маъмури Азиз Зиё ўрнига журналист Азиз Зиё чиқди.

Зиё дастлаб Мисрда кейин эса Ҳиндистонда бўлди. Зиёнинг ҳақиқий журналист сифатидаги фаолияти Бомбейда бошланди. Азиз у ерда Бомбай радиосининг араб тахририятида иш бошлади. Азизнинг турмуш ўртоғи Асма Заъзуъ ҳам у билан бирга радиога ишга кирди ва чет элда ишлаган биринчи саудиялик диктор сифатида тарихга кирди. Азиз Зиё Ҳиндистонда икки йил ишлаганидан сўнг оиласи билан яна Саудияга қайтди ва яна полициянинг Чет элликларни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди. Кейинчалик полиция департаментининг Умумий хавфсизлик бошқармаси қидирув, паспорт ва фуқаролик масалалари бўйича бошлиқ ўринбосари лавозимида фаолиятини давом эттирди.

Азиз Зиёнинг “Очарчилик, уруш ва муҳаббатдаги менинг ҳаётим” хотира китоби муаллифнинг бошдан кечирганларини ёритиш билан бир қаторда ўқувчига бутунлай бошқа бир Азиз Зиёни кашф қилиш имконини ҳам беради. Асарда Зиёнинг адабий фаолияти билан боғлиқ маълумотлар ҳам ўрин олганки, муаллифни бадиият оламига етаклаб кирган омиллар, ҳодисалар ҳақида, унинг ижодга киришига сабаб бўлган тафсилотлар ҳақида ҳам етарлича маълумот олиш мумкин.

Азиз Зиё асосан полиция департаментининг турли бўлинма ва бошқармаларида ишлаш баробарида публицист сифатида “ал-Билад” газетаси учун мақолалар ёза бошлаган. Зиё ўзининг эгаллаб турган вазифалари йўналишидан келиб чиққан ҳолда дастлаб ёзган мақолалари сиёсий йўналишда эди. Азиз Зиёнинг сиёсий мазмунда-

ги мақолаларининг айрим тафсилотлари асарда кенгроқ ва тўлиқроқ очиқ берилган. Бу эса XX асрнинг биринчи ярмида Саудия мамлакати, унинг ён-атрофдаги давлатлар билан муносабатлари, дунё сиёсати йўналишларини оддий бир давлат маъмурининг қарашлари орқали давр воқелигининг инъикоси сифатида қабул қилиш, таҳлилга тортиш, замон ҳақида муайян тушунча ҳосил қилишга йўл очади.

Азиз Зиё ҳаммаслаклари билан газета ташкил қилиш, ўз қарашларини янада очиқроқ ифода қилиш мақсадида ҳукуматга мурожаат қилди. Шу тариқа “Указ” газетаси таъсис этилди ва унинг биринчи бош муҳаррири лавозимига Азиз Зиё тайинланди. Бу лавозимда у бор-йўғи ўн ой меҳнат қилди. Зиёнинг журналистик фаолияти жамият тарафидан яхши қабул қилинди. 1964 йили у “ал-Мадина” газетасининг бош муҳаррири сифатида фаолиятини давом эттирди. Зиё қалами ўткир, сўзи аччиқ журналист сифатида танила бошлади. У ҳукуматга қарашли “ал-Мадина” газетасида Нефть вазирлигидаги молиявий ҳуқуқбузарликларни фош этувчи материал босиб чиқарди. Бош муҳаррир лавозимига тайинланганига 40 кун бўлган Зиё лавозимидан озод қилинди. Бу ҳодиса Зиёнинг ижодий фаолиятида туб бурилиш яшашга олиб келди. Асардаги айрим тафсилотлар ҳукумат томонидан ҳар қандай танқид сингдирила олинмаслигини очиқлайди. Бу ҳам бўлса Саудиядаги журналистиканинг ёпик жиҳатларини кўриш имконини беради.

Газетадан кетган Азиз Зиё кейинги 15 йил давомида Саудия радиосида сиёсий шарҳловчи бў-

либ ишлади. Албатта, унинг ижодий фаолияти бу билан тўхтаб қолмади. Зиё "Указ", "ал-Мадина", "ар-Риёд", "ал-Билад", "ан-Надва" газеталари, "ал-Ямама", "ал-Ҳарас ал-Ватаний", "ал-Жийл" каби ўнлаб журналларида ўзининг турли мазмундаги публицистик мақолалари билан мунтазам иштирок этиб келди. Азиз Зиёнинг ушбу нашрларда эълон қилинган мақолаларининг аксарияти "Абдул-Мақсуд Хўжа душанба маданий форуми" муассасаси орқали қайта нашр қилинган.

Азиз Зиёнинг "Очарчилик, уруш ва муҳаббатдаги менинг ҳаётим" асарининг муваффақиятли чиқишига унинг ижодий фаолияти кўпроқ таъсир этганлиги юқорида ҳам таъкидланди. Айниқса, унинг радиода ишлаган давридаги фаолияти давомида бир қатор адабий дастурлар ва турли драматик сериалларга бошловчилик қилгани, балки унинг ижод қилишга янада кўпроқ туртки берган омил бўлгандир.

Азиз Зиё Саудия адабиёти тарихига таржимон сифатида ҳам кирган ижодкор сифатида яхши таниш. У Байрутдаги Америка университетида ўқиб юрган вақтларидан бошлаб Оскар Вайлд, Сомерсет Моэм, Лев Толстой, Жорж Ориэль, Бернард Шоу, Робиндранад Тагор асарларини араб тилига таржима қила бошлаган. Унинг дастлабки таржималари газета ва журналларда нашр қилинган бўлса кейинчалик "Тиҳама" нашриёти "Баъдавийликдаги ўсмирлик даври" (1980), "Сомерсет Моэм ҳикоялари" (1981), "Ягона юлдуз" (ан-Нажм ал-Фарид"). Ҳикоялар. "Юксаклик сари кўприк" (1981), "Қулупнайли торт". Болалар учун ҳикоялар. (1983), "Тагордан ҳикоялар" (1983),

Жорж Ориэль. "1984 йил дунёси" (1984) каби таржима асарларни алоҳида китоблар шаклида чоп этди.

Зиёнинг хотира асари Саудияда замонавий адабиётнинг шаклланиш илдиларини, манбаларини очиб беришда ҳам қимматли манба сифатида қаралмоғи керак. Саудияда Маданият, санъат ва адабиёт Олий Кенгашининг таъсис этилиши, у билан боғлиқ ишларнинг бориши, аъзолик масалаларининг асарда ёритилиши, албатта, адабиёт ва санъатнинг замонавий Саудиядаги роли ошиб бораётганини ва тобора аҳамиятини кўрсатади.

Бундан ташқари Азиз Зиёнинг турли Адабиёт клублари, жумладан, Жидда адабиёт клубининг таъсис этилишидаги роли ва иштирокининг тафсилотлари асарнинг Саудияда адабий жараён билан боғлиқ масалаларнинг ҳал қилиниши тарихи билан ҳам таништиради. Зиё Муҳаммад Хасан Аввад билан биргаликда 1975 йили Жидда адабиёт клубини ташкил этиши баробарида ушбу клуб раиси муовини вазифасини ҳам бажарган. Биргина ушбу адабий жамиятнинг фаолияти мисолида ўқувчи Саудиядаги адабий ҳаёт билан яқиндан танишади. Ўша давр адабиётидаги муаммолар, адабий жараёндаги янги йўналишларнинг шаклланиши билан боғлиқ клубда Зиё тарафидан ўқилган маърузалар, тақдим этилган турли маълумотлар бугунги замонавий адабиётшунослик учун ҳам қимматлидир.

Алимурод ТОЖИЕВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети
тадқиқотчиси

ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛ ТАМОЙИЛИ

“Ёшлар” нашриёти томонидан чоп этилган замонавий араб адабиётининг ёрқин вакиласи Хайрия ас-Саққофнинг “Денгизлар оша олислар сари” номли ҳикоялар тўпламини¹, очиғи, даставвал ўқишга тезда киришиб кета олмадим.

Сабаби, шарқ адабиётидаги анъанавийлик, баёнчилик, сюжет ва ғоялардаги муштараклик бу адиба ижодий услубига хос хусусиятлар бўлса керак, деган шошилинч хулоса эди. Аммо мазкур тўпламга ёзилган таржимон сўзбошини ўқиб, бу хулоса нотўғри эканини тушуниб етдим, адиба ижодига қизиқишим ортди.

Хайрия ас-Саққоф Саудия Арабистонида аёллар насрининг сарбони, журналистика, матбуот соҳасида самарали меҳнат қилиб, анчайин юксак мартаба ва эътирофларга сазовор бўлган илк араб адибаси экан. Унинг ҳикояларини ўқир эканман, адибанинг бадиий ҳаёлотини кенглиги, адабий тафаккури юксаклигига ишонч ҳосил қилдим.

Хайрия ас-Саққоф ҳикоялари полифоник характерга эга. Уларда ёзувчи ҳаётни турли рангларда кўради, қандай кўрса, шундай акс эттиришга уринади. Баъзи ҳикояларида араб аёлининг

¹ Хайрия ас-Саққоф. “Денгизлар оша олислар сари”. Ҳикоялар. Араб тилидан Муртазо Сайдумаров таржимаси. – Т.: “Ёшлар нашриёт уйи”, 2021 йил, 124 б.

ижтимоий ҳаётдаги муаммолари, жамият билан қаҳрамон орасидаги руҳий зиддиятларини акс этгирса, баъзи ҳикояларида ҳаёт ва инсон, тириклик ва қалб, борлик ва йўқлик каби кўплаб абдий ҳамда мураккаб саволларга ечим қидиради. Адиба ижодида мана шу ранглар ҳикояларнинг асосий лейтмотиви бўлиб хизмат қилади.

Инсон доимо тирикликдан ниманидир кутиб, соғиниб яшайди. Мавҳум ва чигал орзу-умидлари оғушида нафас оларкан, бу истакларнинг пироварди нима билан яқунлашидан қатъий назар, бу туйғулардан қутула олмайди. Умидворлик – инсоннинг ички инстинкти бўлиб, инсоннинг бутун ҳаёти, аъмолларию эътиқоди шу туйғудан озиқланади. Бу йўлда инсон ягона қалбига суянади. Қалбга ишонади ва ҳамма мўъжизаларни ундан қидиради. Қалб эса ўзак-ўзак, илдиз-илдизи, том маънодаги моҳияти билан ўзгарувчанлик, турланиш ва мислсиз даражадаги янгиланишларни ўзига касб қилиб олган мураккаб қурилмадир.

“Ҳар бир асар – тасаввурнинг метафораси. Метафора – фикрнинг бадий ифодаси. Шарқ ҳис этилади, дейди, Ғарб фикр қилинади, дейди. Лекин ҳиссиз фикр, фикрсиз ҳис ҳеч қачон бадиият бўлолмаган. Бир-бирини инкор этувчи тушунчалар ҳамиша бир-бирини тўлдириб келган”.¹ Қалбнинг мана шундай турфа хил хоҳишлари инсонни ҳаётнинг ҳар кўйга солади, оввора-ю сарсон қилади. Мана шу овворалик, саргардонлигу беҳудлик манзаралари, инсон онг ости фаолиятидаги бетартиб ҳолатлари Хайрия ас-Саққоф

¹ Н. Эшонкул. “Мендан “мен”гача”. – Т.: “Академнашр”, 2014 йил, Б – 85

ҳикояларидаги тун рамзи, метафораси орқали бадиий ифодаланган. Бу ҳикояларни анъанавий реализм қолиплари билан эмас, балки инсон қалби ва руҳиятининг янгича талқинлари сифатида қараш ижобий самара беради. Хусусан, мазкур ҳикоя қаҳрамонларини онг ости жараёни, кейинги йилларда назарий-эстетик янгиланишлар самараси ўлароқ вужудга келган психоаналитик таҳлил тамойили асосида мушоҳада чизиғидан ўтказадиган бўлсак, масала анча ойдинлашади.

“Инсон руҳияти жуда кенг олам бўлиб, ундаги ҳиссиёт ва туйғулар икки хил шаклда ўзини намоён этади”, – дейди Ж.Эшонқулов.¹ – биринчиси анланган, маълум мантиққа эга, ташқи дунёга нисбатан ўзининг қатъий хулоса ва йўналишига эга туйғулар. Бу туйғу инсоннинг жамиятга, одамларга, атроф-муҳитга муносабати ва бу ҳақдаги маълум тушунчага эга бўлган қарашларни ифодалайди: буларнинг барчасини онг синтез қилиб беради, яъни онг бевосита иштирок этади. Иккинчиси, онг ости ҳислари, онгга қалқиб чиқмаган, лекин инсон руҳиятида доимо мавжуд, ташқи дунё билан тинимсиз алоқа қилиб турувчи ҳислар. Бу ҳислар инсон ҳаракати, руҳиятининг асосини ташкил этади.

Ас-Саққоф ҳикоялари услуб ва оҳанг жиҳатидан тасвирий санъат ва шеърятни ўзаро синтезга қурилган бўлиб, адиба инсон, айниқса, аёл руҳиятидаги ҳиссиётлар, сирли кечинмаларни табиат тасвирлари билан моҳирона боғлайди. Ҳикоялар қаҳрамони руҳиятидаги синиқлик,

¹ Эшонқулов Ж. Руҳий таҳлил методи хусусида. Ўзбек тили ва адабиёти, 1997 йил, № 2, Б–43.

тушкунлик ва изтироблар ҳикоянинг дастлабки жумлаларида берилган табиат тасвирларидаёк намоён бўлади. Шу билан бирга мазкур ҳикояларда эксизтенциал ва сюрреалистик тафаккур белгилари мавжуд. Мазкур услубда ижод қилувчи адиблар инсон руҳиятини чуқурроқ тасвирлаш учун бадий тасвир воситаларидан, рамз ва метафоралардан кўпроқ фойдаланадилар. Адибнинг “Емирилаётган умр лаҳзалари”, “Сония ва ҳақиқат”, “Бир парча кўмир ва бир сиқим пул”, “Ташландиқ қудук”, “Мажнунлик истаги”, “Замона уйида” каби ҳикояларида эксизтенциал кайфият ҳукмронлик қилади. Унинг “Мактуб”, “Йўлимиз бошқа-бошқа”, “Йўқотиш” каби ҳикоялари эса реалистик услубда ёзилган асарлар сирасига киради. Уларда араб аёли, қолаверса, мусулмон аёлининг ҳаёти, уларнинг эрксизлиги, жамиятдаги қадриятлар, урф-одатлар ва меъёрлар билан зиддиятли муносабати таҳлил чизиғига тортилади. Жамиятдаги айрим тоифаларнинг бадбин ўйлари, мол-дунё орттириш, ҳирсу нафс кўйидаги ҳаракатларини миллатнинг иллати, аянчли фожиаси сифатида талқин қилади. Ва табиийки, бу иллатлар аёл шахсиятининг камситилиши, унинг хўрланиши, бахтсизлик ва ожизликка дучор қилишини қатор қаҳрамонлар тақдири орқали поэтик акс эттиради.

Бадий асар ўзида ижодкор шахсини ифодалар экан, буни услубда намоён этади. Ёзувчининг жумла тузиши, ривоя қилиш манераси, бадий деталларга аҳамият бериши, сюжет қурилишини шакллантириши услуб ва ўзига хосликка шубҳасиз таъсир кўрсатади. Зеро, услуб ёзувчининг

Ўз даври воқеа-ҳодисаларига муносабатини ҳам қамраб олади. Ўз услубига эга муаллифгина ёзувчи бўла олади. Ҳар бир ижодкор ўзига хос ижодий қиёфаси билан адабиётнинг ривожига ҳисса қўшади. Шунинг учун Гёте: “Услуб идрокнинг энг туб қатламларида, нарсаларга хос мавжудликнинг ўзида қарор топади”¹ деб ёзади. В.Т.Белинский ижодкор талантининг ўзига хослиги ҳақида тўхталар экан, қобилиятли ижодкор бадий асардаги “ҳамма-ҳамма нарсага ўз шахси, ўз руҳининг такрорланмас, оригинал муҳрини тушуриб ўта олиш” хусусиятига эга эканлигини қайд этади.²

Ас-Саққоф ҳикоялари услуби ҳақида гап кетганда, шунини алоҳида эътироф этиш лозимки, уларда воқеликни ички зиддиятлари билан тўлиқ тасвирлаш, ҳаётнинг ич-ичига назар ташлаш, қисқа, кичик ҳикояга катта маъно ва ғоя юклаш тамойили сезилади. Мазкур ҳикоялар Чўлпоннинг “Қор қўйнида лола”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Даҳшат” ва Зулфия Қуролбой қизининг “Аёл”, “Туноҳ”, “Тафаккур” каби ҳикояларини ёдга солади. Мазкур ҳикоялардаги психологик-руҳий ҳолатлар, образлар табиати, характери тасвирида, аёл қалби ва руҳиятидаги ўзига хосликлар иккала миллат адиблари ижодида ўзаро муштарақ, уйғун ҳолда бадий инкишоф этилганини кузатиш мумкин.

“Қаҳрамон ўй-хаёллари ҳамда атроф-муҳитни идрок қилиши ўзига мос, яъни ёши, тажрибаси, касби, савияси, лаёқати даражасида бўлади,

¹ Гёте Н.В. Сочинение – М.: 1937 – 401 сгр.

² Белинский В.Г. Полн.собр.соч. В 13-ТИ Т. Т-5. – М.: 1953-1959. стр.-424

шунга кўра унинг ташбеҳлари ҳам, гап қуриш кўникмалари, мушоҳада тарзи ўзига хослик касб этади. Одамни кўрмай туриб унинг нутқ тарзи, овози, мулоҳазаларини эшитиб ёши, касби, савияси, дунёкараши каби характерли хусусиятларни аниқлаб олиш мумкин бўлгандек, қахрамон ички монологи ҳам унинг барча хусусиятларини кўрсатиб туради”¹.

Аксарияти мана шундай ички монологлар асосига қурилган Хайрия ас-Саққофнинг кўплаб қахрамонлари исмсиз. Уларда макон ва замон, тил ва миллат, ёш ва жинс тафсилотлари кўрсатилмайди. Воқеалар асосан ровий тилидан баён қилинади. Унинг туш, ҳақиқат ва замон воқеаларини акс эттирган ҳикоялари психологик миқёси, турфа рамз ва образлари билан ўқувчини жалб қилади. Ҳар бир ҳикоядаги кичик детал ёки эпизод остида ҳам катта мазмун, ғоявий мақсад ётганини сезиш мумкин.

Айниқса, “Мажнунлик истаги” ҳикоясидаги ҳар бир деталь ёзувчи ҳаётни чуқур идрок қилиши, борлиқ ҳодисалари моҳиятини излашга уриниши ва олам ҳамда одам аро зиддиятларни маҳорат билан акс эттирганидан далолат беради. Адибанинг ҳикояларида учрайдиган мураккаб сюжет тушунарсиз чигал композициялар, фавқулудда ечим, тугун ва коллизиялар бежизга эмас. Дунёвий адабиётнинг етакчи анъана ва тамойиллари ижодкор онгини ривожлантириб, муайян шаклга солганда, ушбу тушунчалар ёзувчи тафаккурида турғунлашганда маълум бир асар

¹ Т.Жўраев. Онг оқими. Модерн. “Фарғона” нашриёти, 2009, 118–119-бетлар.

тугилади. Бу адабиётдаги ўсишни, ғоялар кўлами кенгайишини, турли услуб ва оқимлар билан кенгайиб бораётганини кўрсатади.

“Композиция иқтидори, сюжет қурилиши ҳам табиат томонидан берилади, ифоданинг теранлигига туғма равишда эришилади, уларни ташқаридан ўзлаштириб олиб бўлмайди, уларни фақат ривожлантириш мумкин.

Ҳеч ким ёзувчини ҳаётни бундай кўрмасликка ва бундай ҳис қилмасликка, балки бошқача ҳис қилиб, бошқача кўришга мажбур қилолмайди. Ўқиш ва ёзишни ўрганиб олгандан сўнг у бошқалардан фақат бир нарсани – қандай ёзмаслик кераклигинигина ўрганмоғи мумкин. Ёзувчининг ҳақиқий мураббийси – ҳаётнинг ўзидир”¹, дейди бу ҳақда Голсуорси.

Голсуорсининг бу фикрларига таяниб айтадиган бўлсак, Хайрия ас-Саққоф ҳикояларидаги мураккаблик ва чигал коллизиялар унинг ички тахайюлига, олам ва одамнинг эстетик идрок қилиш қуввати, ички бадиий потенциалига ва бадиий тафаккур миқёсига боғлиқдир.

Унинг “Айирувчи ва Боғловчилар” номли ҳикоясида адиба “Само... Ёмғир... Намоз... Экин... Ҳосил... Озиқ-овқат... Ҳаёт... Таяммум” орасидаги боғлиқликни қидиради. Мана шу азалий ва адабий қадриятлар туғилиш ва ўлим ҳодисалари орасидаги уйғун нуқталар сифатида талқин қилинади.

Мўминнинг Яратганга ибодати намоз орқали бўлиши, Аллоҳ бутун борлиқнинг ризқ ва саода-

¹ Ж. Голсуорси. Олти адибнинг қиёфасига чизгилар. “Жаҳон адабиёти” журнали. 2002, 9-сон. 149-бет.

тини унга бўлган меҳри ва муҳаббати туфайли туҳфа этишини айтмоқчи бўлади муаллиф.

Фикрларимизга хулоса ясайдиган бўлсак, XX аср араб адабиётининг энг ёрқин намоёндаси Хайрия ас-Саққоф ҳикоялари ҳам замонавий, ҳам мозий руҳияти, манзараларини акс эттиргани билан характерлидир. Адиба бирор ҳикояга шунчаки ёндашмайди, улар қуруқ тафсиллий ва анъанавий баёнчилик табиатига эга эмас.

У XX аср шарқ ҳаётининг муҳим қирраларини бадиий акс эттиришда ғарб адабиёти тенденцияларидан фаол фойдаланади. У жаҳон адабиётидаги бадиий ҳодисаларни чуқур ўрганган. Шунинг учун ҳикоядан ҳикояга ўсиб боради.

Ушбу ҳикоялари ўтган аср араб адабий муҳити жамият ҳаёти ҳақида ёрқин таассуротлар бериши билан қадрли ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Белинский В.Г. Полн.собр.соч. Т-5. – М.: 1959. стр.-424
2. Гёте Н.В. Сочинение – М.: 1937 – 401 стр.
3. Жон Голсуорси. Олти адибнинг қиёфасига чизгилар. “Жаҳон адабиёти” журнали. 2002, 9-сон. 149-бет.
4. Н. Эшонкул. “Мендан “мен” гача”. – Т.: “Академнашр”, 2014, Б – 85.
5. Т.Жўраев. Онг оқими. Модерн. “Фарғона” нашриёти, 2009, 118–119-бетлар.
6. Эшонкулов Ж. Руҳий таҳлил методи хусусида. Ўзбек тили ва адабиёти, 1997, № 2, Б–43.
7. Хайрия ас-Саққоф. “Денгизлар оша олислар сари”. Ҳикоялар. Араб тилидан Муртазо Сайдумаров таржимаси. – Т.: “Ёшлар”. 2021.

Дилафруз Мухиддинова,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети Шарқ
мамлакатлари адабиёти ва қиёсий
адабиётшунослик кафедраси
мудири, филология фанлари
доктори (DSc), доцент

САУДИЯ АДАБИЁТИДА “ЭНГ ҚИСҚА ҲИКОЯ” ЖАНРИ

*“Каттасини куту кичигидан қолма,
Кичик мўъжизалар ҳар кун керак”.*

Асқад Мухтор

Замонавий араб ҳикоянавислигида бошланган янги услубий-поэтик изланишлар XX асрнинг 70-80-йилларида ҳам давом этиб, янги тарихий шароитдаги ижтимоий-эстетик ҳаёт ҳақиқатларини ифодалашнинг янгича шакллари ҳам пайдо бўлишига олиб келди. Ёзувчилар янги шаклларда қанчалик тажриба қилсалар, китобхонларда ҳам уларнинг ижодига бўлган қизиқиш ортиб борар эди. Ҳикоянависларнинг диққати мазмунан шахс ҳаётининг ички руҳий томонларига қаратилган бўлса, шаклий ўзгаришлар уларнинг ҳажмида намоён бўлади: Бир нечта жумладан то икки саҳифача ҳажмдан иборат ҳикоялар кенг ривож топди. Гарчи бундай ҳикоя шакли XX аср ҳикоянависларининг кашфиёти бўлмаса ҳам, эски анъаналар, янгидан яна тикланиб, ҳикоянинг бу шакли араб адабиётида «قصّة قصيرة جدا» “энг қисқа ҳикоя” деб атала бошлади. Ҳикоянинг мазкур

шакли илдизи ҳам, аслида бошқа замонавий насрий жанрлари каби қадимий араб адабий меросига бориб тақалади. Қадимги ва ўрта аср араб адабиёти ҳазинасидаги масал, латифа, ҳикмат, топилмоқ, ҳикоя, қисса, хабар, шунингдек, Қуръон сураларида келтирилган қиссалар, анъанавий ҳикоячиликдаги кичик жанрлар замонавий араб ҳикоячилигидаги “энг қисқа ҳикоя” шакли учун замин бўлди. Шунини таъкидлаш лозимки, ўрта асрларда яшаб ижод этган араб адиблари Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз (776-868) нинг “Зиқналар” («البخلاء»), Абу Хаййон ат-Тавҳидий (923-1023) нинг “Масаллар тўплами” («مجمع الأمثال») ва бошқа адибларнинг асарларида мана шундай кичик ҳажмли ҳикоялар яратилган.

Замонавий адабиётдаги “энг қисқа ҳикоя” ҳам мавзу қамровига кўра хилма-хил. Уларда кундалик ҳаётнинг воқеалар, инсон табиати, инсонлар орасидаги муносабатлар, инсоннинг ички “мени”, руҳий ҳолати, кечинмалари ёки ҳаёт, борлиқ ҳақидаги ўй-кечинмалари ихчам ҳажмда очиқ берилади. Анъанавий наср намуналарида панд-насихат, ўғит устунлик қилса, “энг қисқа ҳикоя”ларда худосани ўқувчининг ўзига ҳавола қилиш, замонавий воқеликни рамзий-мажозий, сюрреалистик тасвирлар, инсон руҳиятини чуқур очиқ берувчи омиллар етакчилик қилади.

Мазкур ҳикоя шакли амалиётида, бир томондан, араб адабий мероси, иккинчи томондан, жаҳон адабиёти, яъни Европа, Америка ва Латин Америкаси адабиётининг таъсири ҳам сезиларлидир. Бу ҳақда ироқлик адабиётшунос олимлар Хайсум Бихнам Бардий, Иброҳим Сабтий, маро-

кашлик доктор Жамил Ҳамдовийларнинг алоҳида қайдлари мавжуд. Шу жумладан, Ҳайсум Бихнам Бардий “Бир лаҳзалик ҳикояларни биз америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг 1925 йилда нашр қилинган 6 жумладан иборат “энг қисқа ҳикоя” ларида, мексикалик ёзувчи Луи Филипмилининг худди шундай ҳажмли энг қисқа ҳикояларида кўришимиз мумкин”¹, дея таъкидласа, Иброҳим Сабтий эса “1932 йилда Натали Сарротнинг “Тропизмлар” («انفعالات») деб номланган тўплам дунё юзини кўрди. Тўпламдаги ҳикоялар кичик ҳажмдаги янги кўриниши билан диққатни ўзига тортди. Лекин Н.Саррот яратган кичик ҳажмдаги ҳикояларининг тузилиши, шакли, композицияси анъанавий услубдаги ҳикоялардан фарқланган. Н.Сарротнинг мазкур тўплами ўтган асрнинг 70-йилларида араб тилига таржима қилинди. Шундан сўнг газета - журналларнинг саҳифаларида Н.Сарротнинг таъсири натижасида араб тилида энг қисқа ҳикоялар пайдо бўлди”², деб таъкидлайди. Марокашлик олим Жамил Ҳамдовий эса “Лотин Америкаси адабиётидаги “энг қисқа ҳикоя” шакли, шу жумладан, Хулио Кортасар, Хуан Хосе Арнула, Хулио Тори, Адольфо Косарас, Эдвар Голяно, Роберто Булайано, Викториа Октомбо, Борхис, Хуан Буш, Августо Монторейо ва бошқа шу каби ёзувчиларнинг тажрибасидан ҳам истифода этдилар”³, деб кўрсатади.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўришиб турибдики, араб адабиётшунос олимлари XX

¹ www.azzaman.com. الهيثم بهنام بردي. القصة القصيرة جدا: الريادة العراقية.

² www.m.ahewar.org>s>asp. ابراهيم سبتي... محنة القصة القصيرة جدا.

³ www.alukah.net. جميل حمداوي. دراسات في القصة القصيرة جدا. ٣١٠٢.

асрнинг 80-90-йилларида оммалашган “энг қисқа ҳикоя” шаклини тадқиқ қилиш жараёнида унинг илдизларини араб адабий мероси ва жаҳон адабиётидаги ўзаро адабий таъсир, адабий алоқаларга боғлашади. Айни вақтнинг ўзида Сурия-Америка мактаби асосчиси, ливанлик машҳур адиб Жуброн Халил Жуброн ҳам 1925-1930 йилларидаёқ ҳикоянинг мана шундай шаклида ижод қилган¹.

Ироқлик адабиётшунос олим, танқидчи Ҳайсум Бихнам Бардийнинг гувоҳлик беришича, араб адабиётида «قصة قصيرة جدا» - “энг қисқа ҳикоя” атамаси ўтган асрнинг 80-йилларида “short short story” (сўзма-сўз таржимаси “қисқа-қисқа ҳикоя”) деган номланишнинг натижасида юзага келган. Мазкур янги адабий жанр араб тилидаги номланишлар кўпайишига олиб келди. Масалан, «القصة الومضة» - “бир лаҳза ҳикоя”, «القصة اللقطة» - “кадр ҳикоя” ёки “топилма ҳикоя”, «القصة القصيرة» - “зоят қисқа ҳикоя”, «القصة المكثفة» - “зичланган ҳикоя”, «اللوحه» - “капсула ҳикоя”, «القصة الكبسولة» - “ҳикоявий лавҳа”, «الصورة القصصية» - “ҳикоявий сурат”, «النكتة القصصية» - “ўтқир ҳикоя”, «الخبر»

¹ Рус шарқшуноси В.Маркованинг “Жуброн Халил Жуброн” (Сайланма) (Джебран Халил Джебран. Избранное. Перевод с арабского и английского. - Л.: Художественная литература, 1986. - С.22-3.) китобига Кириш сўзида Ж.Х.Жуброннинг энг қисқа ҳикояларини ибратли ҳикоя (пригча) деб атайдди. Араб адабиётшунослари томонидан эса улар «قصة قصيرة جدا» - “энг қисқа ҳикоя” деб аталган. Араб адабиётида ХХ асрнинг 80-90 йиллардан кейин яратилган “энг қисқа ҳикоя” лар билан Ж.Х.Жуброннинг энг кичик ҳикоялари қиёсланганда, ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан ўхшашлик кузатилади. Шу нуқтаи назардан, Ж.Х.Жуброннинг энг кичик ҳажмдаги асарларини “энг қисқа ҳикоя” деб аталиши мақсадга мувофиқдир.

«قصصية» – «قصّة الشعر», «ҳикоявий хабар», «шеърый ҳикоя», «القصة الخاطرة القصصية» – «хотира ҳикоя», «القصة الجديدة» – «янги ҳикоя», «القصة الحديثة» – «янги ҳикоя», «المغامرة القصصية» – «ҳикоявий ҳолат», «الحالة القصصية» – «саргузашт ҳикоя», «القصة القصيرة جدا» – «энг қисқа ҳикоя», «المترو» – «метро ҳикоя», «قصّة المترو» – «метро ҳикоя», «قصّة السندويج» – «сэндвич ҳикоя», «قصّة السرعة» – «шошилинч ҳикоя» ва бошқа шу каби номлардир¹. Кўриб турганимиздек, араб адабиётида ҳикоя жанрининг янги шакли, яъни энг кичик ҳажмли ҳикояларнинг номланишларида турли-туманлик кўзга ташланади. Ҳатто тезда бир зумда ўқилиши нуқтаи назардан мазкур ҳикояларни бир зумда, тезликда тайёрладиган ва ейладиган «сэндвич», «гамбургер», «хотдог» – «قصّة السندويج» – «сэндвич ҳикоя», – «قصّة السرعة» – «шошилинч ҳикоя» каби таомларга қиёслаб ёки бир зумда, тезликда манзилга етказиб қўядиган транспорт воситаси «метро» га қиёслаб – «قصّة المترو» – «метро ҳикоя» номланишларни ҳам учратиш мумкин.

«قصّة قصيرة جدا» - «энг қисқа ҳикоя» шаклининг замонавий араб адабиётидаги тараққиётига назар ташласак, ҳикоянинг бу тури дастлаб, XX асрнинг 70-йилларида Саудия² адабиётида, Ироқ адабиётида, кенг оммалашган, кейинчалик Шом мамлакатларидан Сурияда пайдо бўлди. Ироқ адибаси Бусайна ан-Носирийнинг 1974 йилда нашр этилган «От тақаси» («حدوة حسان») тўпламидаги ҳикоялар «энг қисқа ҳикоя» деб аталган, шунингдек, Холид Ҳабиб ар-Ровийнинг 1975 йилда нашр

¹ www.azzaman.com. هيثم بهنام بردي. القصة القصيرة جدا: الريادة العراقية.

² www.alfaisalmag.com. فيصل. خالد احمد اليوسف. دهشة القصة القصيرة جدا في المملكة العربية السعودية.

этилган “Тунги поезд” («القطار الليلي») тўпламига ҳам 5 та энг қисқа ҳикоялар киритилган эди. Фаластин адабиётида эса Маҳмуд Али ас-Саиднинг 1979 йилда нашр қилинган “Ўқ” («الرصاص») тўпламида “энг қисқа ҳикоя” атамасини истифода этади. Сурия адабиётида эса Закария Тамернинг 1970 йилда нашр этилган “Момақалдирак” («الرعد»), Валид Ихлосийнинг 1972 йилда нашр этилган “Қахрли кўздаги даҳшат” («الدهشة في العيون القاسية»), Набил Ҳадданинг 1976 йилда нашр этилган “Юзадаги рақс” («الرقص فوق الأسطح») тўпламларига “энг қисқа, жажжи ҳикоя” лар киритилган. Кўриб турганимиздек, ҳикоянинг мазкур шаклининг дастлабки намуналари XX асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган бўлса, 80-йиллардан Миср, Мағриб (Жазоир, Марокаш, Тунис, Ливия, Мавритания), Форс кўрфазидаги бошқа араб мамлакатларида ҳам пайдо бўла бошлайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, “энг қисқа ҳикоя” шакли XX асрнинг охирларига келиб бутун жаҳон адабиётида (инглиз тилида “very short story” (сўзма сўз таржимаси “жуда қисқа ҳикоя”) ёки “short short story” (сўзма-сўз таржимаси “қисқа-қисқа ҳикоя”), рус адабиётида “очень короткий рассказ” (“жуда қисқа ҳикоя”), форс адабиётида “достанак” (ҳикояча), япон адабиётида “кафтдаги ҳикоя”, турк адабиётида “минимал ҳикоя” (кичик ҳикоя) ва ҳ.к.), Ҳикоянинг бу шакли кенг кўламда омаллашишига, биринчидан, анъанавий услубдан ноанъанавий услубга интилишнинг кучайиши, ижод эркинлиги, адибларнинг ижодда субъектив ёндашуви биринчи ўринга чиқиши бўлса, иккинчидан замон билан ҳамнафаслигидир. Бугунги

қунда жаҳон бўйлаб глобаллашув жараёнининг кучайиши, фан-техника ва ахборот тезлигининг жадаллашиши рўй бераётган бир даврда катта ҳажмли асарлардан кўра кичик ҳажмли асарларнинг газета ва журналларнинг биттагина сонидеёқ ҳамда интернет тармоқларида энг қисқа ҳикояларнинг электрон нашри ва жойлаш имконининг тезлиги ва ўқувчилар томонидан кўп вақт олмасдан бир зумда ўқилиб, маънавий озуқа бериш имкони мавжуддир.

“Энг қисқа ҳикоя” шаклига воқеа-ҳодисалар ғоят зич жойлашиши, фикр ҳам тиғизланиши, мавҳумлик, матн билан ўйин, мажозни кўп ишлатиш, хотима қутилмаган ечим топиши, эртакнамолик, фалсафийлик, рамзийлик каби хусусиятлар хос бўлиб, бадиий тил ниҳоятда катта роль ўйнайди. Замонавий энг қисқа ҳикоя тури ҳар бир араб ёзувчиси қаламида турли хил услубларда шаклланди. Араб ҳикоячилигида “энг қисқа ҳикоя” шакли фалсафий, дидактик мазмун касб этган ибратли ҳикоя (притча)га ўхшаш кўринишда, ҳаёт, борлиқ ҳақидаги тасаввурлар болалар нигоҳида эртакнамо кўринишда, маиший-ахлоқий масалалар тасвирлар кўринишида, ижтимоий масалалар қисқа, лўнда реалистик, рамзий-мажозий ҳикоя кўринишида шаклланди¹. Мазмуний нуқтаи назардан “энг қисқа ҳикоя” шаклини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Фалсафий-мажозий мазмун касб этган ибратли ҳикоя (притча) га ўхшаш кўринишда;

¹ Мухиддинова Д.З. Жанр «очень короткого рассказа» в современной арабской литературе./Социосфера № 3, 2015./ С. 57-60.

2. Ижтимоий масалалар рамзий-мажозий кўринишида;

3. Маиший-ахлоқий мавзулар рамзий-мажозий кўринишида.

Саудия адабиётида бугунги кунда Холид Аҳмад ал-Юсуф, Тоҳир аз-Заҳроний, Абдул-Жалил ал-Ҳофиз, Ҳиям ал-Муфлиҳ, Вафо ал-Умайр, Шима Шаммарий, Ҳакима ал-Ҳарбий каби бир қатор ёзувчилар “энг қисқа ҳикоя” жанрида ижод қилиб келишмоқда.

Шу жумладан, саудиялик адиба Ҳакима ал-Ҳарбий “энг қисқа ҳикоя” шаклида сермахсул меҳнат қилмоқда. Ҳикоялари турли-туман мавзуга бағишланган. Уларда инсон ҳаётидаги маиший, ижтимоий ҳодисаларнинг ҳар бир лаҳзаси, оний нуқталари моҳирона акс эттирилади. Ҳакима ал-Ҳарбийнинг “Тўзал орзулар” жуда қисқа ҳикоясида қашшоқликдан азият чекаётган инсон қалби, орзу-истаклари тасвирланган:

“Уни қашшоқлик эзар, тушқунлик янчар, орзу қушлари қурғоқ ерга қулаб, қайта қайта ҳалок бўлар эди. Чанқоғини босишга ёмғир ҳам, ўт-ўлан ўсадиган ер ҳам топа олмас эди”¹.

Мазкур ҳикоя мана шундай тасвирлардан бошланган ҳолда, адиба ниҳоятда ўткир бадиий ўхшатишлар ёрдамида қисқа, лўнда тасвирларнинг остида кўплаб маънони сингдирган. Жумладаги биргина “*уни қашшоқлик эзар*” тасвир орқали ҳикоя қаҳрамонининг камбағал, қашшоқ эканлиги маълум бўлади. Ҳикоя аввалида қаҳрамоннинг тушқун руҳий аҳволи ўхшатиш, жонлантириш,

¹ Араб ҳикоялари. Араб тилидан М. Сайдумаров таржимаси. // Жаҳон адабиёти. 2009 йил, 12-сон. Б. 82-96.

муболаға санъатлари орқали ифодаланиб, орзулари поймол бўлган инсон қиёфаси гавдаланади.

“Унинг қалби тонг гунчасидан завқланиб дукиллаб ура бошлади, гулгунчанинг хушбўй ҳидлари сари интилди, у қурғоқ ерининг гулгунчаси бўлишни ва умр бўстонлари ичра гуркираган орзуларининг чағалайига айланишини истади”.

Ҳикоя давомида инсоннинг орзу қилиши, орзулари рўёбининг натижасини тасаввур қилиши каби инсоннинг руҳий кечинмалари акс эттирилган. Ҳикоя қаҳрамони камбағаллигидан бутун умр катта, кенг уйи бўлишини орзу қилиши маълум бўлади.

Ҳикояда ортиқча тафсилотлар йўқ, барча тафсилотлар ҳар бир сўзга юкланган. Ҳар бир жумлада вазият, воқелик, қаҳрамон руҳияти сингдириб юборилган:

“Бир куни оқшомда унинг олдига борди. Ҳали ҳам япроқлари қуюқ дарахт ёнидаги унинг хонаси балкони остида икковлари мириқиб суҳбатлашди. Биргаликдаги ҳаётлари ва бир-биридан гўзал орзуларининг режасини чизишди.

Эрталаб... у уйғониб, ёрқин тонг ва гўзал кун умиди-ла балкони остида таранг осилиб турган арқонни, арқоннинг учида эса севгилисининг бошини кўрди”.

“Гўзал орзулар” ҳикоясининг якуни бош қаҳрамоннинг севган кишисининг ўлими билан тугалланиши акс эттирилган. Бундай кутилмаган якун замонавий ҳикоячиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, хулосани ўқувчининг муносабатига қолдиришдир.

“Тўзал орзулар” қисқагина ҳикоясида ижтимоий масалалар талқинида инсон қалби, орзу-армони, тушқунлик ҳолати, иродасизлик акс эттирилиб, фожиавийлик тус олган.

Ҳакима ал-Ҳарбийнинг “Озодлик” энг қисқа ҳикоясида ҳаётда азият чеккан инсон қиёфаси гавдаланади. Мазкур ҳикоянинг сарлавҳасидан маълумки, ҳикоя озодлик, эрк ҳақида:

“У катта дарвоза олдида қаддини ростлади. Дарвозанинг икки томонида баҳайбат-баҳайбат икки киши турар, уларнинг важоҳати ниҳоятда ғазабли эди. У қўлларини силтаб, бармоқларини ўйнатди, қўлларининг кишанбанд эмаслигига ва уни энди ҳеч ким ушлаб турмаётганлигига ишонч ҳосил қилишга уриниб кўрди. Сўнг олға қадам ташлади. Унинг кўзлари бутунги ёруғ, озод куёшнинг ёндирувчи нурлари билан тўқнашди”.

Ҳикояда қаҳрамоннинг ўтмиш ҳаёти бўйича тўлиқ маълумотлар берилмаса-да, биргина “У катта дарвоза олдида қаддини ростлади”, “Қўллари кишанбанд эмаслигига ва уни ҳеч ким ушлаб турмаётганлигига ишонч ҳосил қилишга уриниб кўрди”, жумлалари орқали бош қаҳрамоннинг камокда бўлганлиги маълум бўлади. Ҳикояда қаҳрамоннинг ўтмиши ҳақида биргина тасвир борки, мана шу қисқагина тасвир орқали қаҳрамоннинг ҳаётида бўлиб ўтган машғум воқеалар ҳақида ўқувчи тасаввур қилиши мумкин:

“Орқасидан машғум қўл чўзилиб келиб, томоғидан бўғиб, кундузсиз тунга, зимистонга қайтаришларидан кўрқиб, шамолга қарама-қарши одимлади”.

Кичик ҳикоядаги мана шу тасвир қаҳрамоннинг орқасидан келиб, қўлларини кишанлаб қа-

моққа олиб кетилгани маълум бўлади. Ҳикояда “*мишъум қўл*”, “*томоғидан бўғиб*” каби тасвирлар қаҳрамоннинг ноҳақ қамоққа олингани, ноҳақ эзилгани каби фикрларни уйғотади. Ҳакима ал-Ҳарбий бу борада сўз кучининг бор имкониятларидан фойдаланиб, ҳар бир жумла, сўз бирикмаларига катта маъноларни сингдирган.

“Озодлик севинчи ва хуррият куёши қадрдон оиласи ва фарзандларини эста солди. У ортга қарамас, олға, фақат олға одим ташлар эди.

Кўзлари ҳам нодоматдан, ҳам чин озодлик севинчидан чакнар эди”.

Ҳикоя сўнггида озодликка чиққан, ўз эркига эга бўлган инсоннинг қиёфаси моҳирона тасвирланган. Қаҳрамоннинг “*кўзлари ҳам нодоматдан*” тасвирлари орқали бўлиб ўтган воқеалардан афсусланиш ҳолати намоён бўлади, энг асосийси, у ўз оиласи, фарзандлари бағрига қайтаётганидан шод ва хуррам.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий саудия адабиётдаги “*энг қисқа ҳикоя*” шакли ҳам хилма-хил мавзулар кўтарилиб, ёзувчининг олам ва одам борасида субъектив қарашлари асосида кундалик ҳаётини воқеалар, инсон табиати, инсонлар орасидаги муносабатлар, инсоннинг ички “*мени*”, руҳий ҳолати, руҳий кечинмалари, ёки ҳаёт, борлиқ ҳақидаги ўй-кечинмалари, инсоннинг фазилати ва қусур-камчиликлари, маънавий олами, ахлоқий масалалар энг кичик ҳажмда, ихчам шаклдаги сўз ва жумлаларга катта маъно юкланган ҳолда очиб берилмоқда.

Раъно Ходжаева,
профессор кафедры литературы
стран Зарубежного Востока
Ташкентского государственного
университета востоковедения, доктор
филологических наук.

КРАТКИЙ ЭКСКУРС В САУДОВСКУЮ ПОЭЗИЮ

Арабская литература представляет весомую часть арабской культуры и мировой цивилизации и имеет долгую богатую историю. Хотя у каждой арабской страны на современном этапе своя национальная литература, но эти литературы объединяют общность средневекового классического наследия и, конечно, единство литературного арабского языка, языка литературы, науки, всей культурной сферы этого большого и разнообразного арабского мира. В XX веке русскоязычный читатель был более знаком с литературой Египта, Сирии, Ливана, Ирака, Алжира и других стран арабского Магрика и Магриба. Менее он был знаком с литературой стран Аравийского полуострова. Но в последнюю четверть XX века в связи выходом стран Аравийского полуострова во главе с Саудовской Аравией на мировую арену в социально-политическом отношении и бурным развитием их национальных литератур, интерес к литературе и культуре этих стран резко возрос.

Среди литератур стран Аравийского полуострова ведущее место занимает литература Сау-

довской Аравии, имеющая богатое наследие, начиная со времен периода Жохилия (V век н.э.).

Литература Саудовской Аравии дала арабской цивилизации таких великих доисламских и исламских поэтов как Антара, Тарафа, Ханса, Имрулькайс, Кааб ибн Зухейр и других поэтов, чьи стихи читают и заучивают по сей день. Эта литература активно участвовала в формировании средневековой арабской классической поэзии, составляющей гордость арабов.

Становление современной литературы в Саудовской Аравии приходится на первую половину XX века и выразилось оно, прежде всего, в появлении новых жанров, формировании литературных направлений и течений, отказе от изживших себя традиций, изменений содержательного и формального характера.

В результате бурного развития саудовской литературы в последние десятилетия XX века на литературной арене появились литераторы, имена которых вышли за национальные пределы страны и стали известны во всем арабском мире.

Еще одним феноменом современной саудовской литературы является рост в ней женского творчества, особенно в области поэзии. На страницы саудовских литературных журналов и газет хлынули стихи саудовских женщин, которые, казалось, нашли способ выразить себя после долгого молчания. Иногда эти стихи подписывались не собственными, а чужими анонимными именами. Некоторые поэтессы издавали даже 2-3 сборника стихотворений, затем они переставали публиковаться, уступая места другим поэтессам.

Переводы произведений саудовских авторов на другие языки, в том числе на русский язык, участились во второй половине XX века, когда Саудовская Аравия вышла на мировую арену как богатейшее нефтяное государство с быстроразвивающейся экономикой и культурой. В нашем распоряжении имеется один из сборников таких переводов на русский язык, где представлены как поэтические так и прозаические произведения разных жанров и тематического диапазона. В этом сборнике под общим названием «Особенности современной саудовской литературы»¹ (2018) поэзия представлена в основном лирикой разных направлений - от романтической до философской.

Романтическое направление в саудовской поэзии, возникшее в 30-40 годах XX века, заявило о себе как новаторское, где наблюдается отход от традиционной касыды с его членением на внутренние жанры-насиб (лирическое введение), мадх (ода, восхваление), хижа (сатира, осмеяние), риса (элегия, оплакивание) и др. Лирическое начало не было чуждо традиционной арабской поэзии, особенно для вступительной части насиба или риса-элегии, но подлинная лирика, выдвигающая на первый план субъективное изображение действительности, передающее отдельное душевное состояние, мысли, чувства, впечатления автора, появилась в саудовской поэзии с возникновением романтического направления во главе с Мухаммадом Хасаном Аввадом. В романтической саудов-

¹ «Особенности современной саудовской литературы».. Перевод с арабского А. Симоновой, М.Сайдумарова и др. Издательство «Desert Publisher», Эр-Рияд. 2018. 276 с.

ской поэзии обозначился герой, который не повествует о жизни, а доносит ее через образы как переживание, состояние духа.

В стихах поэтов-романтиков Мухаммада Хасана Авада, Хусейна Сархана, Мухаммада Хасана Факимы находим много признаков, характерных для романтической поэзии: тема одиночества, двоемирие, разлад с действительностью, поиски идеала, уход в творчество, природу и даже в смерть, культ сильной личности и т.д. Эти мотивы явственно звучат в стихотворении Хусейна Сархана

Мне говорили о смерти, и моя душа
отзывалась на те разговоры
коротким восторгом

Поэт мечтает попасть в рай, но этот рай не ограниченный наивными представлениями о гуриях и реках со сладкими напитками. Для поэта главное – духовная свобода. Его рай – это место:

где, чтобы понять все, достаточно взглянуть
своими глазами

где нет необходимости в чем-то воображаемом благословении,

а вполне достаточно своих собственных ориентиров,

где душа сносит все без озлобления,

где она навечно освящена светом надежд.

(Из стихотворения «Разлад тела». Перевод В.Исаева)

Поэт Мухаммад Хасан Авад в своем стихотворении «Секрет жизни» задает извечные фи-

лософские вопросы о смысле жизни, тайнах природы, о первопричине всех явлений, о назначении человека, о поисках альтернативы духовной слепоте:

Когда-нибудь опять дано науке с верой
Для всех народов стать одной духовной мерой?
Кто нам подарит шанс вновь превратиться
В зрячих
Чтобы изгнать того, кто правду жизни прячет

У поэта разлад с действительностью принимает обостренный характер, когда он вопрошает:

И сами мы, скажи, в угоду чьим кумирам
Живем во зле и лжи и несогласье с миром?

Поэт считает, что миссия человека заключается в открытиях, в раскрытии тайн, которые постоянно окружают его как в жизни, так и во вселенной, и еще он видит предназначение человека в любви к ближнему, в гуманизме.

Средневековая арабская поэзия богата жанрами, но жанр рубаи в ней не получил развития, как в персоязычной и тюркоязычной поэзии. К этому жанру арабские поэты обратились лишь в новое время, и мы видим его успешное воплощение в творчестве талантливого саудовского поэта Мухаммада Хасана Факи. Его четверостишия, как правило, философского содержания и наполнены мотивами, характерными для этого жанра: бренность мира и его притягательность, радость жизни и «мировая скорбь», борьба сил

добра и сил зла и др. Ведущую роль в рубаи Мухаммада Хасана Факи играет лично-субъективное начало:

Я шел по жизни в поисках покоя,
Влача печаль, как тяжкий груз оков.
И было чувство на душе такое,
Как будто путь мой длился сто веков.
(«Рубаи», в переводе Н.Переяслова)

Сомнение и вера, отчаяние и упорство борятся в душе автора рубаи. Для их выражения, для донесения всей глубины своих чувств поэт удачно использует весь арсенал поэтики из сокровищницы арабской поэзии: взволнованная риторика, удивительные сравнения-ташбихи (судьба терзает, словно море, топя в ревущих вскрепленных волнах), антитезы – тазод (рай и ад, милость небесная – земные улады), гиперболы-муболага (печаль, которая как холмы скрывает солнце) и т.д.

Иногда в философские размышления Факи вторгается эпическая форма повествования, подчеркивая своим смыслом главную эмоциональную мысль поэтической речи, с целью пробудить у читателя высокие чувства и духовный подъем:

Под пышным садом облако парило
и говорило: «Если бы не я,
то ни одна бы ветка не дарила
ни людям плод, ни тень для соловья.»

А сад молчал и с ним не препирался,
Потом сказал: «Без матушки земли

Ни ты, ни я-как кто бы ни старался-
Ничто бы сами сделать не смогли!»
(«Рубаи», в переводе Н.Переяслова)

Рубаяты Факи, при всем присутствии мировой грусти, отличаются жизнелюбием и жизниутверждением. Мир, созданный Аллахом, настолько благодатен, что человек понимая бренность и скоротечность свой земной жизни, должен прожить ее в благодарности Создателю и идти достойно до конца своей смерти.

В этом философия экзистенциализма Мухаммада Хасана Факи, которая пронизывает его стихи – рубааты.

Мне как узнать хотелось в одночасье,
Что будет, если я свой путь прерву?
И я вдруг-встал. И понял-это счастье,
Удача в том и есть, что я живу!...

Порой индивидуальный пафоос рубаатов Факи поднимается до общественного пафоса, приобретая патетическую накаленность.

Ну, здравствуй, брат! Возьми меня за руку,
Идти нам дальше – вместе по судьбе
Через разлуку, через боль и муку...
Я доверяю жизнь свою тебе.

И я, и сотни наших верных братьев
в один огромный стиснулись в кулак,
мечты и нежность бросив на кроватях...
Коль ты наш брат – сделай тоже так!

Но очень скоро высокий патетический дух сменяется лирической исповедью, которая тем не менее не теряет своего общественного звучания:

О как бы я хотел, закончив дни устало,
Стать розовым кустом вблизи у родника!..

(Как обеднел бы мир, когда бы вдруг не стало
во всех его садах ни одного цветка...)

Я не хотел бы жить, словно в песках стора
Средь мира, что стубил собою красоту,
Но это мы несем в него и образ рая,
И аромат цветов и ада пустоту

(из «Рубаи» в переводе Н.Переяслова)

Рубаи Мухаммада Хасана Факи – это яркое новое новаторское явление в саудовской поэзии. С одной стороны они внесли свой вклад в ее жанровое разнообразие, а с другой оказали большое эстетическое воздействие миром своих художественных образов. В рубаятах Факи видно логическое продолжение философских, этических и социально-политических мотивов, пронизывающих в свое время творчество великих классиков средневековья.

Интимная лирика саудовских поэтов нового времени также отличается палитрой тончайших красок в выражении чувств и переживаний. Под интимной лирикой мы понимаем не только стихи о любви, но и стихи о других чувствах – дружбу, обиды, разочарования, переживания о самых разнообразных сторонах личной жизни лирического героя, подчас самого автора. Любовная лирика

современных саудовских поэтов, как часть интимной лирики, совершенно отличается от традиционной любовной поэзии средневековых поэтов с ее описательными образами и стереотипами в выражении чувств.

В саудовской поэзии любовной лирике отводится особое место, как во всей мировой литературе и национальной литературе, а также в творчестве отдельно взятого поэта. Стихи саудовских поэтов, повествуя об интимных любовных чувствах и переживаниях лирического героя, играют на тонких струнах человеческой души, и несмотря на их сложность взаимоотношений с возлюбленной, они своей искренностью и мастерством оказывают на него сильное эстетическое воздействие.

Горький опыт взаимоотношений с возлюбленной отражается в касыде Хасана Абдаллаха аль-Курайши, который вместе с возлюбленной растратили свои чувства («Короткие поэмы»).

Лирический герой чувствует себя опустошенным, живущим памятью воспоминаний:

Я перебирал день за днем свою историю –
Историю уставшего человека
Живущего зажатом между клыками и когтями,
Одинокого, переполненного сомнениями,
Питающегося исключительно крошками
воспоминаний

И все-таки лирический герой находит в себе силы выйти из духовного кризиса и вдохнуть свежий воздух свободы после душевного заточения.

И все таки глухую стену моего заточения
Я разодрал когтями.

Более того он связывает свое возрождение с той единственной, которая одна может пробудить в нем любовь к жизни:

Будем возвращать себе плоды жизни
И заново разжигать огонь в сердце.

Любителя поэзии не могут не привлечь яркие и красочные образы в стихотворении Абдельазиза Ходжа «Я живу, чтобы любить красоту». Поэт широко использует прием «талмех», распространенный в классической арабской поэзии, когда в текст вводились имена знаменитых людей, названия, известные события, литературные сочинения,

Я раб иллюзии, говорят,
пью-допьяна!-любовный яд,
сто чаш уже осия.

И, говорят, вернуть я рад
век самого Джамиля!

В эпоху лживых чувств и слов

Ответить я за все готов:

Я – Кайс,

Я принимаю казнь

с достоинством Маджнуна.

О странный полной злобы мир

Я твой последний Кусайир,

безумство, пестрое, как пир,

в глазах моих мелькнуло.

Чтобы показать всю глубину своих чувств, поэт сравнивает себя с прославленными поэтами древнеарабской любовной лирики узритского толка. Эти поэты прославились благодаря безграничной любви, тем, что, несмотря на гонения и преследования остались, верными ей до конца и не переставали воспевать своих возлюбленных в своих стихах.

Но если поэт Абдельазиз Ходжа черпает образы из богатого источника национального наследия – узритской или бедуинской высокой любовной лирики, или сказок «Тысячи и одной ночи», или священной религии, то другой современный поэт Хасан ас-Сибай обратился к образам – архетипам мировой литературы, в частности европейской литературы. В стихотворении «Луна Севильи» в образе Дульсины он видит, как и Дон Кихот, женский идеал:

В поисках той, что прочтет мое сердце, как лист
В поисках той, чьи глаза, как луна, полыхают,
Я и стремился в места (хоть душой-не турист)
те, что поэзией рыцарей бедных пленяют.

Поэт вкрапляет в текст своего стихотворения образ троянского коня – символа коварства и обмана, троянской войны, начавшейся из-за пагубной страсти Париса к прекрасной Елене, затем он переносится в европейскую поэзию и вспоминает французского поэта Шарля Бодлера, основоположника эстетики символизма.

Хасан ас-Сибай также как и Ахмад ас-Сами, Ашджан ал-Хинд является представителем современных молодых поэтов нового поколения. У это-

го поколения свое видение мира, оно охватывает поэтов, принадлежащих к разным направлениям. Они много экспериментируют в области формы. Язык их метафоричен и символичен. Такая трансформация поэтического воображения вызвана новыми литературными тенденциями, когда наметился перелом в способе художественного освоения действительности.

Современная саудовская поэзия несет в себе проблемное мышление и лирическую исповедь. Сквозь туманность и символичность образов пробивается смутная тревога из-за нестабильности в мире, неудовлетворенность действительностью, фальшь, ощущение несвободы.

Ашджан ал-Хинд, используя метафору, говорит о несовершенстве мира, в котором лирический герой ощущает себя «плодом подавления, бесплодия и туч, мира и войны, снов и бессонниц...». В стихотворении этого автора «Лунные войны» в поэтические строки вкраплены и история человечества, и религиозные послы, личностное сочетается с общим, индивидуальная боль неразделима с общечеловеческой болью.

И все таки через строки саудовских поэтов пробивается их глубокая вера в созидательные силы человека и они живут надеждами «которая теснит грудь» и вновь возрождается «забытая одержимость, как это было много лет назад» (из стихотворения «Сияние» Абдаллаха аль-Файсала Аль-Сауда).

В исповедальной лирике саудовских поэтов много места уделяется миссии поэта. В касыдах Ахмада ас-Салиха «Кошмарный сон», «Попытка

исповеди» поэт рассказывает о своем творческом опыте, который приносит то горькое разочарование, то радость созидания:

Я сыпал в мир стихи свои, как росы
и рифмы двери в душах отпирал,
Но не за каждой ждали меня розы
и соловьев ликующих хорал.

И как бы ни были изошренными поэтические изыски, желание произвести эффект необычности стиля, три главных поэтических образа навечно считаются незыблемыми в поэзии саудовцев – это любовь, красота, родина. Эти понятия священы для него, он воспеваает их и мы верим поэту, который вопреки всем трудностям бытия, любит жизнь во всех проявлениях:

И я сияю, о как я сияю,
Слагая песнь, где радость и беда
переплелись навек. Теперь я знаю
Мне быть с бедой этой навсегда.

(из стихотворенья «Попытка исповеди» Ахмада ас-Салиха)

Любовная лирика саудовских поэтов трепетна, своей возвышенностью и высокой нравственностью в отношениях она продолжает лучшие традиции древней бедуинской (узритской) поэзии. Гимном любви можно назвать небольшое стихотворение Мухаммада Саада аль-Мишана «Лейла», по имени легендарной возлюбленной древнеарабского поэта, ныне ставшей символом всех возлюбленных в восточной поэзии.

Не расскажешь о любви – тут не хватит слов,
Она соткана из ветра, музыки и слов.
Я сравнил бы ее с солнцем,
Но у солнца нет
Этой нежности, с какой
Шлю тебе привет.

Горечь неразделенной любви («Бунтарь против любви» Саада аль-Баварди), поиски любви и встреча с ней («Синдбад» Абдельазиза Ходжа), горький опыт любви («Короткие поэмы» Хасана Абдаллаха ал-Курайши), воспевание женской красоты («Тайна твоих волос» Джасема ас-Сухейиха) – вот далеко не полный перечень любовной поэзии, представленной в сборнике «Особенности современной саудовской литературы».

Общественно-политической тематике в сборнике посвящены несколько касыд, в том числе стихотворение Абдуллаха Салиха аль-Усаймина «В мире легенд» и Абдельазиза Ходжа «Снова воркуют голуби». Второе стихотворение написано по следам террористической акции мусульманских экстремистов в Мекканской мечети в 1980.

Касыда Абдуллаха Солиха аль-Усаймина «В мире легенд» представляет собой политическую сатиру на так называемые «легенды» – разные доктрины и фальшивые лозунги, предательства и измены, обман со стороны власть имущих. Касыда наполнена глубоким содержанием и обладает силой воздействия благодаря острому взгляду на злободневные вопросы современного мира. Именно такие стихотворения влияют на мысли и

настроения читателя, на развитие общественной мысли.

И вот прошел через долгую жизнь,
себе говоря то и дело: «Держись!»
Стал волос седым мой, стал старческим вид,
а мир – до сих пор из легенд состоит.
Все стали вокруг – мастера болтовни,
победу – в беду превращают они,
а об интервенции так и говорят,
как будто то был лишний военный парад.

Поэт замечает, насколько подобные легенды опасны для простого обывателя, делают его равнодушным к судьбе народа, родины, инфантильным и отстраненным.

И снова я слушал, как там и тут
Лукавые люди легенды плетут,
Из хода столетий творя миражи
При помощи горсточки правды – и лжи.
То скажут: «Измена!»
То скажут: «Беда!»
То скажут: «Да, нет, все идет как всегда!»
И я уж не чувствую важность борьбы.
И я отхожу от народной судьбы –
Пусть те, кто сильнее меня и умней,
Родятся в отчизне и властвуют в ней...

Развивая тему, поэт в дальнейшем показывает к чему приводят компромисс, сделка с совестью. Это стихотворение взволнованного человека, реакция мыслящего гражданина на тот обман, ко-

торые несут разные доктрины, идеологии и соглашения, не учитывающие интересов народа. Эмоциональная экспрессия стихотворения сочетается с гражданской позицией поэта, остро чувствующего требований времени.

Мы провели небольшой экскурс в современную поэзию Саудовской Аравии, который, конечно же, не охватывает всего тематического разнообразия и стилистического богатства и творческого потенциала поэтов этой страны. Понять душу этой поэзии помогли переводы на русский язык, выполненные переводчиками, которые старались раскрыть многогранную красоту саудовской поэзии для русскоязычного читателя, понимающего и умеющего ценить высокое искусство слова.

Муртазо Сайдумаров,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети доценти,
филология фанлари номзоди

СОЛИҲ ЗАМАНАН – САУДИЯ МОДЕРНИСТ ШОИРИ

Солиҳ Заманан ижодидан танлаб олинган шеърларнинг таржимасини ўзбек ўқувчилари эътиборига хавола этар эканмиз, ҳозирги замон саудия адабиёти, хусусан, модернизм шеърляти ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Насрий ёки оқ шеър яратиш борасида саудия шоирларининг дастлабки уринишлари бошқа араб мамлакатларида бу даврга келиб эришилган бадий савия билан қиёслаганда ўзига хослиги билан фарқланади. Кўплаб саудиялик шоирлар бу жанрда ижод қилишга уринганлар, масалан, Муҳаммад Ҳасан ал-Аввад, ал-Қураший, Мансур ал-Ҳазимий, Муҳаммад ал-Фаҳд ал-Иса, Ахмад ал-Фасий, Носир Бухаймид, Муҳаммад ал-Амир ар-Румайх, Саад ал-Бавардий ва бошқалар. Уларнинг уринишлари шакл жиҳатидан ҳам, шеъринг вазн жиҳатидан ҳам анъанавий услубдан узоқлашмади. Мазмун жиҳатидан эса улар асосан романтик шеърлар эди. Саудия адабиётида оқ шеър ўзининг ҳозирги замон шаклида, рамзлар, анъанавий ва афсонавий қаҳрамонлар образларини қўллаган ҳолдаги шаклида XX асрнинг етмишинчи йиллар ниҳояси ва саксонинчи йиллар бошларида пайдо бўлди.

XX асрнинг етмишинчи йиллари Арабистон ярим ороли мамлакатларининг, шу жумладан, Саудия Арабистонининг иқтисодий соҳадаги ривожланиши гувоҳи бўлди. Бу, албатта, мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тизимларига жиддий таъсир кўрсатди. Етмишинчи йиллар авлоди, шундай қилиб, жамиятда ўзгаришлар ва модернизациянинг тез суръати натижасида пайдо бўлган хавотирлик ҳиссиётини ифодалаш учун оқ шеърни муносиб адабий шакл деб топди.

Бу авлод вакиллари ижодини таҳлил қилишга киришишдан олдин икки таниқли шоир – Ғози ал-Қусайбий (1940-2010) ва Муҳаммад ал-Али (1940 й.т.)ларни эслаб ўтиш жоиз. Икковлари ҳам анъанавий байтлардан иборат шеърлар ҳам, оқ шеърлар ҳам битганлар ва верлибр ривожига катта ҳисса қўшганлар. Ал-Қусайбий асарлари олтмишинчи йиллардан бошлаб нашр қилина бошланди. Адибнинг бой ва ифодали тили дарҳол кенг оммани ўзига жалб қилди. Ал-Қусайбий шеъриятида шахсий мотивлар билан бир қаторда араб дунёсининг тақдири ҳақида қайғуриш ғоялари, умумараб масалаларига эътибор ўрин олган.

Муҳаммад ал-Али ижоди ҳам олтмишинчи йиллардан бошланади. Унинг шеърияти хавотирлик ҳиссиёти билан йўғрилган, тилида эса анъанавий тизимларнинг таъсири, айниқса, тилнинг софлиги ва услубнинг бирлиги жаҳатидан яққол сезилиб туради. Ал-Али шеърияти Кўрфаз мамлакатларининг бой анъаналари билан боғлиқдир: шоир уларни шеърнинг асосий ғоясини таъкидлаш ва чуқурлаштириш, янги маъно ва ишоралар касб этиши учун қўллайди.

Етмишинчи ва саксонинчи йиллар модернизм шеъриятининг гуллаб-яшнашига гувоҳ бўлди. Анъанавий шеърият вазнлар асирлигидан халос бўлган шоирлар поэтик дискурс чегараларини сезиларли даражада кенгайтира олдилар. Янги исмлар ва доимий тажрибага тайёр бўлган шоирларнинг янги авлодлари пайдо бўлди.

Саад ал-Хумайдин верлибрда ёзилган шеърлардан иборат “Девордаги расмлар” (1971) номли китоб нашр қилган биринчи шоир бўлди. Ундан сўнг верлибр тарафдорлари бўлган бир қатор ёш шоирлар адабиёт саҳнасига кириб келдилар. Баъзи исмларни эслаб ўтамиз: Али ал-Думайний, Муҳаммад ас-Субайтий, Аҳмад ас-Солиҳ, Муҳаммад Жабр ал-Ҳарбий, Абдуллоҳ ас-Сайхон, Абдуллоҳ аз-Зайд, Ҳасан ас-Сабаа, Хадижа ал-Умарий, Сурайя ал-Урайид, Латифа Қори, Ашжон Ҳиндий, Фотима ал-Қарний, Жосим ас-Суҳаййих, Аҳмад Қиран аз-Заҳроний, Иброҳим Мифтах, Хусайн Суҳайл, Иброҳим Саби, Абдуллоҳ ар-Рошид, Иброҳим ал-Вофий, Иброҳим Зулий, Муҳаммад Мусайяр Муборакий, Хусайн ал-Арвий, Абдуллоҳ ал-Хашрабий.

Таъкидлаш жоизки, бу гуруҳ шоирлар ижодидаги шакл жиҳатидан анъанавий бўлган байтлар муайян шартлар доирасидан чиққан ва муаллифларнинг дунёга замонавий қарашларини ифодалаган ҳамда ортиқча такаллуф ва риторикадан холи тилда ёзилган.

Баъзи танқидчиларнинг фикрига кўра, верлибр шеъриятида мавзулар йўқолди ва бунинг ўрнига шоирлар инсон тақдирини, аёл ва муҳаббатни, ўлимни, ғоялар ва идеологияни, низолар

ва фалсафий концепцияларни, ватан ва жамият муаммоларини, ғурбатдаги ҳаётни ва инсон эркинлигини чеклайдиган барча нарсаларини қандай кўришларини тасвирладилар.

Араб дунёсидаги шоирлар овози орасида саудиялик верлибр шоирларини ажратиб турадиган хусусият уларнинг ана шу мавзуларда кайғуришидир. Бу шоирлар ўз ижодларида рамзлар, маҳаллий лаҳжа, Арабистон ярим оролидаги тарихий қаҳрамонлар ва халқ орасидаги таниқли намояндаларининг поэтик образлари, саҳронинг таниқли тафсилотлари – карвон, кумлик, ёмғир, мусиқа асбоблари, фольклор рақслари ва кўшиқлари, яъни Арабистон ярим ороли аҳолисининг онги билан узвий боғлиқ бўлган унсурлар каби воситалар ва бадий услублардан кенг фойдаландилар. Шунингдек, диний анъана ҳам кенг қўлланилди, ислом тарихидаги воқеалар ва қаҳрамонларни эслаш, диний терминологияни қўллаш каби усуллардан фойдаланилди. Кўповозли драматик поэзия ҳамда хикоя этиш ва суҳбат усулидаги халқ эртакларини баён этувчи шеърият пайдо бўлди.

Шеърият сўз бойлигининг янгиланиши ҳам юз берди, эндиликда муаллифлар мураккаб метафоралар ва ортиқча мусиқавийликдан воз кечмоқдалар. Янги шеърий луғат сўз танлашда, халқ ибораларини ва оддий халқнинг ҳаётини ва қўндалик воқеликни ифодалайдиган идиомаларни қўллаш билан характерланади.

Бугунги кунда Саудия Арабистонида кўплаб шоирлар оқ шеър ижод қиладилар - Фавзия Абу Холид, Аҳмад ал-Мулла, Муҳаммад ад-Думайний,

Муҳаммад Убайд ал-Ҳарбий, Мансур ал-Жуҳаний, Абдуллоҳ ас-Сафар, Иброҳим а-Ҳусайн, Ғассон ал-Хунайзий ва Ҳуда ад-Дағфак. Араб дунёсида бошқа жойда бўлгани каби баъзи адабий мунаққидлар қофияланган насрда ёзилган шеърни жуда ҳам ноаниқ, шаклсиз нарса ва уни ўтмиш билан алоқа кўпригини ёқиб юбориш воситаси ҳамда шеърият оламига шеърий таланти бўлмаганлар учун “қора эшик”дан кириш йўли деб ҳисоблайдилар.

Ҳар ҳолда, оқ шеър анъанавий шеърлар байтларнинг ҳам, верлибрнинг ҳам ўрнини боса олмайди. Улар интеллектуал фаолият даврида, тарихий ўзгаришлар жараёнида пайдо бўлиб, аввалги шеърий услубдан фарқ қиладиган янги услуб яратдилар. Ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган насрий шеърлар одатда қандайдир бир нуқтага, ёрқин фикрга, рамзга таянади, бу уларга ўзига хослик ва мураккаблик беради.

* * *

Солиҳ Заманан – саудиялик шоир, драматург, журналист, ҳозирда ар-Риёддаги Тадқиқотлар ва маърифий алоқалар марказида ижрочи директор ўринбосари ва марказнинг маданий ишлар бошқармаси мудирини лавозимида ишламоқда.

Солиҳ Заманан Саудия Арабистони жанубий минтақаси Нажронда 1985 йили йили туғилган, у Подшо Файсал университети филология факультетининг араб тили бўлимини имтиёзли диплом билан битирган. Унинг меҳнат фаолиятига назар

солсак, Саудия ахборот агентлигининг Najрон минтақаси бўлими мудир, Najрон Адабиёт клубининг раиси (2013-2018 йиллар), “Рақамлар” (“Рақамат”) адабий журнали бош муҳаррири (2013-2014 йиллар), Саудия Арабистони “Шарқ” газетасида “Тирдоб” журналистик рукни муаллифи (2012-2013) бўлиб ишлаганини кўрамиз. У Саудия Арабистони Najрон минтақасида “Қусс ибн Саъида” маданий фестивали координатори ва фестиваль ўтказиш ғояси муаллифи (2012-2013) ҳамда Осиё арабшунослиги I халқаро конференцияси координатори (2019) тажрибасига эга бўлди.

Солиҳ Заманан ҳам маҳаллий ва минтақавий, ҳам халқаро фестиваллар, конференциялар ва маданий анжуманлар иштирокчиси. Халқаро миқёсда у Коста-Рикадаги халқаро шеърӣ фестивал, Испаниядаги Мадрид халқаро шеърӣ фестивали, Бахрайндаги Маданият баҳори фестивали, Қоҳирадаги янги матн учрашуви, Байрутдаги халқаро китоб кўргазмаси, Важда, Мағрибдаги араб насрий қасидаси фестивали, Шаржадаги араб театри фестивали, Масқатдаги халқаро китоб кўргазмаси, Қоҳирадаги халқаро китоб кўргазмаси, Танжа (Мағриб)даги “Рас Спартил” фестивали, ал-Ҳавария (Тунис)даги Абул-Қосим аш-Шобий фестивали, Ақлин (Ливан)даги Араб қасидаси оқшомлари фестивали, Испаниядаги Гранада халқаро адабиёт фестивали, Кувайтдаги “Ижодий минбар” кечалари, Аммон (Иордания)даги Маданият уйи кечалари, Милан (Италия)даги – Каталония университе-

тида араб тили ва адабиёти кечалари, Қадимий Мадрид Форуми ("Ateneo de Madrid") ҳамда Пекин (Хитой)даги халқаро китоб фестивалида ижодий фаолияти билан иштирок этган.

Нашр этилган китоблари: "ал-Башканжийя" ("Дар Тава" нашриёти, 2010), "Тешикдаги қоровул" ("ад-Дара ал-арабийя лид-улум" нашриёти. Байрут, 2013), "Боши фожида, бармоқлари кулгуда" (Сан-Хосе Шеърят уйи ва Коста-Рика университети, 2014, испан тилига таржима), "Саудия театридан тўққиз матн" (Араб театри уюшмаси, саудия муаллифлари жамоаси, 2013), "Отасидан қайтган" ("Дар Тава" ва "Дар Мискиляний" нашриёти, 2015), "Отасидан қайтган" (Иккинчи нашр. "Дар Арвиқа" нашриёти. 2016), "Отасидан қайтган" (Учинчи нашр. "Дар ал-Милад" нашриёти. Ар-Риёд, 2018), "Чала кўриқчилар" ("Дар Тава" нашриёти, 2016), "Мадриддан ... само сари" (Дунёнинг 17 та давлати шоирларининг шеърининг антологияси. "Verbum" нашриёти, Мадрид. 2016), "Заҳиранинг носозликлари" ("Дар маншурат таквин" нашриёти, Кувайт, 2018).

Пьесалари: "Дўзахилар ва жаннатилар", "Ариқдаги қассобхона", "Шеър ва қон подшоҳлари", "Абдул Бағус ал-Ҳорисий", "Шеърят ва йигитлик харидорлари", "Лабид ибн Рабия", "Еттинчи тротуар", "Ностальгия", "Сўнгги байрам", "Ал-Ҳибалий қайғуси", "Башпоратлар", "Лорка", "Бахтсизлик", "Безорилар интиҳоси", "Нажронда кўрнинг заҳираси", "Чақимчи", "Ямаманнинг мовийлиги", "Нур дарвишлари".

* * *

Араб Кўрфази шеърляти умуман ва саудия шеърляти, хусусан шу минтақада кўп яратилишига ва кенг миқёсда қабул қилинишига қарамай, сўнгги йилларда бир қатор Европа тилларига секин-аста таржима қилиб келинмоқда ва бироз паст овозда бўлса-да эшитила бошлади. Мисол тариқасида инглиз тилидаги “Beyond the Dunes. An Anthology Modern Saudi Literature” ва рус тилидаги “ЗА ДЮНАМИ. Антология современной саудовской литературы» антологияларда барча адабий турлар қатори шеърлят намуналари, модернистик шеърлят таржималари нашр қилинганди. Бир қатор ёш шоирларнинг шеърля тўпламлари немис, итальян ва испан тилларига таржима қилинган. Марказий Осиё минтақасида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам саудия адабиётидан бир қатор насрий асарлар таржима қилинган, масалан, Ҳамза Муҳаммад Буқарийнинг “Сафо айвони”, Ҳомид Даманхурийнинг “Қурбонлик қиймати ёхуд муҳаббат ва бурч”, Маҳа Муҳаммад ал-Файсалнинг “Тавба ва Сулайё”, Иброхим ан-Носир ал-Ҳумайдоннинг “Тун зулматидаги нур” романлари, Ҳадича ал-Ҳарбий, Вафо Умайр, Ҳана Ҳижозий ва бошқаларнинг ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

Солиҳ Заманан саудия адабий ҳамжамияти ҳамда адабиёт мухлислари томонидан эътироф этилиш билан бир қаторда хорижда ҳам танилиб бормоқда. Солиҳ Заманан ижодининг эътирофи ҳақида у сазовор бўлган бир неча мукофотлар далолат беради. Ёш шоир, драматург ва журналист “Чала кўрикчилар” пьесалар китоби учун Саудия

Арабистони Маданият ва информация вазирлигининг 2017 йилги “Энг яхши китоб” мукофотиغا, “Отасидан қайтувчи” шеърый тўплами учун 2016 йили ас-Санусий шеърыйт мукофотиға, “7-тротуар” пьесаси учун Тоиф ёшлар драматургия фестивали мукофотиға, “Сўнги зиёфат” пьесаси учун эса Абу Рабиа драматургия мукофотиға ҳамда Подшо Абдулазиз университетининг (Жидда шаҳри) 2018 йил драматургия мукофотиға сазовор бўлган.

Унинг шеърлари инглиз, испан, француз, италян ва хитой тилларига таржима қилинган, йигирмадан ортиқ давлатда шеърыйт фестивалларида иштирок этган.

Солиҳ Заманан шеърыйт гулшаниға театр устахонаси орқали киргандай туюлади, у ўн еттига пьеса муаллифи.

Солиҳ Замананнинг ижодидан танлаб олиб, ўзбек тилиға таржима қилинган ва ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган шеърлари ҳақида баъзи мулоҳазаларни билдирмоқчимиз. Араб адабиётида шеърни, қасидани байт ташкил қилади, араб тилида “байт” сўзи уй деган маънони ҳам англатади. Адибнинг ижоди билан танишиш учун, унинг ижод уйига, байтларига киришдан аввал ана шу байтларнинг остонасига қараймиз. Бу одатда китобнинг номи, унинг муаллифи, муқова ёки сурат ўзига жалб этади. “Абадият манзиллари” тўпламиға киритилган матнларнинг аксарияти шоирнинг “Отасидан қайтувчи” (“Аидун мин абиҳи”) китобидан олинди. Мазкур тўплам 2018 йили нашр этилган ва юқорида айтиб ўтганимиздек, ас-Санусий адабиёт мукофотиға сазовор бўлган.

Биз ўрганган нарсаларимиз – сафардан, ғурбатдан, ўлимдан, йўлдан, мактабдан қайтиш, лекин оталардан, оналардан, уйлардан қайтиш эмас, балки уларга – отага, онага ва уйга қайтишдир. Шундай экан, китобнинг номи ўйлантириб қўяди ва бу “ота” мажозийми ёки “тез кетган / қўшиқ янграгандек дўстлар-ла ҳазил қилаётиб, / гўё совға харид қилишга кетган” ҳақиқий отами деган ҳаёлга толдиради. Остонадан ичкарига киргач, яъни китобнинг бағишлови ва мундарижаси билан танишсак, мақсад ва мавзу аён бўлади.

Матнлардаги асосий мавзу – ўлим мавзуси турли рангларда ва номларда ифодаланган, бу ранглар оқ ранг, кулранг, йўқлик ранги – барчаси қорага ёки қоронғуликка сингиб кетса-да, биз шеърлар сарлавҳаларида уларни кўрамыз: “Мархум бобо васияти”, “Йўқликдаги кишнаш”, “Вужуд синови”, “Йўқлик ғалабаси”, “Узлат” ва бошқалар. Китобнинг бағишловида кўрсатилган, “эрта узлатга кетган, ҳамма оталар каби мункилламаган, қўшиқ янграгандек, дўстлар-ла ҳазиллашаётиб, тез кетган” отасининг вафоти, яъни инсон фожиаси инсонийликни шоирнинг эсига солади, у вужуд, яъни борлик ва йўқлик ўзгаришларидан, сўнгги ҳайқирикдан чарчаб, ўлим олдида таслим бўлганини секин-аста ҳикмат билан эътироф этади: “Бир куни / Эрталаб эрта тонгда / Болалар мактабга кетмасларидан / Ўламан. / Ўлимдан аввал кўп йўталаман... / Тулпоримни отхонага боғламанг / Узоқ яйловлар сари чопсин! / Уни бўрилар овлайди / Ва у мен билан ўлади / Мен уни эгарладим, / йўқликни босиб ўтиб, биргаликда / Онамнинг баҳордаги тушлари / сари интиламиз.”.

Шоирдаги тушқунлик ҳиссиётини бошқа шеърларида ҳам учратишимиз мумкин. Бир шеърда “Аҳволим яхши эмас... / Мен – ўликлар қабристониман!” деб ҳайқирган ижодкор, бошқа матнда дунёни қора рангда кўрар экан, ғаройиб сентиментал зиддиятда иккиланади: “Бир куни / Минг йиллардан кейин / Қабрлар нефть бўлади / Ўликлар мой бўлиб чиқадилар, / Ва қандилларни ёритадилар”.

Солиҳ Замананинг шеърӣ матн меъморчилигида – насрий қасидаларида – матн шакли чегараларидан хатлаб ўта оладиган онг юзага келади, натижада у маънолар ва ғоялар яратилгандан узоқлашади, кўпинча бу шеърӣ тажриба махсус инсоний ҳолат касб этиб, ҳаётдаги мағлубиятларни ифодалайди. Ҳиссиётни ҳар нарсага, у қанчалик беъмани, ўткинчи ёки қотиб қолган бўлмасин, ҳар нарсага айлантиради, ҳатто шоир матнлар орасида бирикиб кетади, бир матндан иккинчисига ўтадиган ўлим билан кураш, йўқлик, зиндон, ўрмонлар, тоғлар ва туннинг охириги қисмидаги ҳиссиётларни ифодалайди.

Бу насрий шеърлар тўпламида шоир матнлар орасида ўлимни таъқиб қилади, шоир билан бирга бир қасидадан иккинчисига ўтар эканмиз, унга параллел матнга дуч келамиз: орзулар, хоналар, тоғлар, поездлар, болалар ўйинлари ва бошқа нарсалар бир матндан иккинчи матнга ўтади, гарчи буни ўқувчи бевосита ҳис қилмаса-да, бу ерда масала суратларни ташкил қилишда йўқотиш ва йўқ бўлиш маъноларига тўла истиораларни, юксак тилни қўллаш билан боғлиқдир.

Солиҳ ижодида ўлим ўзининг абадий ҳокимлигини бўшатиб беради, унинг ўрнини ҳаёт ҳозир-

лиги эгаллайди ва унинг манзилгоҳи таъсирланиш бўлади. Поездлар транспорт воситаси эмас, у технология қурбони. Уни асл маъдан ҳолидан ер қаъридан қазиб олиб, ишлаб чиқариш унинг аслиятини барбод қилган, уни руҳлар “коктейл”ига айлантирган. Мана шу ерда у (поезд) ўзининг асл ҳолини эслайди ва уни соғинади. Шоир уни “инсоний” лаштириб, унинг томирларига ҳаёт йўллайди. Шоир “Поездлар қайғуси” қасидасида шундай дейди:

“Поездлар бечорадирлар / Чунки уларнинг пойлари / бармоқларига мос эмас / Бошидаёқ оёқларини кесишди / Қорнида юришга мажбурлашди / Ҳар сафар тўхташни хоҳлаганда / Темир олови уни куйдирарди...”

Шоир матнни ҳазм қилишда поездни фантазия олаmidан яна “темир йўллари”га қайтаради, қариганида эса, уни ўлимга маҳкум қилиб, дастлабки ҳолатига айлантиради. Поезд сахрога ўзининг ҳалокати сари кетади:

“Бахтли поездлар йўқ / Лекин омаддилари бор / Ошиқ-маъшуқаларни узоқ қишлоқларга элтувчи / Шунинг-чун юк поездлари издан чиқади / Ва сахрода хоналарга айланади./”

Модерн шеърийят мухлисларига маъқул келган, бир қатор тилларга таржима қилинган ва муҳим адабиёт минбарларига қўйилган мазкур қасида поездлар қиссаси унинг озод бўлиши ва ўлим олдида огоҳлантирувчи ҳиссиётлари асосига қурилган оловли тўқнашув билан яқунланади:

“Ҳар гал поездлар овозин эшитганимда / қулоқларимни беркитаман / Унинг овози мени бе-

зовта қилмайди / Лекин унинг олдида ўз жонига қасд қилганлар / Ҳали ҳам қичкирадилар!..”

Мазкур тўпламда ўқувчи нарсаларга нисбатан ўзгача чуқурлик ва ўзгача қарашни топади. Барча матнлар учун ушбу жиҳат муштаракдир. Биз кунлик ҳаётимизда ҳар куни дуч келадиганимиз, лекин унга эътибор бермайдиганимиз, кунлик ва рутинийликни (бир хилликни) қўллашдаги фаройиблик ва кутилмаганлик асосига қурилган шеърий кўринишнинг ижодий модернистик талқинини учратади ўқувчи.

Шеъриятдан вазн ва қофия эмас, балки фалсафий маъно излаган модернизм шеърияти муҳлисларига ушбу тўплам манзур бўлади деб, умид қиламиз.

Улуғбек ҲАМДАМ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети доценти,
филология фанлари доктори

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИ АРАБ ШЕЪРИЯТИГА БИР НАЗАР

(Солиҳ Замананнинг “Абадият манзиллари”
тўплами мисолида)

Арабшунос олим, ҳассос таржимон, тажрибали педагог Муртазо Сайдумаров замонавий араб шоири Солиҳ Заманан шеърларидан бир дастасини танлаб ўзбекчага маҳорат билан ўтирди. Натижада биз – шеърият ихлосмандлари “Абадият манзиллари” деб номланган янги назмий тўплам¹га эга бўлдик. Тўпламга таржимоннинг ўзи сўзбоши ёзган. Унда нафақат Солиҳ Замананнинг, айни пайтда, унинг авлодига, умуман, анъанавий араб назмидан жиддий фарқланиб турувчи замонавий араб шеъриятига хос бўлган қатор жиҳатларга назар ташланади. Айнан шунинг учун ҳам биз ушбу мақолада Солиҳ Заманан шеърларини баҳоли қудрат таҳлилу тадқиқ этар эканмиз, бир томондан, умуман бутунги дунё шеърияти ҳақида жаҳон адабиётшунослигида билдирилган умумлашма қарашларга таянсақ, иккинчи ёқдан, ушбу сўзбошида илгари сурилган фикрларни эътиборда тутамиз, унга тез-тез мурожаатлар қиламиз.

¹ Солиҳ Заманан. “Абадият манзиллари”. Шеърий тўплам. Араб тилидан Муртазо Сайдумаров таржимаси. “Ёшлар” нашриёти. Тошкент. 2020 й. 104 б.

Янги тўплам тўғрисида шуни айтиш жоизки, жаҳон шеърятининг чинакам ихлосмандларига бундай таржималар бир ютум тоза ҳаводек таъсир қилади. Поэзия тадқиқотчилари учун эса асл манба, мулоҳаза юритишнинг янги очилган майдони ҳисобланади. Демак, қайси томондан қараманг, жуда фойдали бир иш кўлимизда турибди.

Бугун деярли бугун дунёни қамраб олаётган модернистик кайфият асрлар давомида аруз анъанаси доирасида яшаб келган араб оламини ҳам четлаб ўтмади. Бу – табиий, албатта. Зеро, эртами-кечми, дунё жамиятлари оддинма-кетин бир-бирига яқин кайфиятларни бошидан кечиради. Ҳар ҳолда, биз билган, озми-кўпми таниган тарих, жумладан, адабиёт тарихи шундан далолат беради. Модернистик, постмодернистик деган жамият кайфиятлари бежиз пайдо бўлгани йўқ, аслида. Кейинги пайтларда олимлар мета-реализм, метамодернизм оқимлари ҳақида сўз юритишмоқда. Бундай эврилишларнинг бир учи жаҳон миқёсида шиддат билан ёйилаётган, ҳаётимизнинг деярли ҳамма жабҳаларини қамраб олаётган глобаллашув жараёнининг табиий натижалари билан чамбарчас боғлиқ. Глобаллашув оқибатида маданий, сиёсий, иқтисодий, адабий, қўйингки, борлиқ соҳалар бир-бирига дунё миқёсида таъсир қилади, ўзаро интеграциялашув юз бериб, бир-биридан улгу (ғоя) олади, улгу беради. Хуллас, ҳамма соҳаларда ўзига хос стандартлашув жараёни содир бўлади. Биз ҳозир мана шундай дунёда яшаймиз. Бас, шундай экан, ўзаро таъсирдан қочиб қутулиб бўлмайди. Эсланг, бир пайтлар араб ғазали дастлаб Испания, кейин

бутун Европа шеъриятига таъсир қилиб, бора-бора унда сонет жанрининг пайдо бўлишига олиб келганди. Агар глобаллашувнинг тарихи доирасини кенгайтириб қарасак, мана шу ҳодисанинг ўзи унга ёрқин бир мисол бўла олади. Яъни дунё халқлари адабиёти ҳамиша бир-бирига таъсир қилиб келгани аёнлашади. “Жаҳон адабиёти” атамаси (манбаларда бу термин И.Гёте томонидан илк бор истеъмолга киритилгани айтилади) ҳам шунинг, яъни глобаллашувнинг илк фаол таъсири натижасида вужудга келган. Ўз миллий маҳдудлиги ичра қолган адабиётлар секин-аста сўнишга маҳкум, албатта. Демак, дунё узра янги, модерн кайфиятнинг эсиши кўп жиҳатдан ана шу глобал таъсирнинг маҳсулидир, дея бемалол айта оламиз.

Таржимон ёзади: “Саад ал-Хумайдин верлибрда ёзилган шеърлардан иборат “Девордаги расмлар” (1971) номли китоб нашр қилган биринчи шоир бўлди. Ундан сўнг верлибр тарафдорлари бўлган бир қатор ёш шоирлар адабиёт сахнасига кириб келдилар. Баъзи исмларни эслаб ўтамиз: Али ал-Думайний, Муҳаммад ас-Субайтий, Аҳмад ас-Солиҳ, Муҳаммад Жабр ал-Ҳарбий, Абдуллоҳ ас-Сайхон, Абдуллоҳ аз-Зайд, Ҳасан ас-Саббаа, Хадижа ал-Умарий, Сурайя ал-Ураййид, Латифа Қори, Ашжон Ҳиндий, Фотима ал-Қарний, Жосим ас-Сухаййих, Аҳмад Қиран аз-Заҳроний, Иброҳим Мифтах, Ҳусайн Сухайл, Иброҳим Саби, Абдуллоҳ ар-Рошид, Иброҳим ал-Вофий, Иброҳим Зулий, Муҳаммад Мусайяр Муборакий, Ҳусайн ал-Арвий, Абдуллоҳ ал-Хашпрамий. Таъкидлаш жоизки, бу гуруҳ шоирлар ижодидаги

шакл жиҳатидан анъанавий бўлган байтлар муайян шартлар доирасидан чиққан ва муаллифларнинг дунёга замонавий қарашларини ифодалаган ҳамда ортиқча тақаллуф ва риторикадан ҳоли тилда ёзилган". Демак, замонавий араб шеърлятида лирик турга хос бўлган, асрлар давомида яшаб келган канонлар ўзгаришга юз тутмоқда. Бу ҳодиса ҳозирги замон жаҳон адабиётшунослигида "жанрлар мутацияси" атамаси билан ҳам изоҳланмоқда. Синчковлик билан назар солинса, жанрлар мутацияси барча асосий адабий турларда (лирик, эпик, драматик) кечаётган, тўхтатиб бўлмас бир жараёндир. Чунки дунё аллақачон глобаллашувнинг шиддатли даврига одим қўйиб бўлган.

Ҳар гал поездлар овозин эшитганимда,
қулоқларимни беркитаман.

Унинг овози мени безовта қилмайди,
Лекин унинг олдида ўз жонига қасд
қилганлар...

Ҳали ҳам қичкирадилар!

Интоқ санъати воситасида поездга жон ато этади шоир. Натижада поезд Солиҳ Заманан шеърлятида фаол образлардан бирига айланади. Поезд – яна модерн дунёнинг матоҳи. У, масалан, икки юз йил олдин йўқ эди. Демак, поезд янги деталь, янги образ. Глобаллашган замонда эса, унинг инсон ҳаётидаги ўрни янада ортмоқда. Поезд одамларга бир жойдан иккинчи жойга бориш, кўчиш имконини беради. Шу маънода у айрилик тимсолига ҳам айланмоқда. Бунга Солиҳ Замананнинг юқоридаги шеъри ёрқин мисол бўла олади. Лирик қаҳрамон ҳар гал поезд ово-

зини эшитганда қулоқларини беркитади. Чунки айнан унинг, яъни поезднинг олдида одамлар ўз жонларига қасд қиладилар. Лирик қаҳрамоннинг қулоқларига ана ўшаларнинг жон аччиғидаги қичқириқлари кириб келади. Шуларни эшитмай дея, у қулоқларини беркитади. Хўш, одамлар нега жонларига қасд қиладилар?.. Шунинг учунки, поезд уларнинг яқинларини, қадрдонларини, севганларини ўзи билан бирга олиб кетади. Балки мангутади... Демак, поезд айна дамда бир умрлик айрилиқ рамзи бўлиб келмоқда. Шоир эса айрилиқ мотивини поезд образи орқали маҳорат билан акс эттирмоқда. Мен деталь эмас, образ дедим. Чунки поезд детали С. Заманан шеърлятида такрорланиб келади, бас, унинг зиммасига катта бадий юк юкланганлиги боис ҳам у образ даражасига чиққан, деб айта оламиз.

“Баъзи танқидчиларнинг фикрига кўра, верлибр шеърлятида мавзулар йўқолди ва бунинг ўрнига шоирлар инсон тақдирини, аёл ва муҳаббатни, ўлимни, ғоялар ва идеологияни, низолар ва фалсафий концепцияларни, ватан ва жамият муаммоларини, ғурбатдаги ҳаётни ва инсон эркинлигини чеклайдиган барча нарсаларини қандай кўришларини тасвирладилар” деб ёзади араб шеърлят дунёсининг яхши билимдони – таржимон М. Сайдумаров. . “Верлибр (vers – шеър, libre – озод, эркин) – муайян ўлчов асосидаги вазн ва қатъий қофияланиш тартибига эга бўлмаган шеър... XX асрда верлибр жаҳон шеърлятида, жумладан, ўзбек шеърлятида ҳам кенг оммалашди”¹. Демак,

¹ Қуронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. Б.78-79.

шеърдаги эркинлик ёки эркин шеър ёзишга инти-
лиш нафақат араб ё ўзбек, балки бутун жаҳон шеър-
иятига хос бўлган жараён экан. Бу жараённинг
тобора тезлашаётгани эса, юқорида таъкидланган-
идек, глобаллашув билан чамчарчас боғлиқдир.
Бу жараён, ўз навбатида, шеърнинг тематик диа-
пазонига ҳам таъсир қилади, қилмоқда. Аслида,
мавзулар унча кўп бўлмайди, фақат даврга қараб
уларнинг ўрни алмашиб туради, холос. Ҳатто аме-
рикалик машҳур ёзувчи, Нобель мукофоти сов-
риндори Э.Хемингуэй дунёда тўртта муҳим мав-
зу борлигини таъкидлайди: уруш, муҳаббат, ҳаёт
ва ўлим. Албатта, мавзулар ёзувчи қайд этгандан
сал кўпроқ бўлиши мумкин. Лекин улар ёзувчи
қайд этган асосий мавзулар атрофида турланади,
тусланади. Таъбир жоиз бўлса, улар асосий мавзу-
ларнинг ўзига хос вариантларидир. Шу маънода,
таржимонимиз қайд этган араб верлибр шеър-
иятидаги мавзулар ҳам Хемингуэй ёдга олган мавзу-
ларнинг бироз бошқачароқ шаклдаги такроридан
бошқа нарса эмас.

М. Сайдумаровнинг замонавий араб шеър-
иятини чуқур ўрганиб, улардан таржималар қи-
либ, олган тажрибалари ва билимлари асосида
ёзган сўзбошисида яна қуйидагиларни ўқиш
мумкин: “Араб дунёсидаги шоирлар овози ора-
сида саудиялик верлибр шоирларини ажратиб
турадиган хусусият уларнинг ана шу мавзулар-
да қайғуришидир. Бу шоирлар ўз ижодларида
рамзлар, маҳаллий лаҳжа, Арабистон ярим оро-
лидаги тарихий қахрамонлар ва халқ орасидаги
таниқли намояндаларининг поэтик образлари,
сахронинг таниқли тафсилотлари – карвон, қум-

лик, ёмғир, мусиқа асбоблари, фольклор рақслари ва қўшиқлари, яъни Арабистон ярим ороли аҳолисининг онги билан узвий боғлиқ бўлган унсурлар каби воситалар ва бадийий услублардан кенг фойдаландилар. Шунингдек, диний анъана ҳам кенг қўлланилди, ислом тарихидаги воқеалар ва қахрамонларни эслаш, диний терминологияни қўллаш каби усуллардан фойдаланилди. Кўповозли драматик поэзия ҳамда ҳикоя этиш ва суҳбат усулидаги халқ эртақларини баён этувчи шеърият пайдо бўлди”. Кўриниб турибдики, мавзу ва шаклда ниҳоятда катта эркинлик бор. Бундай эркинлик замонавий жаҳон шеъриятига ҳам хос хусусиятдир. Бир вақтлар турк шоири Нозим Ҳикмат ўз ижоди ҳақида қуйидагиларни айтганди: “Мен барча шакллардан фойдаланман. Халқ адабиёти вазни билан ҳам ёзаман, қофияли ҳам ёзаман. Аксинча ҳам ёзаман. Энг оддий сўзлашув тили билан қофиясиз, вазнсиз ҳам шеър ёзаман. Севгидан ҳамда тинчлик, инқилоб, ҳаёт, ўлим, севинч, умид, умидсизликдан сўз очаман. Инсонга хос бўлган ҳамма нарса шеъримга ҳам хос бўлишини истайман. Истайманки, ўқувчи менда ёки бизда бутун туйғуларининг ифодасини топа олсин”. Бизнингча, бу изҳордаги энг муҳим жиҳат – “Инсонга хос бўлган ҳамма нарса шеъримга ҳам хос бўлишини истайман” деган икромдир. Чиндан, янги адабиёт, жумладан, шеърият ўзини шундай намоён қилишни хоҳламоқда: асрлар давомида муайянлашган қатъий қолиплардан андак чекиниб, ҳаётни унинг ўзидан олган, ҳис қилган ритмларида акс эттиришга уринмоқда. Шоир С. Заманан “У гўё совға

лигининг янгиланиши ҳам юз берди, эндиликда муаллифлар мураккаб метафоралар ва ортиқча мусиқавийликдан воз кечмоқдалар. Янги шеърый луғат сўз танлашда, халқ ибораларини ва оддий халқнинг ҳаётини ва кундалик воқеликни ифода-лайдиган идиомаларни қўллаш билан характерланади” (М.Сайдумаров).

Дарҳақиқат, глобаллашув даврида ҳаёт ритми чунон ўзгарди ва яна шиддат билан ўзгаришда давом этмоқда. Бу эврилишлар ўз навбатида дунёқарашни, иқтисодни, сиёсатни, шунингдек, адабиёту санъатни ҳам ўзартирмоқда, уларга жиддий таҳрирлар киритмоқда. Албатта, бу ўзгаришлар яқинда, дейлик, 2000 йиллардан кейин пайдо бўлган эмас, унинг тарихи анча аввалги даврларга бориб тақалади. “Саудия адабиётида оқ шеър ўзининг ҳозирги замон шаклида, рамзлар, анъанавий ва афсонавий қаҳрамонлар образларини қўллаган ҳолдаги шаклида XX асрнинг етмишинчи йиллар ниҳояси ва саксонинчи йиллар бошларида пайдо бўлди”, деб ёзади яна таржимон. Мамлакатдаги иқтисодий ривожланиш ва жамиятни модернизация қилиш натижасида кўнгилда туғилган хавотир туйғуси ана шундай янгиланишларга йўл очган сабаблардан бири эканлиги тўғрисида ҳам сўз боради у ерда. Демак, Саудия Арабистони жамиятидаги ўзгаришлар шеърятда янги кайфиятни вужудга келтирган ва бу ўзгачалик оқ шеърда ўз ифодасини топган. Натижада, ўтган асрнинг 70- ва 80-йилларида араб дунёсида янги шеърятнинг илк намуналари яратилган. Агар қиёс қилинадиган бўлса, гарчи илк куртаклари Чўлпон шеърятда уч бера бошла-

ганига қарамай, ўзбек назмида ҳам тўлақонли модернистик шакллар айнан 70-йилларда ўзини яққол намоён қилган эди. Кўринадики, бу икки ҳодисани қиёслаб ўрганса, жаҳон адабиётшунослигида қимматли хулосаларга эришиш мумкин бўлади.

Ўзбек ўқувчиси модернизм деганда, кўпроқ Ғарб модерн адабиётини тасаввур қилади, кўз олдида ҳам ғарблик ижодкорлар сиймолари намоён бўлади. Бу каби таржималар натижасида эса, араб мамлакатлари адабиётидаги янги-ча тамойиллардан, уларнинг намояндаларидан кўпроқ хабар топади, улар яратган модернистик шеърлардан баҳра олади. Адабиётшунослар эса, икки адабиётни ўзаро қиёслайди, ўрганеди, муштарак ва фарқли жиҳатлари ҳақида соҳа учун қимматли хулосалар чиқаришади. Шу маънода “Абадият манзиллари” каби китобларнинг пайдо бўлиши айни муддаодир.

Модерн шеърни таржима қилиш қийин. Буни мутахассислар ҳам тан олишади. Шунга қарамай, Муртазо Сайдумаров бу қийин ишнинг уддасидан чиққан, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда, Солиҳ Замананинг шеърлари ўзбек тилида ўзбекона ифодалар билан жаранглайди. Албатта, бу борада янада асосли мулоҳазаларни араб ва ўзбек адабий тилини қиёсий тадқиқ этувчи билимдонлар айтишади. Лекин араб шоирининг ўзбек тилида янтраган мана бундай шеърлари худди ўзимизнинг шоир қаламидан чиққандек силлиқ қабул қилинади – ўқилади. Бу, шубҳасиз, таржимон маҳорати билан боғлиқ натижадир:

Очиқ бўл,
Очиқ бўл йўқлик манзилларида.
Билгинки, қабр –
Кийим алмаштириш хонаси эмас.
Лекин у Абадият сари
Сайр қилишингдаги йўлнинг бошланишидир!

Демак, шоирга кўра, қабр – кийим алмаштирадиган хона эмас, яъни турланадиган жой эмас, аксинча, у абадий сайрнинг ибтидоси, холос. Олдинда абадиятнинг кўздан кўп манзиллари кутиб турибди. Бас, бу йўлда очиқ, самимий бўлишгина ўзини оқлайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бугун бутун дунёни камраб олган глобаллашув жараёни жахон адабиётида бир талай жиддий ўзгаришларни вужудга келтирди. Замонавий араб шеърияти ҳам бундан мустасно эмас. Солих Заманан шеърияти эса, ана шу салмоқли эврилишларни ўзида мужассам қилган, айни пайтда, шакл ва мазмун мундарижасига кўра ўзига хос шеъриятдир.

2020 йил, сентябрь

МУҲДАРИЖА

Сўзбоши 5

Роман

Хуршид Дўстмуҳаммад. Жимжитликка юз тутган
Муҳайсин..... 7

Адҳамбек Алимбеков. Ўқишли роман 19

Муртазо Сайдумаров. Араб ўсмирлар адабиёти (“Тун
зулматидаги нур” романи мисолида)..... 28

Баҳодир Карим. Ҳаёт ва хаёл уйғунлиги
(Араб адибаси Маҳа Муҳаммад ал-Файсалнинг “Тавба ва
Сулайё” романи ҳақида)..... 39

Ҳикоя

Зайнабидин Абдирашидов. Араб адабиёти
Ўзбекистонда: Азиз Зиёнинг “Ғурбатдаги
ҳаёти” 55

Алимурод Тожиев. Психологик таҳлил
тамойили..... 67

Дилафруз Муҳиддинова. Саудия адабиётида “энг қисқа
ҳикоя” жанри..... 75

Шеърят

Раъно Ходжаева. Краткий экскурс в саудовскую
поэзию 86

Муртазо Сайдумаров. Солиҳ Заманан – саудия
модернист шоири..... 102

Улуғбек Ҳамдам. Глобаллашув даври араб шеърятига
бир назар (Солиҳ Замананнинг “Абадият
манзиллари” тўплами мисолида) 115

ЗАМОНАВИЙ АРАБ АДАБИЁТИ ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛАРИ ТАЛҚИНИДА

Муҳаррир: Ахтам РЎЗИМУРОДОВ
Бадий муҳаррир ва
саҳифаловчи: Дилмурод ЖАЛИЛОВ
Техник муҳаррир: Мадина АБДУЛЛАЕВА
Мусахҳиҳ: Нигора ҒАНИЕВА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
Адабиёт ва санъат вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси
Адабиёт ва санъат вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Адабиёт ва санъат вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси
Адабиёт ва санъат вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Адабиёт ва санъат вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси
Адабиёт ва санъат вазирлиги

Нашриёт лицензияси АИ № 315. 24.11.2017.
2021 йил 30 мартда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Cambria гарнитураси.
Офсет босма. 4,30 шартли босма табоқ, 5,0 нашр табоғи.
Адади 500 нусха. 4-рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида

YOSHLAR NASHRIYOT UYI.
Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 11-уй.

“Avto-Nashr” ХК босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, 8-март кўчаси, 57-уй.

ISBN 978-9943-6681-2-6



9 789943 668126